

# О‘ХSHAYDI, О‘ХSHAYDI, О‘ХSHAYDI...



*Вилоятларимизнинг бирида ижодкорлар танлови бўлди. Биз ҳам қатнашдик. Танлов қандай ўтганию ғолиблар нима асосда аниқлангани — қўйинг энди, бошқа масала. Лекин якунда, одатдагидек, уларга совға-салом улашилди. Тадбирнинг ташаббускори ҳам, ҳомийси ҳам маҳаллий бойлардан бири экан, совринларни шу кишининг ўзи тақсим ва тақдим қилди. Соврин олганларни ўшанда бир кўрсангиз! Келинсаломга чиққан келинчакдек эгилиб-букилган, таъзим-тавозенинг чек-чегараси йўқ. Беихтиёр устоз шоирнинг машҳур мисраси ёдга тушади: “Ижрокўм уй бермиш, кўзларингда ёш...”*

*Майли, қўйинг, совриндоримиз қувонса қувонсин, миннатдор бўлсин! Аммо шу тобда бойбувамизнинг кўнелидан нималар ўтди экан? Бунисини биз билмаймиз. Билганимиз шуки, бой бўлмоқ яхши! Мўлтираб қўл чўзиб тургандан кўра шартта чиқариб бермоққа нима етсин! Ҳамён ўзингизники бўлгандан кейин хоҳлаган ишингизни қиласиз-да. Кўнелингиз эса кўчаси кўп. Бу ёқда замона зайли, бойбувалик мажбурияти — бўйин товлаб кўринг-чи! Ҳаммасидан ҳам чор атроф қўлингизга қараб энтикиб турса! Таҳсини офаринларни айтмай-сизми! Ҳимматингизга балли, бойбува! Дунё тургунча туринг, бойбува! Ҳазил гапми, умрида бир қатор шеър ўқимаган одам — шоирга, шеърятга ҳомий! “Кўнелингизни кенгроқ қилинг, домлажон...” (Абдулла Орипов). Хўроз уриштиргандан кўра, итбозлик қилгандан кўра, шуниси тузук эмасми, ахир! Лекин оғзи қулоғига етган совриндор шоирга қараб туриб, бойбувамизнинг дилидан не ўйлар кечганини тусмолламоқ барибир қизиқ: “Шеъринг ҳам, шоиринг ҳам ўзимнинг кўлимда экан-ку!” Мана, шоирларга ҳомийлик қилди — шеърят шайдосига ўхшади. Эртага бирор хушовоз хонанданинг бошини силаб, санъат фидойисига айланади. Кейин бир кун футбол-путболни қўллаб-қувватлаган бўлади-да, спорт ишқибозига ўхшаб олади...*

*Бойбувамузу у кишининг турли-туман ҳотамитойликларини қўятурайлик, ҳамёнларига барака берсин, аммо атрофда шунга ўхшаш ҳодиса-ҳолатлар бунча кўп-а! Амал-тақал қилиб китоб бостирган одам — ёзувчига ўхшайди, микрофон қаршисида жилпангламоқни эплаштиргани — кўшиқчига ўхшайди, каллага эмас, оёққа зўр берган яна бири — олимга ўхшайди; ўхшайди, ўхшайди, ўхшайди... Ўхшамайдигани — ўзи қани? Ўзи қаҳатми шунча?*

*Хўш, бой-бадавлат бўлиб ҳамият кўрсатмоқ, бировга ҳомийлик қилмоқ ёмон демоқчимизми? Йўқ, йўқ — асло! Унинг қўлига қарамок, унга муте бўлмоқ ёмон. Бундан ҳам ёмони — “воситаи жоҳ” илинжида ўзгага ўхшамок ёмон!*

*“Аслида қандай бўлсанг — шундай кўрингил, қандай кўринсанг — шундоқ бўл!”  
Ким айтган эди-я буни? Барибир — ҳақ гап, ҳаққоний гап!*



# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Тахририят:*

Фахриддин НИЗОМ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Дамин ЖУМАКУЛ  
(масъул котиб)  
Муҳиддин РАҲИМ  
(бўлим мудир)  
ШОХСАНАМ  
(бўлим мудир)  
Ольга ЖОЛДАСОВА  
(бўлим мудир)  
Наргиза УСМОНОВА  
(сахифаловчи)  
Машраб НУРИНБОЕВ  
(фотомуҳбир)

*Жамоат кенгаши:*

Дилюром АЛИМОВА  
Абдулла АЪЗАМ  
Хуриш ДАВРОН  
Нуриддин ЗАЙНИЕВ  
Баходир ЗОКИР  
Нажмиддин КОМИЛ  
Султонмурод ОЛИМ  
Хайридин СУЛТОН  
Нурислом ТЎХЛИЕВ  
Абдурахим ЭРКАЕВ  
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ  
Мурғазо ҚАРШИБЎЙ  
Фарход ҲАМРОЕВ  
Иброҳим ҲАҚКУЛ

Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Шеърый асарлар журналнинг ўз ташаббуси билан чоп этилади.

Манзилмиз: 100047, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй



233-10-68  
239-46-16  
239-05-19

Журнал андозаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2010 йил 29 март куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 6 босма тобоқ. 951-бўйртма. Нашр адади – 3439 нусха. ISSN 2010-649

tafakkur@inbox.uz

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Ҳиммат ва шижоат замони  
*Профессор Фафуржон МУҲАМЕДОВ билан суҳбат*..... 4

### ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Никита МОИСЕЕВ. Ахборот жамияти:  
имкониёт ва воқелик..... 10

Фахриддин КАРИМОВ. Демократия ва миллий ахборот тизими..... 20

### ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Хислатхон МУҲАММАДАЛИЕВ. Журналистика:  
муаммо ва ечим..... 24

### ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Ўткир РАҲМАТ. Уфқнинг бағрида  
тин олди оташ... .. 26

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД. Қоғозга жаранглаб  
тўкилади нур... .. 29

### ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Аҳмад АЪЗАМ. Хотира мавжлари. *Романдан боб*.....32

### САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Кино миллат рамзига айланса!..  
*Режиссёр Жаҳонгир ҚОСИМОВ билан суҳбат*..... 42



# SAHIFAALARIDA

## саҳифаларида

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Шаҳноза ҚАҲҲОРОВА.  
Фалсафий маданият пойдевори.....50

### ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Баҳодир ЗОКИР. Эркинлик ғояси  
талқинига икки хил ёндашув .....58

### БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Мўмин ҲОШИМХОНОВ. “Сен ҳам марди  
Худо бўлғил...” .....68

### МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Ибодулла ЭРГАШЕВ. Ҳайрат — илҳом  
манбаи .....72

### “ТАФАККУР” ТАБАССУМИ

Ҳазиломуз ҳикматлар .....74

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ. Турфа тақдирлар .....76



### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ. Ёшлар ва сиёсий маданият.....	82
Собиржон ЁҚУБОВ. Журналистика ва ҳоқимият.....	83
Иномжон БОБОҚУЛОВ. Хавфсизликнинг ҳуқуқий негизи.....	84
Шаҳноза ОДИЛХОНОВА. “Оммавий маданият” нима?.....	85
Хуршидбек ЙЎЛБАРСОВ. Катта синов даври.....	86
Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА. Публицистик асар таъсирчанлиги.....	87
Барно ЎНГБОЕВА. Катта экран тарихига бир назар.....	88
Улуғбек МАНСУРОВ. Машъум йиллар уқубати.....	89
Муаттар ЖЎРАЕВА. Сўзни севиб сайлаган адиб.....	91
Гулчеҳра ҚОБУЛНИЁЗОВА. Ницше ва ҳукмронлик ғояси.....	92
Мамажон МАМАТОВ. Икки олам талқини.....	93
Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....	95



НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

## HIMMAT VA SHIJOAT ZAMONI

*Олий Мажлис Сенати аъзоси, Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор  
Ғафуржон МУҲАМЕДОВ билан суҳбат*

— Ғафуржон Исроилович, Сиз Олий Мажлис Сенати аъзоси, мамлакатимиздаги тўнғич ва нуфузли олий таълим маскани — Миллий университет ректорисиз. Сизнингча, баркамол авлод таълими ва тарбияси ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлган ҳозирги паллада соҳа олдида ечимини қутаётган қандай муаммолар бор? Уларни ҳал этишда нималарга эътибор қаратиш керак?

— Биз глобаллашув замонида яшаяпмиз. Бошқача айтганда, бугун ҳаёт суръати бекиёс даражада тезкор тус олди. Бу тезкорлик таълим тизимини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Кечагина янгилик ҳисобланган ўқитиш усуллари бугуннинг талабларига жавоб бермай қоляпти. Ўз навбатида, бугун эришилиб турган даража эртанги кун учун мезон бўла олмаслиги ҳам аён. Демак, биз бошқа жабҳалар сингари таълим-тарбия тизимида ҳам фақат бугуннинг ташвиши билан ўралашиб қолишга ҳақли эмасмиз. Эртанги кунни, келажакни кўзлаб иш кўришимиз зарур. Шундагина замон билан ҳамқадам юра оламиз.

Эътироф этиш керак: глобаллашувнинг таълим соҳасига ижобий таъсири катта. Тизимда эришилган энг сўнги ютуқларнинг дунё миқёсида тарқалиш тезкорлиги, фан ва таълим интеграциясининг кучайиб кетаётгани, ўқитишнинг замонавий технологиялари тобора такомиллашиб бораётгани ана шу ижобий таъсир самарасидир. Айни чоқда, тараққиётнинг бу воситаларидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга интилиш ҳоллари ҳам мавжудки, бундан ҳар дам хушёр ва огоҳ туриш зарур. Бугун жаҳоннинг қайсидир бир бурчагида ёшлар орасида тарқалган номақбул урф, агар олдини олмасак, эҳтиёт чоралар кўрмасак, яшин тезлигида бизда ҳам акс садо бериши, ёшларимиз тарбиясида оғир асоратлар қолдириши ҳеч гап эмас. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, глобаллашув мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, турли сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига ҳам хизмат қилаётир. Савол кетидан савол туғилади: бунинг олдини олиш, ёш авлод онги ва шуурини ёт ғоялар таъсиридан сақлашнинг қандай йўллари бор? Қандай йўл тутсак, фарзандларимизни бундай таҳдидлардан муҳофаза қилишга эришамиз?



Таълим тизими ходимлари кўпроқ ана шу масалалар устида бош қотирмоғи даркор. Бу борада биринчи галда замонлар синовидан ўтган миллий қадриятларимизга таянмоғимиз зарур. Она тилимизда дунёнинг жуда кўп миллатлари тилида учрамайдиган “уят”, “ҳаё”, “ор-номус”, “андиша” деган тушунчалар бор. Бу хусусиятлар миллатимизнинг асл табиати, тийнатида мавжуд. Таассуфки, бугун бу фазилатлар сал қийматини йўқотгандек, унутлаёзгандек. Аввало ёшларимиз руҳиятига ана шу туйғуларни муттасил сингдиришимиз лозим.

“Уят ўлимдан қаттиқ”, “Аввал ўйла, кейин сўйла”, “Етти ўлчаб бир кес”. Зоҳиран жўндай кўринган бу нақллар замирида нечоғлиқ теран маъно бор. Улар ёшларни бирор ишни қилишдан олдин фикр юритиш, мушоҳада этишга чорлайди. Ёшлик одатда жўшқинликни тақозо этади. Бу жўшқинликка фикр ва мушоҳада уйғунлашса, шижоатга айланади, эзгуликка хизмат қилади.

Ёхуд устозга ҳурмат туйғусини олайлик. Ҳазрат Навоийдек улуғ мутафаккир таълим берган устозининг зурриёти билан отдан тушиб саломлашгани бу борада барча замонлар ва авлодлар учун ибрат, намунадир. Шундай руҳда тарбия топган, ана шу аъналарга амал қилган авлод ёт таъсирларга берилмайди, миллий заминдан узилмайди. Замон тили билан айтганда, уларда мафкуравий иммунитет мустаҳкам бўлади. Мен айрим мисолларни келтирдим, холос. Миллий қадриятларимиз тимсолида эса бундай далиллар адоқсиз. Глобаллашув жараёнининг салбий оқибатларидан сақланмоқчи бўлсак, таълим-тарбияни ана шундай ўлмас қадриятлар негизига қуришимиз керак.

— Устоз, фикр аҳли бугун алоҳида диққат қаратаётган муҳим бир масала — инсоният ҳаётига тобора ёпирилиб кираётган “оммавий маданият” деган балодан, Сизнингча, қандай сақланиш мумкин? Бунда таълим тизимининг ўрни қандай бўлиши керак? Хусусан, биз — ўқитувчилар бу хатарнинг олдини олиш учун нималар қилишимиз зарур?

— “Оммавий маданият” ўзи нима? Бу бир ниқоб, холос. Унинг замирида бизнинг асл миллий қадриятларимизга ёт бўлган ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик мужассам. Ана шу ниқоб остида бугун бизга мутлақо зид бўлган эгоцентризм ва индивидуализм ғоялари тарқатилмоқда. Кўзланган мақсад аён: биринчидан, ана шу нопок ҳаракат орқали бойлик орттириш; иккинчидан, муайян халқ, миллат маънавиятининг теран илдизларига болта уриш. Бу хатарнинг олдини олиш учун фарзандлар тақдирига бепарво бўлмаслигимиз, таълим-тарбия тизимини муттасил такомиллаштириб боришимиз, бунда соҳа олдига замон қўяётган талабларни ёдда тутиш баробарида миллий ахлоқ, миллий маънавият илдизларига таянмоғимиз керак.

Хўш, талаба ёшлар мисолида бунга қанчалик эришяпмиз? Ҳар доим ҳам олдимизга қўйилган мақсадни амалга ошира оляпмизми? Бурчимизни эсдан чиқариб қўймапмизми? Ором бермайди бундай саволлар. Муттасил бош қотиришимиз керак улар устида. Ўзим кузатган бир ҳол: талаба биринчи курсда дарсларга жиддий, масъулият билан қарайди. Бурчга бундай ёндашув иккинчи курсда ҳам ўзгармайди. Бироқ... учинчи ва тўртинчи курсларга келиб улар орасида дарсга муносабати жиддий бўлмаган, давомати паст, ўзлаштириш даражиси суст талабалар ҳам пайдо бўлади. Савол туғилади: нега? Дастлабки курсларда ўша талабанинг хулқ-атвори бошқача эди-ку? Мантиқан олиб қаралса, талабада йил сайин масъулият ҳисси ортиб бориши керак эмасми?! Балки бундай аҳвол сабаби талабанинг дарсдан бўш вақтларини қандай ўтказаяётгани билан боғлиқдир? Менинг назаримда, “оммавий маданият” хуружи тобора кучайиб бораётган бугунги кунда ёш авлод тарбиясига масъул ҳар бир зиёли бу ҳақда қайғуриши керак. Талаба ёшларнинг бўш вақтини фойдали ишга сарфлашига эришиш муаммонинг энг мақбул ечимидир.

Миллий университетда бу борада айрим тажрибалар қўлланмоқда. Жумладан, дастлабки курсларданоқ талабаларни мақсад ва иқтидорига қараб бир неча гуруҳга бўлиб ўқитишни йўлга қўйдик. Талабалар хоҳишига кўра, илмий тадқиқот, педагогик ёки ишлаб чиқариш соҳалари бўйича гуруҳларга ажратилди. Ҳар бир гуруҳга муайян соҳанинг етук билим ва тажрибага эга мутахассиси бириктириб қўйилади. Натижа ёмон бўлаётгани йўқ. Талабаларда ташаббускорлик, катта мақсад сари интилиш, келажакка масъулият ҳисси кучаяётгани сезиляпти. Табиийки, ўзи танлаган мутахассисликка оид бундай ғоялар билан яшаган талабага Сиз айтган “оммавий маданият” хуружи таъсир кўрсатиши қийин. Унда дарсга иштиёқ кучаяди, устозидан иложи борича кўпроқ билим олишга, тажриба ўрганишга интилади.

— *Таълим тизими ривожини фан тараққиётидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Фаннинг энг сўнги ютуқлари ўқув жараёнига олиб кирилгандагина ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини чинакамига юксалтириш мумкин. Бу — синондан ўтган ҳақиқат. Суҳбатимиз мавзусини бугун талаба ёшларни илм-фанга жалб этиш борасида қилинаётган ишларга бурсак. Бу жабҳада қандай ютуқларга эришилди, эришиляпти? Галдаги вазифалар нималардан иборат бўлмоғи керак?*

— Дарҳақиқат, фан ва таълим бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Уларнинг айри-айри ҳолда ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди. Фан тараққий этмаган жойда таълим ҳам сустлашишга маҳкум. Шунинг учун Миллий университети-мизда илм-фан ривожига, бунда ёшларнинг ҳиссаси кўпроқ бўлишига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Биз интеллектуал салоҳият асрида яшаяпмиз. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, XXI юзйилликда муайян давлатнинг қудрати моддий бойликларига ёхуд ҳарбий имкониятларига қараб эмас, ёшларининг интеллектуал салоҳиятига кўра белгиланади. Шунинг учун биз илмий-интеллектуал салоҳиятни босқичма-босқич юксалтиришга интиляпмиз. Бу борада амалий натижалар ҳам бор. Жумладан, ҳар бир факультетнинг энг иқтидорли талабаларини дастлабки курсларданоқ устозларга бириктириб қўйяпмиз. Бакалаврият босқичи талабаси келажакда давом эттириш мумкин бўлган долзарб мавзуда малакавий битирув иши ёзаяпти, магистратурада тадқиқотни айна шу йўналиш-

да давом эттириб, янада юқори даражага кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Натижада, баъзи иқтидорли талабалар аспирантуранинг биринчи йилидаёқ номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилишга эришмоқда. Тенгдошларининг бундай ютуғи улар билан изма-из етишиб келаётган ёшларга кучли таъсир кўрсатаётгани, бу ташаббуснинг тобора қанот ёзаётгани унинг яқин истиқболда катта самаралар бериши мумкинлигини кўрсатади.

Бугун университетда тўрт нафар талаба — Президент стипендияси совриндори. Бир нафари Абу Райҳон Беруний, уч нафари Мирзо Улуғбек, тўрт нафари Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси, ўн икки нафари Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибидир. Университетимизнинг 90 йиллик юбилейи муносабати билан, муҳтарам Президентимиз фармонига кўра, тўрт нафар талабамиз “Шуҳрат” медали билан тақдирлангани бизда ёш авлод камолотига бўлган эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатиши баробарида талабаларимизнинг илм-фанга бўлган рағбатини, қизиқишини янада орттирди. Уларда ўз иқтидорига ишонч, катта мақсадларга интилиш туйғуси кучайди. Бунинг амалий самараси ўлароқ, яқинда ўтказилган инновацион ғоялар ва ишланмалар республика танлови тақдимотида университетимизнинг олтмишга яқин иқтидорли талабалари қатнашди. Шулардан 1-3 март кунлари “Ўзэкспомарказ” да ўтказилган кўرғазмада йигирмадан ортик талаба иштирок этди. Энди улар маблағ билан таъминланган мавзуларда илмий иш олиб борадилар.

*— Гафуржон Исроилович, иқтидорли талаба ёшларнинг бундай ютуқларга эришаётгани қувонарли, албатта. Бироқ талабалик кезларимни эсласам, биз тенгилар ҳозиргиларга қараганда пишиқ-пухтароқ, интилувчанроқ бўлгандек. Тенгдошларим кўп вақтини кутубхоналарда мутолаа билан ўтказар, илмий анжуманларда, маданий-маърифий тадбирларда, матбуотда фаол иштирок этар эди. Алоҳида иқтидорга эга талабаларни истисно қилганда, бугунги ёшлар орасида ялқов, ўз касби борасидаги истиқболига лоқайдлари ҳам анча-мунча. Ёки мен янелишяпманми?*

— Бундай тасаввур бўлиши ажабланарли эмас. Ҳамиша, барча замонларда катта ёшдагилар наздида кейинги авлод улар даражасига етмагандек туюлаверади. Бугунги ёшлар ҳам эртангиларга нисбатан шундай хавотирни билдириши эҳтимолдан узоқ эмас. Ваҳоланки, ёрқин истеъдодлар қаторида ялқов, лоқайд талабалар университетда бизу сиз ўқиган кезлари ҳам бўлган. Бундан кейин ҳам ёшлар бирваракайига, ёппасига ғайратли, ташаббускор бўла олмайди. Халқимиз жуда топиб айтган — беш қўл баробар эмас. Муҳими, биз талаба ёшлардаги юзага чиқмаган, яширин имкониятларни аниқлашимиз, уларда учраши мумкин (эҳтимолки, табиий) бўлган танбаллик, бепарволик сингари иллатларни муолажа этиб, бунинг ўрнига ҳиммат ва шижоат ҳиссини пайдо қилмоғимиз зарур. Шундагина ўқитувчи, таълим тизими ходими ўз бурчини бажарган бўлади.

Биз дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган улуг мутафаккир боболаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ёшларда ана шундай ифтихор туйғусини тарбиялаш бениҳоя зарур. Бироқ фахрланиш билангина иш битмайди. Бугунги авлод буюк аждодларнинг илмий-интеллектуал меросини чуқур ўрганиши, эгаллаши, ижодий тафаккур асосида уларни янги ютуқлар билан бойитиши, янада юксак босқичга кўтариши зарур. Замонамиз ёшлари

бу бебаҳо меросдан ўз камолоти, Ватан ва миллат равнақи йўлида фойдаланиши керак. Бунинг учун ёшларда ижодий тафаккурни тарбиялаш энг муҳим масаладир. Бинобарин, ижодий тафаккур — жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч, авлод камолотининг муҳим шarti. У бўлмаган жойда лоқайдлик, танбаллик сингари иллатларга йўл очилади. Ижодий тафаккурдан бебаҳра кўнгилда маърифатга ўрин бўлмайди. Ёш авлоднинг маърифий савиясини ҳақиқий маънода юксалтириш уларда ижодий тафаккурни тарбиялашдан бошланиши керак. Шунинг учун бугун ўқув тизимида талабанинг мустақил ва эркин фикрлашига, унинг дарс жараёнининг пассив тингловчиси эмас, фаол иштирокчиси, ҳатто ижрочиси даражасига кўтарилишига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бу тез орада ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

— *Миллий университетимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ҳам ҳавас қиларли. Бунда навқирон авлоднинг: бакалавриат ва магистратура босқичлари талабаларининг, аспирант ва докторантларнинг, ёш ўқитувчиларнинг ҳам ҳиссаси борлиги, айниқса, қувонарли. Сизнинг — университет раҳбарининг бу ҳақдаги фикри кўпчиликни қизиқтириши табиий...*

— Таълим тизимини чинакамига ривожлантирмоқчи бўлсак, албатта шу соҳанинг дунёдаги нуфузли марказлари билан алоқани кучайтиришимиз шарт — замон тақозоси шундай. Миллий университетимиз бу борада муайян ютуқларга эришиб келаётир. Математика, физика, компьютер технологиялари, геология, экология, хорижий филология сингари соҳаларда ўнга яқин халқаро миқёсдаги грантларимиз бор. Уларда истеъдодли ёш олимлар илмий тадқиқот олиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида университетимизнинг илмий салоҳияти юқори эканидан, унинг халқаро миқёсдаги эътирофидан дарак беради.

Бошқа барча соҳалар сингари таълим тизимининг ҳам истиқболи бугунги ёшлар кўлида. Демак, биз рақобатбардош, Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир истеъдодли кадрларни тайёрлашимиз шарт. Ўтган йили Будапештдаги талабалар умумжаҳон олимпиадасида математика бўйича университетимиз талабаси Рустам Турдибоевнинг ғолиб бўлгани, бир қанча ёшларимиз Германия, Чехия, Япония, Корея, Ҳиндистон сингари мамлакатларнинг иқтидорли талабалар учун халқаро стипендиялари совриндори экани бунга етарли имкониятимиз борлигини кўрсатади.

Ёш ўқитувчиларимиз чет мамлакатларнинг нуфузли университетларида малака оширяпти, талабаларга сабоқ бeryапти. Жумладан, бир қанча ёшларимиз Россия, Германия, Япония, Корея ҳамда Ҳиндистондаги фан ва таълим марказларида малака ошириб келди. Ўзбек филологияси факультети ўқитувчиси Гулбахор Искандарова Хитойнинг Пекин Миллатлар марказий университетиде икки ўқув йили давомида талабаларга она тилимиздан дарс бериб қайтди. Бу, биринчидан, она тилимизнинг мавқеи тобора юксалаётганидан далолат берса, иккинчидан, ёш ўқитувчимиз иқтидорининг ўзига хос эътирофидир.

Кўриниб турибдики, халқаро алоқаларни янада ривожлантириш учун имкониятларимиз катта. Яқин истиқболда бу борадаги ютуқларимиз янада кенгайиши муқаррар.

— *Жорий 2010 йил мамлакатимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани талаба ёшлар томонидан қизғин кутиб олинди. Ишонамизки, бу*



*борада ишлаб чиқилган давлат дастури бугунги авлод истиқболида янги уфқлар очади. Бироқ бунинг замирида катта масъулият ҳам турибди. Шундай эмасми?*



— Талаба ёшлар таълим оладиган муассасада ишлаганимиз учун, мухтарам Юртбошимизнинг бу даъвати бизга чинакам куч-ғайрат ва шижоат бағишлади. Табиийки, жорий сананинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши наинки талабалар, уларга таълим-тарбия берадиган устозлар зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Тарихга назар солсак, миллатимиз барча даврларда ҳам фарзандларининг комил инсон бўлишини орзу қилган, ҳар бир ота-она шу улуғ мақсадга интилган. Бироқ ҳеч бир замонда бу масала XXI асрдаги сингари устувор мақомга — давлат сиёсати даражасига кўтарилган эмас. Бинобарин, жорий 2010 сана биз — таълим тизими ходимлари учун синов йили. Бошқача айтганда, аждодларимизнинг минг йиллар давомидаги орзулари рўёбга чиқишида янги бир босқич бошланади бу йилда.

Мамлакатимизда бугун бошқа соҳалар қатори таълим тизими ҳам ислоҳ қилинмоқда. Бундан ҳам кўзланган мақсад — авлод камоли. Президентимиз таъбири билан айтганда, ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Жорий сананинг “Баркамол авлод йили” деб номланиши замирида мамлакатимиз раҳбарининг келажагимиз, эртанги кунимизнинг давомчилари бўлган ёшларга ишончи акс этган. Бу ишончни оқлаш — ёшларнинг бурчи. Бу масъулиятли вазифани адо этиш йўлида жонбозлик қилиш — ўқитувчиларимиз, таълим тизими ходимлари елкасидаги масъулият. Ҳам талаба ёшлар, ҳам устоз мураббийлар, қолаверса, жамиятнинг барча аъзолари бир тану жон бўлиб ҳаракат қилсагина бу нурли мақсадга эришмоғимиз мумкин.

*— Маърифатпарвар боболаримиз “Авлод тарбияси — миллат тарбияси” деган ақида билан яшаб келган. Таълим-тарбия чиндан осон иш эмас: фидойиликни, жонбозликни талаб қилади. Ватан ва миллатнинг эртанги кунини салоҳиятли, баркамол авлодга топшириш имкони яратилиши жиҳатидан ҳам бу фидойилик зарур. Ана шундай масъулияти залворли, шарафли ишларингизда омад тилаймиз, устоз!*

**Нурбой ЖАББОРОВ**  
суҳбатлашди.



## АХБОРОТ ЖАМИЯТИ: ИМКОНИЯТ ВА VOQELIK

“Ахборот жамияти” — алоҳида изоҳ талаб этадиган сўз бирикмаси. У ҳозир нафақат олимлар даврасида, балки матбуот саҳифаларида ҳам бот-бот тилга олинмоқда — жамиятнинг келажаги шу тушунча билан боғланаётир. Лекин жамият ривожиди ахборот технологиялари роли янаям ортиб бориши ҳақидаги баъзи ваъзлар инobatга олинмаса, бу борада ҳали илгари силжиш кўзга ташланаётгани йўқ. Қолаверса, “ахборот жамияти” атамасини ҳар ким ўзича тушуниб, истифода қилмоқда.

Ваҳоланки, ахборот жамияти шундоққина бўсағада турибди ва унинг қандай кутиб олиниб, қандай талқин этилиши XXI аср тамаддуни мазмунига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатади. Биз ҳали кўп бор бу ҳодиса мағзини чақишга уринишимизга тўғри келади. Лекин ҳозирданок шуни аниқ айтиш мумкинки, ахборот жамияти инсониятнинг ақлга таянган саъй-ҳаракатисиз Ер юзиди ўз-ўзича қарор топа олмайди. Ахборотлаштиришнинг захира имкониятлари сайёравий ҳамжамият бахт-саодати йўлида хизмат қилмоғи учун бу ҳамжамият тузилмасидаги баъзи бўғинлар, айниқса, онгимиздаги қолиплар ислоҳ этилиши лозим.

Бундай жамиятни барпо этишга доир умумий режани ишлаб чиқишга чоғланишдан аввал “ахборот жамияти” тушунчасининг ўзини англаб ва бу борадаги тасаввурларни бугунги ижтимоий ривожланиш тамойиллари билан боғлаб олиш зарур. Модомики, ушбу тушунчага турлича, баъзан ҳатто қарама-қарши маъно юкланаётган экан, ишни шу ҳақда баҳсу мунозара очиб, нуқтаи назарларни қиёслаб олишдан бошлаш энг мақбул йўлдир. Фақат шу йўл билан муаммони жамоатчилик онги ва қалбига етказа олиш мумкин. Ушбу мақола ҳам жамиятнинг ижтимоий ва технологик тадрижидаги ҳозирги босқичга доир кўплаб нуқтаи назарлардан бири билан таништиради.

Айни вақтда бизни қизиқтираётган масала бўйича икита қарама-қарши фикр мавжуд. Дастлабкисига кўра, инсоният ўз тараққиётида “ахборот жамияти” деб аташ мумкин бўлган босқичга қадам қўйди ва у ҳализамон постиндустриал жамият ўрнини ишғол этади ёки ҳозирданок бу ўринни эгаллай бошлади. Компьютер техникаси, фазовий алоқа, ахборот технологиялари ва ҳоказоларнинг бемисл ривож топгани шун-

*Инсониятни эртанги кунда қандай ҳаёт кутаётир? Аxbорот жамияти деб ном олган бу давр қандай белги-аломатларга эга? Унга қандай тадорик билан қадам қўйган маъқул? Бундай кескин саволлар фикрловчи ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди, албатта. Айни масала юзасидан баён этилаётган қарашлар эса нафақат турли-туман, шунинг баробарида бир-бирига зид ҳамдир. Бундай шароитда барча нуқтаи назарларни синчиклаб таққослаб чиқиши зарурати пайдо бўлади.*

*Этиборингизга ҳавола этилаётган мақолада ҳам башарият истиқболига доир ана шундай қарашлардан бири ифода топган. Унинг муаллифи Никита Николаевич Моисеев (1917-2000) умумий механика ва амалий математика бўйича дунёга таниқли олим. Фалсафий мавзудаги ушбу мақола бундан ун йиллар аввал ёзилган бўлса-да, ҳануз сиёҳи қурилмагандек таассурот уйғотади. Олим қарашларида, шубҳасиз, баҳсли ўринлар ҳам мавжуд ва шу боис мақолага танқидий ёндашиш тақозо этилади. Мақола "Информационное общество" ("Аxbорот жамияти") (Москва, "АСТ", 2004) тўпламидан ўзбекчага ўгириб чоп этилмоқда.*



дан далолат беради. Бундан тамоман фарқ қилувчи кейинги қарашга кўра эса, аxbорот жамияти фақат узоқ келажакка дахлдор ҳодиса. Шунинг учун унинг хусусиятлари ҳақида баҳс юритишга ҳам ҳали эрта. Бу нуқтаи назар бўйича, аxbорот соҳасида биз гувоҳ бўлиб турган жараёнлар аслида пост-индустриал жамиятнинг анчайин такомилдан ўзга нарса эмас.

Менимча, аxbорот жамияти ҳақида баҳс очишнинг мавриди аллақачон келган. Чунки, боя айтганимиздек, инсонлар бу жамиятни қандай тасаввур этиши ижтимоий муносабатлар шаклланишига ва алал-оқибат цивилизация тақдирига жиддий таъсир кўрсатади. Қолаверса, бу фақат мутахассисларгина муҳокама этадиган масала бўлмай, бутун инсоният бош қотириши зарур саналган муаммодир. Аxbорот жамиятига ҳозирги воқелик деб қараб, фикр юритиш учун эса ҳали анча-мунча куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади.

Фан-техника тараққиёти таъсирида ишлаб чиқариш жадал ўсмоқда, экологик вазият ўзгариб бормоқда, иқтисодий интеграция кулоч ёймоқда. Техника ютуқлари сайёравий ҳамжамиятнинг жуғрофий-сиёсий ва ижтимоий табиати янгиланиш сари юз тутишига сабаб бўлмоқда. Шундай вазиятда эртанги тараққиётнинг муқобил йўллари башорат қила билиш ҳамда

бизни ўз бағрига тортаётган жараёнга таъсир кўрсата олиш салоҳиятимиз муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, инсон ҳаётининг барча соҳаларини аxbоротлаштириш баробарида бу ҳодисанинг ижтимоий тараққиёт билан алоқасини муҳокамага тортиш бугуннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Аxbорот жамиятига қадам қўйишни фақат электрон ва компьютер муҳандислигига боғлаб қўйиш тўғри эмас. Менимча, унинг тарих саҳнасига чиқишини Жамоавий Умумсайёравий Ақл қарор топиши ва тамаддун янги сифат босқичига кўтарилиши билан боғлиқ ҳолда тушунган маъқул. Аxbорот жамиятини барпо этиш шу қадар мушкул вазифаки, уни адо этиш жараёнида ҳар қандай тасодифга шай туриш лозим. Бу йўлда катта-кичик хавф-хатарга дуч келишимиз аниқ ва, айни чоқда, уларни енгиш учун бизда етарлича ақл ва ирода ҳам мавжуд.

Мен аxbорот жамияти ҳақидаги ўз қарашларимни ифодалаб бериш учун даставвал фан-техника тараққиётининг бугунги ҳолатини, унинг дунёдаги иқтисодий-сиёсий ва жуғрофий-сиёсий вазиятга таъсирини ҳамда Жамоавий Умумсайёравий Ақл истилоҳининг маъно-моҳиятини қандай тушунишим хусусида сўзлаб беришим керак бўлади.

**Б**угун жамиятни ахборотлаштириш ва компьютер техникасидан фойдаланишда ютуқлар гарови бўлган дастурий воситалар мажмуи — сунъий интеллект ҳақида кўп гапирилмоқда. Ишлаб чиқариш соҳасида ахборотлаштириш билан боғлиқ бутун бошли тармоқ вужудга келди. У илмий изланишларнинг янги йўналишлари ва, ҳатто, янги маданият пайдо бўлишига замин ҳозирладики, оқибатда ишлаб чиқариш соҳаси билан бир қаторда маънавий ҳаёт ҳам тубдан ўзгармоқда. Бу жараён борган сари жадаллашиб борапти, айна чоқда у барча тадрижий жараёнлар каби стихияли рўй бермоқда.

Ҳозирда ишлаб чиқариш соҳасини ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмай қолди. Бу ҳолни XVIII асрда кишилик жамиятига сурон солиб кириб келган ва тарих йўналишини тубдан ўзгартириб юборган буғ машинасига қиёслаш мумкин. Мазкур ихтиро туфайли юз йилнинг нариберисида бутун ҳаётини андозалар ўзгартириб кетган эди. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш жараён содир бўлмоқда ва унинг XVIII асрдан ягона фарқи — ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар янада тезкорлигидир. Келинг, ўзимиз шоҳиди бўлаётган жараёнларнинг айрим жиҳатларига назар ташлайлик.

Бугун ишлаб чиқаришда ҳар хил аниқ технологиялар юксак мавқе эгалламоқда ва улар орқали сунъий интеллект ҳамда ахборот технологиялари (шу жумладан, компьютернинг захира имкониятлари) маҳсулот яратишга жалб этилмоқда. Бундай технологиялар самараси ҳозирданок кўзга яққол ташланиб қолди. Мисол тариқасида деталларни бириктириш аниқлиги олинса, бу замонавий компьютер ва электрон ўлчов асбобларисиз эришиш душвор бўлган юқори аниқликдир. Ёки материаллар частотаси олинса, бу ҳам шундай воситаларисиз тасавурга сиғмайдиган ўта юқори частотадир. Мабодо энди инсон айби билан бирор фалокат рўй берса ҳам, бу бемисл бир фалокат бўладики, уни жиловлаб олиш ва бартараф этиш эртанги куннинг оғир ва долзарб муаммосига айланади. Қолаверса, бундай фалокатларни ҳам ах-

борот технологияларидан фойдаланмай туриб ҳал этиб бўлмайди.

Илғор мамлакатларда қарор топган ҳозирги тузум “постиндустриал жамият” деб аталаётгани бежиз эмас. Ушбу давлатларда энергия ресурслари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишидан мағрурланиш каби индустриал жамиятга хос асосий белгилар секин-аста йўқолиб бормоқда. Ҳаттоки энергиядан юқори тежамкорлик билан фойдаланиш, кам энергия талаб этувчи технологияларни жорий этиш эвазига бундай ресурсларни ишлаб чиқариш камайиши кузатилмоқда.

Техника ва технология соҳасида рўй бераётган юксалишлар жамият тақдирига жиддий таъсир кўрсатади, унинг устун йўналишлари, ҳаттоки ижтимоий табиатини ўзгартириб юборади. Малакали мутахассислар тайёрлаш зарурати юзага келади ва “ишчи”ларнинг бундай тоифаси сони ортиб боради. Табиийки, ишлаб чиқариш соҳасида муваффақиятни таъминловчи мутахассисни тайёрлашга кўп вақт ва маблағ сарфлашга тўғри келса ҳамда бутун жамият тақдири алал-оқибат уларга чамбарчас боғлиқ бўлиб қолса, бу тоифа жамият учун алоҳида аҳамият касб эта бошлайди. Бунинг устига, у меҳнатга яроқли аҳолининг кўпчилигини ташкил этса, бутун ижтимоий жараёнларни жадаллаштириб юборувчи ижобий акс таъсир ҳам юзага келади.

Айнан шу омиллар жамиятнинг тараққиёт йўли ва ташкилий тузилмасини ўзгартириб юборувчи бир талай оқибатларни келтириб чиқариши ҳозирданок кўзга ташланиб қолмоқда. Бундай ўзгаришларни, аввало, жамиятнинг тараққиёт йўли борасида кўриш мумкин. Ривожланган мамлакатларда миллий маҳсулотнинг учдан бир қисмини давлат марказлашган ҳолда тақсимлашининг ўзиёқ мен боя тилга олган шарт-шароитлар маҳсулидир. Бундан либерал иқтисодиёт баробарида ижтимоий йўналтирилган либерал иқтисодиёт ҳақидаги тасаввур юзага қалқиб чиқади.

Қолаверса, бундай тараққиёт йўли сиёсий ёки ижтимоий доктрина эмас, балки илгарилаб бораётган техникавий цивили-

зация тақозосидир, яъни тадбиркор “ишчи синфи”ни ўқитиш, даволатиш ва кексалигида нафақа билан таъминлашдан манфаатдор, тамом-вассалом. Шу ўринда бундан юз йил аввал капитализм ривожланиб бориши билан унинг бағрида янги ижтимоий муносабатлар куртак ёзади, деган фикрни айтган Э.Бернштейнни эслаб ўтиш жоиз. Марксистлар аини шу қараши сабабли уни “оппортунистлар ва ренегатлар” рўйхатига тиркаган эди.

Юқориди тилга олинган жараёнлар Ер юзидаги жуғрофий-сиёсий вазиятни ҳам ўзгартириб юборади. Эндиликда давлатларнинг сайёравий эҳроми чўққисини ҳозиргидек энг кўп қурол-яроғ ишлаб чиқараётган ҳам, Ер бағридан энг кўп бойлик қазиб олаётган ҳам, ҳаттоки, энг кўп ҳисоблаш ва бошқа электрон асбоблари ишлаб чиқараётган мамлакатлар ҳам ишғол этолмайди. Бугун фан-техника соҳасида юзага келган аҳвол қуйидагича: ҳар қандай ноу-хау бир неча йил ичида бутун Ер юзи аҳолиси мулкига айланади.

Бундан буён олдинги маррани янги илмий ва техникавий ғояларни қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга татбиқ этишга лаёқатли, батамом янги ва мукаммал sanoat маҳсулоти ярата оладиган ҳамда бу маҳсулотни бозор, аввало, ички бозор билан таъминлай биладиган давлатлар эгаллай бошлайди. Бунинг учун эса ушбу давлатлар юқори малакали ҳамда интизомли минглаб олим, муҳандис ва, айниқса, “ишчи синфи”га эга бўлиши лозим. Мен “ишчи синфи” атамасини иложи борича кам ишлатишга ҳаракат қиляпман. Чунки бевосита маҳсулот яратувчи бу “ишчи”ларнинг аксарияти, бугунги кун мезони бўйича, олий техник маълумотга, қолаверса, йирик ички бозорни яратиш учун мўмай маблағга эга бўлади. Зеро, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қатламнинг ўзига тўқлиги постиндустриал жамиятнинг сармоя айланишини кескин тезлаштирувчи “зарурат”лардан биридир.

Таълим билан баб-баравар технологик интизом ҳам англана боради, зотан, “чапдаст” ишлаб чиқариш алал-оқибат шу технологик интизомга қатъий риоя этишга таянади. Технологик интизом эса техник ниятни рўёб-

га чиқарувчи уста ҳақидаги тасаввур билан чамбарчас боғлиқдир. Усталарни (оммавий маҳоратни) тарбиялаш постиндустриал жамиятда муҳим миллий вазифага айланади.

Тайвань ҳозир постиндустриал цивилизациянинг олдинги маррасини эгаллаб турган мамлакатлар сафига қўшилиб олгани тасодиф эмас. Бу давлатда бир неча ўн йиллар давомида мактаб битирувчиларининг 30 фоиздан зиёдроғи университетлар қошидаги коллежлар талабасига айланди. Демакки, гап мазкур халққа (шунингдек, Тинч океани минтақасининг бошқа халқларига ҳам) хос бўлган ҳар бир вазифани виждонан бажариш анъанасидагина эмас. Албатта, анъаналарнинг аҳамиятини ерга уриш ярамайди, аммо бошқа бир масала ҳам борки, бир неча ўн-йигирма йил ичида ҳар қандай халқ хотирасидан кўп асрлик анъаналарни ўчириб ташлаш ҳам, унга қўл учида иш бажаришни “ўргатиш” ҳам мумкин. Қолаверса, оқилона сиёсат юритишга қодир бўлган ҳукуматсиз, ҳозирги тараққиётнинг техникавий ва жуғрофий-сиёсий тамойилларини илғай биладиган вазирларсиз ҳам бирор нарсага эришиш маҳол. Гоминдан ҳукуматининг миллат олдидаги буюк хизмати дунё тараққиёти йўналишини тўғри аниқлай олгани, 1940-50 йиллардаги оғир иқтисодий ва сиёсий шароитда ҳам таълимга бош миллий вазифа деб қарагани бўлди.

Зикр этилган фикрлар МДХ давлатларига ҳам тааллуқли, албатта. Ахборотлаштириш ва меҳнат маданиятига таянган аниқ технологияларни кенг жорий этиш бизни учинчи дунё харобаларига тушиб қолишдан асровчи ягона имкониятдир. Такрор айтаман, бизнинг бирдан-бир имкониятимиз халқнинг ақл-заковати ва илм-маърифатига таяниш, шунингдек, ҳукумат эътиборини ҳам шунга қаратишдир. Иқтисодий бухронлар шароитида ҳам таълим ва тарбиядан, қўли гул усталарни етиштиришдан муҳимроқ масала йўқ.

Постиндустриал жамият олдимизга қўяётган бугунги талаб ана шу. Бинобарин, амалий фаолиятга киришмай туриб, ахборот жамияти ҳақида сафсата сотиш бефойда.

**Х**исоблаш техникасининг кенг миқёсда қўлланилиши ва юксак технологияларнинг тараққий топиши, ижтимоий тузилманинг ислоҳ этилиши ва жуғрофий-сиёсий вазиятнинг ўзгариб бориши — инсониятнинг бугунги ҳаёти ва тамаддуни қурилмасида яқин келгусида рўй беражак туб сифат ўзгаришларининг ҳозирданоқ кўзга ташланаётган аломатларидир. Лекин бундай хусусиятларга эга жамиятни ҳам ҳали ахборот жамияти деб бўлмайди. Ҳозирча уни вужудга келтирувчи техник, технологик ва ижтимоий асосларни яратиш жараёни давом этмоқда, холос. Бугунги воқеликни “постиндустриал жамият” атамаси аниқ ифодалайди.

Бизнингча, ахборот жамияти деб аташга лойиқ ижтимоий тузилманинг юзага келишида Жамоавий Интеллект (ёки Жамоавий Ақл) етакчи роль ўйнайди. Инсон интеллекти унинг танаси ҳаёт фаолиятида қандай роль ўйнаса, Жамоавий Ақл ҳам умумсайёравий организм ҳаёт фаолиятида худди шундай роль ўйнай бошлайдиган вақт келишига ҳали бир мунча бор. Тейяр де Шарден, айниқса, Владимир Вернадский таълимотларида, умумсайёравий ақлнинг ҳукмронлик роли ҳақида баъзи фикрлар мавжуд. Олимнинг таъкидлашича, XX аср бошиданоқ инсоният Ер куррасининг асосий яратувчи кучига айланди ва айна сабабга кўра, у биосферанинг ҳам, одамзоднинг ҳам кейинги тараққиёти учун масъулиятни зиммасига олишга мажбур. Демак, жамоавий интеллект ғояси тасодифий бир хомхаёл эмас, аксинча инсоният омон қолишининг зарурий шартидир.

Бундан келиб чиқадики, инсон Ер юзидан умргузаронлик қилишининг янги тартиботи ўрнатилиши лозим. Лекин бундай ҳодиса яқин йилларда ўз-ўзидан рўй бериб қолмайди. Айна мақсад йўлида бутун инсоният ақл ва иродаси бирлашмоғи зарур. Демак, Жамоавий Ақл ва Жамоавий Ирода ўзини номоён этгандагина янгиланиш содир бўлади.

Бундай қайта қуриш жамиятнинг аниқ мақсадни кўзлаган аралашувисиз юз бермайди ва ҳатто умуман содир бўлмаслиги ҳам мумкин. У ҳолда инсоният келажак борасида ҳар қандай имкониятдан бебахра қолади. Шу

боис мен ахборот жамиятига homo sapiens бундан буён ҳам биологик тур сифатида ривож топишининг энг мақбул истиқболи деб қарайман. Бу — кишилик жамияти ноосфера асри томон тараққий этиши йўлидаги зарурий босқичдир. Ноосфера асрида эса инсон ва табиат уйғун яшаши учун барча шарт-шароит муҳайё бўлади.

Биз тусмоллаб фикр юритадиган барча ноёб жараёнлар сингари кишилик тарихи ҳам ҳеч қачон силлиқ кечмайди, шунингдек, унга изчил таъсир кўрсатиш ҳам имконсиз. Айна чоқда инсон бутунлай чорасиз, дейиш ҳам мантиққа зид. Инсон ривожланишнинг турли йўллари ҳақида фикр юритиш ва уларга риоя этиш лаёқатида эга. Бинобарин, ҳозирги ижтимоий жараёнларга доир имконият даражамизни белгилаб олиш ва уларга озми-кўпми таъсир кўрсатиш қўлимиздан келади. Бу ҳақда сўз юритишдан аввал “Жамоавий Интеллект” тушунчасига изоҳ беришим зарур.

**С**унъий интеллект билан Жамоавий Интеллект мутлақо бошқа-бошқа тушунчалар, бироқ иккисининг ҳам инсоният тақдирига кўрсатадиган таъсири беқиёс. Сунъий интеллект инсон ихтиро этган ва барпо қилган тизимдир. Жамоавий Интеллект эса табиий ҳодиса, шахс ва жамиятнинг аниқ мақсадни кўзлаган аралашувисиз ҳозиргача давом этиб келаётган мураккаб тадрижий жараён маҳсулидир.

Олий нерв тизими, яъни миянинг ривожланиб ва антропоидлар ҳаёт фаолиятининг мураккаблашиб бориши билан улар ўртасида ахборот айирбошлаш алоҳида роль ўйнай бошлади. Антропогенез жараёнида билимни бойитиш, маҳоратни ошириш муттасил давом этди, жамоавий хотира вужудга келди. Секин-асталик билан атроф-теваракни жаммоа бўлиб ўрганишга киришилди. Бошқача қилиб айтганда, Жамоавий Ақл номи билан юритилувчи тизим пайдо бўлди. Унинг олам ҳодисотларини идрок этиш ва жаммоа хўжалигини йўлга қўйиш борасидаги имконияти якка киши ва ҳатто барча одамлар ақлининг йиғиндиси имкониятидан бир неча қарра ортиб кетди. Дарҳақиқат, алоҳида индивидлар ўзаро муносабатга киришиб, узлуксиз

ахборот алмашиши туфайли Жамоавий Интеллект ва Жамоавий Хотира пайдо бўлди. Қолаверса, билим олиш, уни сақлаш ва узатиш имконияти боис “ақли” маҳлуқлар тўдаси кишилиқ жамияти бўлиб шаклланди. Узоқ аждодимиз меҳнатни ҳаёт шарти сифатида озми-кўпми англай олгани учунгина эмас, балки Жамоавий Ақлни такомиллаштира боргани учун ҳам инсонга айланди.

Одам мияси ривожланиб бориши билан оила, қабила ва халқнинг Жамоавий Ақли ҳам тараққий эта борган. Негаки, ахборот алмашиш ҳам, чамаси, асаб толалари билан бир вақтда пайдо бўлган. Олий нерв фаолияти мураккаблашуви, асосан, ахборот узатиш воситалари, биринчи галда эса ахборотни ифода этувчи тил, аниқроғи, тиллар такомиллашувидир. Бундан 30-40 минг йиллар аввал (балки ундан ҳам илгарироқ) муштарак аждодимиз — крामаньон пайдо бўлгач, одамнинг биологик ривожини амалда тўхтаган. Бироқ Жамоавий Ақл ривож топишда давом этибгина қолмай, ҳатто бу жараён янада тезлашмоқда — фан-техника тараққиёти бунинг яққол далилидир.

Ҳалигача кишилиқ жамиятининг ахборот тарихи битилмаган, аммо бугун шусиз ҳам инсоният билимининг бойиш ва техника тараққиётининг ўсиш суръати ижодий жараёнга жалб этилган кишилар сони ортиши билан бирга улар ўртасида ахборот алмашинуви тезлашишига (бунга имкон берувчи технологиялар яратилишига) ҳам боғлиқ экани аёнлашмоқда. Бирор киши ёки бирор гуруҳнинг (бутун бошли халқларнинг ҳам) ўз қобиғига ўралиб, ахборот алмашиш тизимидан узилиб қолиши уларнинг таназзулга юз тутиши, билим, малака ва хотирасини бой беришига сабаб бўлади.

Хуллас, Жамоавий Интеллект одамларни ахборот ришталари-ла боғловчи шундай бир тизимки, унинг шарофати билан ҳар бир кишига инсоният йиққан барча билимлардан баҳраманд бўлиш учун ҳам, шу билан бирга, унинг борлиқ ҳақидаги мавжуд тасаввурларни янада бойитишга ҳисса қўшиши учун ҳам кенг йўл очилади. Бундай тизим оламда юз бераётган воқеаларга нисбатан умумий нуқтаи назарни шакллантиради, бу эса, ўз

навбатида, одамлар куч-ғайрати ва саъй-ҳаракатини бир мақсад сари йўналтиради, умуминсоний менталитет пайдо бўлишига самарали таъсир кўрсатади. Жамоавий Интеллект жамоавий қарорларни шакллантиришга имкон берувчи тизимдир.

Жамоавий Ақл ва Жамоавий Хотира жамиятнинг барча аъзолари ундан фойдаланиш жараёнида янаям ортиб, янаям кўпайиб борадиган бирдан бир жамоавий мулк шаклидир. Дарвоқе, англиз драматурги Бернард Шоу бу хусусда жуда топиб айтган: “Сен мен билан олмани баҳам кўрсанг, иккаламизда битта олма бўлади. Лекин мен билан ғояни баҳам кўрсанг, иккаламизда биттадан ғоя бўлади”. Бундай “мулкдор”лар тоифаси шу хилдаги жамоавий бойликни қанча кўп тасарруф этса, инсоният бундан шунча кўп наф кўради.

Фақат ушбу жамоавий мулк — ҳикмат ва билимни қадимги Мисрдагидек бир ҳовуч “коҳин”лар “хусусийлаштириб олиши”дан худо асрасин.

**И**нсон онги ва, чунончи, тафаккури қандай пайдо бўлгани унинг ўзига-да кўпам аён бўлмаган жумбоқ ҳисобланади. Дарҳақиқат, одам мияси ҳам барча ҳайвонларники каби нейронлардан иборат, бироқ фақат у тафаккур юритишга лаёқатли, фақат угина онг деб аталувчи феноменга эга. Антропогенезнинг қайсидир бир босқичида аждодимиз атроф муҳитдан ажралиб чиқди, “мен”нинг “мен эмас”дан, “биз”нинг бутун борлиқдан фарқланиши содир бўлди. Хўш, бу ҳодиса қандай рўй берди?

Мия деб аталувчи нейрон тизими мураккаблаша боришининг юқори бир босқичида у сифат ўзгаришига юз тутди, деган фараз менга жўяли туюлади. Илмий тил билан айтганда, бифуркация (иккига бўлиниш, тармоқланиш) ҳодисаси рўй берди. Моддаларда ҳам бир босқичдан бошқасига ўтаётганда ана шунга ўхшаш ҳолат содир бўлади. Фақат инсон миясига татбиқан ҳарорат ёки босим сингари ташқи омиллар эмас, балки нейронларнинг кўпайиши ва алоқаларнинг мураккаблашиши каби ички омиллар бош мезон бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Жамоавий Ақл деганимиз нима ўзи? У нафақат ахборотни йиғиш ва узатиш, балки таҳлил этиш ва хулоса ясашга ҳам лаёқатли бўлган айрича тизимдир. Бир қарашда уни мияга ўхшатиш мумкин, фақат бунда нейронлар ўрнини инсонлар эгаллайди. Зотан, Жамоавий Ақл ҳар бири якка-якка мавжуд бўлган интеллектларнинг уюшмасидир. Бироқ одам ақли миядаги нейронларнинг оддий ҳосиласи бўлмагани каби, Жамоавий Ақл ҳам барча одамлар ақлининг оддий ҳосиласи эмас. Фикр қилувчи кишилар ўртасидаги алоқа мураккаблаша ва бундай кишилар сони орта бориши билан Жамоавий Ақл хусусиятлари ҳам ўзгаради, имкониятлари кенгайди.

Бу тизимнинг захира имкониятларини юзага чиқариш муттасил тезлашиб боради ва ҳозир биз Жамоавий Ақл тақомилида шундай бир маррага жуда яқин турибмизки, бу маррани хатлаб ўтиб, у сифат жиҳатидан янги хусусиятлар касб этиши мумкин.

**Р**ости, кишилиқ жамияти бугун улкан фалокат арафасида турибди. Бу фалокатга дош бериш учун башарий ҳамжамият қайтадан ташкил топиши, унинг янги технологик асоси барпо этилиши, қолаверса, янги кадриятлар тизими вужудга келтирилиши лозим. “Глобал экологик инқироз” деб ном олган бу хавф-хатар цивилизация куч-қудрати жадал ортгани, аҳоли мислсиз суръатда ўсгани, оқибатда эса нуфус беҳад кўпайиб кетгани ва анъанавий ресурслар сарфлаб бўлингани сабаб юзага келди ва инсоният бугунгидан тамоман фарқ қилувчи бошқа тараққиёт дастурига муҳтож бўлиб қолди. Агар таъбир жоиз кўрилса, Ер юзида одам биологик тур сифатида омон қолиши ва ривож топишига имкон берувчи бошқача ёндашувлар, бошқача тамойиллар керак бўляпти. Бугун постиндустриал деб аталган анъанавий тамаддун захира имкониятларини қарийб сарфлаб бўлгани аёнлашмоқда. Бу тамаддун инсониятга чексиз куч-қудрат тухфа этди, бироқ, афсуски, ундан фойдаланиш йўлини ўргата олмади. Истеъмол билан уни қондириш имкониятлари орасидаги номутаносиблик ҳозирги даврнинг асосий зиддиятидир.

Бугун инсоният янги тараққиёт истиқболини танлаш зарурати билан юзма-юз келмоқда. Одам наслининг тубсиз жарлик сари телбаларча чопишини айрим ҳудудлардаги саъй-ҳаракати билан тўхтатиб қолиш даргумон. Нажот йўли, нажот чораси бутун сайёра учун ягона, умумий бўлмоғи лозим. Бундай вазиятда фақат Жамоавий Умумсайёравий Ақлгина кўплаб нуқтаи назарларни бир бутун, яхлит фаолият дастурига айлантирувчи асос ролини ўйнаши мумкин.

Жамоавий Ақл айни чоқда инсон онгини тубдан қайта қуриш ва одамзод неолит асрида деҳқончилик, чорвачилик ҳамда... хусусий мулкни кашф этгандек ҳозирги даврда ҳам сайёравий тамаддуннинг янги технологик асосини излаб топишни ўз зиммасига олувчи Жамоавий “Мураббий” ҳам бўлади. У, шунингдек, хавф солиб яқинлашаётган инқирозлардан огоҳ этувчи ва муқобил ривожланиш йўллари ишлаб чиқувчи Жамоавий “Бошқарувчи” бўлиб ҳам хизмат қилади. Жамоавий Ақл ана шу вазифаларни адо эта бошлаши билан инсоният ахборот жамиятига қадам қўйган ҳисобланади. Хуллас, ахборот жамияти — инсоният омон қолиш учун янги чоралар топишига имкон берувчи ўзини ўзи ривожлантириш қобилиятига эга умумсайёравий тизимдир.

Бироқ ахборот жамияти бугунги сайёравий тартиботга муқобил тузум бўлмоғи учун компьютер техникаси ва алоқа воситалари ютуқларигагина таяниб қолмай, ижтимоий қурилмасида ҳам туб сифат ўзгаришлари ясаши лозим.

**М**аълумки, ҳозир тамаддунлар, асосан, техноген ва анъанавий деган икки турга бўлиб таснифланади. Техноген цивилизация ресурслардан юксак самара билан фойдаланишга, янгидан-янги техник ечим ва ташкилий инновацияларни қидириб топишга интилиши билан ажралиб туради. Анъанавий цивилизация моҳияти эса мазкур тамаддун ўзини ўзи такрор ва такрор қайта яратишида намоён бўлади. Шунингдек, техноген жамиятга шахс мустақиллиги ва индивидуализм хос бўлса, анъанавий жамиятда



жамоа ва оила манфаати устунлик қилади. Техноген цивилизацияга Евроамерика тамаддунини, анъанавий цивилизацияга бутун Шарқ тамаддунини мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай тасниф шартли, албатта. Зеро, ҳар бир цивилизация ичида ўзига хосликлар бир талай. Бироқ бундай дихотомия ҳақиқатга зид эмас, бутун тарих шундай дейишга асос беради.

Лекин ҳозирда бундай тасниф кифоя қилмаслиги ва турли халқлар маданиятидаги ўзига хосликларни янада теран таҳлил этиш зарурлиги аён бўлиб қолмоқда. Япония, Тайвань ёки Кореядаги каби анъанавий жамиятлар бугун техникавий тараққиёт “чўққи”сига кўтарилди, ҳеч бир муболағасиз постиндустриал жамият етакчисига айланди ва дунё аҳли ҳам уларга техноген цивилизация намунаси деб қарамоқда. Айни чоқда бу давлатлар шахс билан жамият, шахс билан шахс муносабатлари, устун қадриятлар ҳамда тараққиёт йўли соҳасида миллий ўзликни ва турмуш тарзини сақлаб қолишига кўра анъанавий жамиятлар сирасига киради.

Демак, постиндустриал жамият фақат европача андозадан иборат эмас: унинг юқоридаги каби хусусиятлари барча ривожланган мамлакатларга хосдир. Энди ахборот жамияти ва унинг тамаддуни сари яна бир қадам ташлаш лозим. Бу қадам Шарқ ва Ғарб тамаддунилари синтезидан иборат бўлади. Мазкур цивилизациялар бир-биридан фарқ қилса-да, бир-бирини тақозо этади ва тўлдириб туради. Бундай синтез барча миллатлар маданияти бир хиллашувига олиб келмайди — у тамаддунилар мажмуида ранг-барангликни сақлаб қолади. Шарқ ва Ғарб маданиятлари синтезисиз дунё ҳамжамияти омон қолиши учун зарур бўлган умумий дастурни ишлаб чиқишга умид боғлаш қийин.

Хуллас, бизнингча, ахборот жамияти энг муҳим аломатлардан бири мавжуд цивилизациялар ягона тизимга, такрор айтаман, ягона цивилизацияга хос эмас, ягона тизимга айланиши ҳисобланади ва шу тизим ичида ҳар бир тамаддун бутун инсониятга асқотадиган афзал жиҳатларини сақлаб қолади. Зотан, ташқи қобиқ ички маънога путур етказмаслиги лозим.

Яна бир долзарб муаммо Ер юзи бўйлаб демократик тузумни қарор топтириш масаласидир. Фақат демократик идора усулигина Жамоавий Ақл бир ҳовуч худбин кишилар кўлига ўтиб кетмай, бутун инсоният манфаатига хизмат этувчи шарт-шароитни яратишга қодир.

“Компьютер дини”га оид асосий фикрим мана шулардан иборат. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш суръати бутун ҳаётимизни ва, аввало, иқтисодиёт соҳасини чуқур либераллаштиришни тақозо этмоқда. Бугун биз гувоҳи бўлиб турган тамойиллар постиндустриал жамият тараққиётининг асосига айланиб бориши муқаррар. Либераллаштириш ташкилий тузилма ва мулк шакллариининг хилма-хиллиги, ранг-баранглигини англатади, бироқ ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштирмай туриб, бундай талабни бажариш иложсиз.

Ташвишли томони шундаки, иқтисодий ҳаётни демократлаштириш ва либераллаштириш рақобат муносабатлари ўта кескин тус олишига сабаб бўлади. Чунки демократлаштириш ва либераллаштириш одамга ташаббускор бўлиш учун эркинлик туҳфа этади. Оқибатда кишилар ҳаёти ҳар қачонгидан тарангроқ бўлиб қолади. Фаолият эркинлиги ва, айниқса, экологик тангликлар юзага келтирган чеклов ва тақиқлар сабабли тенгсизлик юзага келиши муқаррар. Келгусида ўз ишининг устаси, серғайрат ва интизомли ходим ва ишчилар алоҳида қадр-қиммат топади. XX асрдаги дастлабки фан-техника инқилобидан сўнг ўқиш ва ёзишни билмаганлар “иссиқ жой”идан бенасиб қолгани каби янги ўн йилликнинг ўзидаёқ бошланғич компьютер саводхонлигига эга бўлмаган кишилар жамият ҳаётидан четга сурилиб қолади. Ахборот технологияларидан беҳабар ёки улардан фойдаланишга ўқуви йўқ халқларни ҳам ана шундай қисмат кутиб турибди.

Ҳа, ахборот жамиятини “ҳамла билан забт этиш” оғир кечади. У тарихнинг уруш қасирғасидан холи бўлса-да, шафқатсизликда ундан қолишмайдиган кескин рақобат босқичини бошлаб беради. Бундай “ҳамла билан забт этиш” оқибатларини

юмшатиш зарур, бунга имконият топиш ҳам шарт. Аммо бу имконият бутун Ер куррасида фуқаролик жамияти қарор топсагина вужудга келади.

Мен ахборот жамиятига ўтиш босқичини таҳлика ва таваккал палласи деб атаган бўлар эдим. Чунки бу босқичда келгуси жамиятнинг айрим белгилари кўзга ташланиб қолади, бироқ одамлар хали уни қабул қилишга тайёр бўлмади. Қолаверса, биз ҳар он фалокат гирдобига тушиб қолишимиз мумкин. Зотан, ҳар биримизнинг қалбимиз фақат ўз давлатимизда, шунингдек, тўлиқ миллий суверенитет шароитида яшаш истаги билан тўлиб тошган бўлади. Ваҳоланки, инсониятни умумий тараққиёт дастурига амал қилувчи давлатлар уюшмаси шаклидаги сайёравий ҳамдўстлик кутиб турибди...

Ўз умрини қарийб яшаб бўлган тамаддун доирасида ажодлардан мерос тутумлар билан ҳозирги давр талабларини муроасага келтириш осон кечмайди. Ҳар бир миллатнинг “биз” туйғуси бутун инсониятнинг хавфсизликка доир тасавурлари каби бугунги вазият талабларидан орқада қолмоқда. Қачонлардир кишиларнинг тутумларини ҳам ўзгартириб юборадиган ғоялар алмашинуви рўй бериши шарт. Чунки бунингсиз тарих ўзанини бошқа томонга буриб юбориш мумкин эмас. Ҳаётий меъёрларда янгиланиш рўй беришига аминман — жамият курсоғидаги ҳомила борган сари катталаниб бормоқда. Биз фақат “тўлғоқ” жараёнини бирмунча юмшатиш ва фалокатларни четлаб ўтиш чорасини топсак кифоя.

**Ж**амоавий Интеллект ривож ҳозиргача, ҳар қандай эволюция жараёни каби, мутлақо стихияли тарзда кечди ва аввалдан кўзланган муайян мақсадга йўналтирилмади. Жамият бундан буён ҳам борлиқнинг ўзини ўзи ривож топтириш қонунияти остида тараққий этади ва, бинобарин, инсон бу жараённи бошқариб боришга қодир эмас. Аммо мазкур хулоса Одам зурёди ижтимоий тараққиёт жараёнларининг фақат кузатувчиси бўлиб қолаверади, деган маънони англатмайди. Чунки инсоният тарих давомида баъзи тақиқларни ўрнатган, қонунларни кучга киритган, ахлоқ меъёр-

ларини жорий этган ва ана шу дастаклар эвазига тарихий жараён бирмунча ўзгартирилган. Бу чоралар инсоният тараққиётини бошқаришга имкон бермаган бўлса-да, лекин гўё эволюция дарёсининг қирғоғини шиб-балаб, унга йўналиш бахш эта олган.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожлана бориши билан цивилизация қудрати ҳам, инсон ақлининг йўналтирувчилик роли ҳам ортади. Бу ҳол, аввало, айна кезде жамият тақдири кўпроқ ҳал бўлаётган фаолият соҳаларида кузатилади. Жамоавий Интеллектсиз келгуси жамиятнинг инсоният ижодий куч-ғайратини унинг омон қолишига сафарбар этирувчи ҳеч қандай асоси юзага келиши мумкин эмас экан, бу Интеллектнинг ўзини барпо этиш ҳам стихияли жараёндан сайёравий ҳамжамият тасарруфида ҳозир мавжуд бўлган воситалар-ла йўналтириб турилувчи жараёнга айланмоғи лозим. Жамоавий Интеллектни барпо этиш ахборот жамияти сари ташланган дастлабки қадам бўлади. Жамоавий Ақл иштирокисиз умумсайёравий фуқаролик жамияти ҳам, унинг ахлоқ меъёрларини кундалик турмуш ва кишилар онгига синдирувчи ижтимоий институтлар ҳам юзага келмайди.

Жамоавий Интеллектни барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар бугун Ер юзида кенг кулоч ёяётган интеграция жараёнларига ҳамоҳангдир. Интеграция тамойилларининг намоён бўлишида БМТга асос солиниши алоҳида ўрин тутуди. Биз бу ташкилот фаолиятини танқид қилишга ҳар он шай турамиз-у, лекин унинг вужудга келиши нақадар оламшумул воқеа бўлганидан негадир ҳайратга тушмаймиз. Ахборот жамиятини бунёд этиш йўлидаги кўплаб муаммоларни ҳал этиш айнан шу ташкилот зиммасига юкланиши турган гап.

Менимча, ҳозирданоқ БМТ доирасида Жамоавий Интеллектнинг айна чоқдаги имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берувчи компьютер таъминоти, йўлдошли ва бошқа алоқа тизимлари, нотижорат электрон почтаси ҳақидаги масалаларни муҳокама этишга киришиш мумкин.

Ахборот жамиятига ўтиш масаласига келсак, бу узоқ йилларга мўлжалланган ижтимоий дастур ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Айни дастур барча экологик муаммолар ечимини қамраб олиш, ижтимоий соҳадаги қатор гуманитар масалаларни ҳал этиш баробарида постиндустриал жамиятнинг технологик асосларини ривож топтиришга йўналтириши лозим.

Мазкур дастур халқаро аҳамиятга молик бўлиши ва БМТ доирасида ҳаётга татбиқ этилиши зарур. Менимча, у аввалига маърифий аҳамият касб этади ва етук ақл эгаларининг маслаҳат анжумани шаклида бўлади. Ҳозирги энг асосий масала одамлар бугунги давр хусусиятларини, ижтимоий тараққиёт тамойилларини, рўй бериши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқ-равшан кўра билиши ва табиат бу соҳада бизга ато этган бор имкониятни тўғри баҳолай олиши бўлса, ажаб эмас. Телекўприклар, махсус нашрлар, ёзги мактаблар ва бошқа маърифий тадбирларнинг роли ана шу омиллар билан белгиланади.

Ахборот жамиятини вужудга келтириш муаммолари устида олиб борилаётган тадқиқот натижаларини ҳозирданоқ мужасамлаштиришга киришиш мумкин. Шу мавзуга доир ахборот ва маълумотлар банкини яратиш, электрон почта воситасида уларни бирлаштириш, компьютер ва телевидение анжуманлари ўтказиш — бу ишларни бугун бемалол амалга оширса бўлади.

**А**хборот жамиятининг барпо бўлиши цивилизация асослари ва ижтимоий муносабатлар сифат жиҳатидан ўзгариши тарзида рўй беради. Биз ҳар қандай ижтимоий “муҳандислик”ни қатъиян рад этиш билан бирга тамаддуний янгиланиш оқибатларини, рўй бериши мумкин бўлган хавф-хатарларни тасаввур этмасликка, чамалаб кўрмасликка ҳам ҳақли эмасмиз.



Ҳар қандай инқилобий жараён каби ахборот жамиятига ўтиш ҳам баъзи салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бинобарин, жамиятнинг кейинги ривожини режалаштириш эмас, балки шундай оқибатлар олдини олиш ҳақида қайғуриш муҳимдир (йўналтириб бориладиган тараққиёт айнан шуниси билан бошқариб бориладиган тараққиётдан фарқ қилади). Воқеалар силсиласида хавфли бурилишлар кузатилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу ўринда сайёравий ахборот тизими монополия қилиб олинishi ва бир ҳовуч кишилар манфаатига бўйсундирилиши мумкин эканини хаёлга келтиришнинг ўзи кифоя. Шу нуқтаи назардан ҳам ахборот жамиятини шакллантириш бутун инсониятга дахлдор масаладир. Ушбу муаммони эса БМТни такомиллаштириш масаласидан айри тасаввур этиб бўлмайди.



ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Фахриддин КАРИМОВ

# ДЕМОКРАТИЯ ВА МИЛЛИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИ

Ҳозирги мураккаб ривожланиш палласида Ўзбекистоннинг демократик тараққиёти инсон манфаатларига мос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларни шакллантириш билан таъмин этилаётган экан, бунда инсон ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришга хизмат қилувчи омиллар қаторида миллий ахборот тизими ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. “Ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгиланиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсули” ҳисобланади (Ислом Каримов. *Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 101-бет*). Ўз навбатида, демократик тараққиёт муайян давлатда миллий ахборот тизимига таяниб, мутлақо янги ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий муносабатларни жорий этиш орқали жамият ҳаётини замонавий талаблар асосида қайта қуриш ва бунда миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар уйғунлигига эришиш орқали таъминланади.

Ўзбекистон ҳам демократик тараққиётга эришиш учун жамият ҳаётига ривожланишнинг ўзига хос ва ўзига мос иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий асосларини жорий этди. Бу бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий тамойили негизида Президент

Ислом Каримов томонидан назарий асослаб берилган яхлит таълимот ва тадрижий ривожланиш усули — тараққиётнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилди.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда ахборот бирламчи аҳамият касб эта бошлади. Турли оммавий ахборот воситалари ўртасидаги рақобат бугун миллий ахборот тизимларининг глобал инфомакон учун ошкора ва шафқатсиз курашига айланди. “Соса-солалаштириш” сиёсати тугаб, навбат “CNNлаштириш”га берилди (Шафрански Р., *Теория информационного оружия USAF, 2005*).

Дарҳақиқат, инсоният бугун ахборот жамияти бўсағасида турибди. Фан-техника инқилоби самараси — ихтирою кашфиётлар, янги қарашлар эндиликда ахборотни биринчи ўринга чиқариб қўймоқда. Бу демократия белгиларигина бўлиб қолмай, ахборот орқали таъсир этишнинг кўриниши ҳамдир. Монро Прайснинг таъкидлашича, медиа тузилмаларининг глобаллашувида биргина омил асосий роль ўйнамайди. Унда жуғрофий сиёсат, иқтисод, экология, маданият каби омиллар тенг кучга эга ҳамда улар бир-бирини тўлдириб, ахборот маконини вужудга келтиради (<http://psyfactor.org/infowar3.htm>). Демак, дунёнинг ягона ахборот ма-

Фахриддин КАРИМОВ. *Давлат ва жамият қурилиши академияси тадқиқотчиси*

кониға қамраб олиниши мисли кўрилмаган сиёсий, иқтисодий, маданий моҳиятга эга бўлган ўзаро таъсирларнинг кучайишини келтириб чиқаради.

Ягона ахборот макони таъсирида янги янги ижтимоий ўзгаришлар — қарашлар, тушунчалар, маданият, муомала усуллари, қисқача айтганда, янгича турмуш тарзи вужудга келмоқда. Бироқ глобал ахборот макони миллий жамиятларнинг демократик тараққиётига фақат ижобий таъсир этибгина қолмайди. Чунки ҳар қандай ахборот алмашинуви замирида муайян ғояни илгари суриш, манфаатни рўёбга чиқариш мақсади ётади. Бу, айниқса, глобаллашув шароитида мураккаб мазмун касб этади. Мураккаблик шундаки, демократик тараққиёт глобал маконда миллий манфаатлар дахлсизлигига эришиш билан таъминланади. Демократик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч — миллий манфаатларни ҳимоялаш борасида давлат-жамият-шахснинг яқдиллиги эса миллий ахборот тизими воситасида таъминланади. Бу демократик тараққиёт мунтазам тарзда миллий ахборот тизими ҳимоясига таянишини келтириб чиқаради. Ўз навбатида, миллий ахборот тизими айни вазифани адо этиши учун демократик тараққиётнинг маҳсули — сўз ва фикр эркинлиги, иқтисодий мустақиллик, техник-технологик таъминот, ахборот олиш кафолатлари, малакали кадрлар каби сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларга суянади.

Демократия шароитида миллий ахборот тизими — ахборот манбалари, технологиялари ҳамда воситалари билан бирга, мана шу жараёнларни бевосита амалга оширадиган инсон омили — миллий интеллектни ҳам қамраб олади. Шунинг учун ҳам глобал ахборот маконида миллий манфаатлар ҳимоясини таъминловчи инсон омили “миллий ахборот тизими” тушунчаси хусусида кенгрок сўз юриштиши тақозо этади. “Чунки, сир эмаски, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафқуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади” (Ислом Каримов. *Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. “Ўзбекистон”, 1999, 88-бет*).

“ А с л и д а  
ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар к у р а ш и д а н ,  
баҳсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмунни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда. Аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдидида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишдадир”, деган эди Президент Ислом Каримов. Чунки “XXI асрда ягона глобал ахборот маконининг юзага келиши билан ахборот хуружларининг авж олиши дунё учун одатий ҳол” бўлиб қолди (Панарин И. *Информационная война и дипломатия. М., Изд. дом “Городец”, 2004, стр. 514*).



Ахборот хуружлари ривожланиб бораётган, уни чеклаш, тартибга солиш ёхуд назорат қилиш бўйича ҳеч қандай халқаро меъёрлар ишлаб чиқилмаган бир пайтда демократик тараққиёт давлат манфаатлари глобал ахборот маконида кафолатли ҳимояланишига боғлиқ. Бу ўз навбатида, демократик тараққиёт ва миллий ахборот тизимининг ўзаро боғлиқлиги масаласига доир ёндашувлар ва қарашларни илмий таҳлил этиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Демократик тараққиёт эркин ахборот алмашинувини тақозо этади ва миллий ахборот макони очиқлигини англайди. Глобал ахборот маконининг бугунги ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, мазкур макондаги ахборот мажмуининг аксарият қисми ижтимоий онга, шахс, жамият ва давлатга салбий таъсир этувчи — “манфаат ташувчи” манипулятив ахборот экани билан тавсифланади. Демократия шароитида глобал инфомакон жуғрофий-сиёсий қарама-қаршилиқ майдонига айланади ва бу вақтда миллий ахборот тизимининг бош вазифаси — шахс, жамият ва давлатни мазкур майдоннинг салбий таъсиридан сақлаш бўлади.



Бугун ахборот ижтимоий онгининг, айниқса, сиёсат ва сиёсий жараёнларнинг бош манбаи бўлиб боряпти. Чунки сиёсат асосан ахборот маконида амалга оширилар экан, “ким кўпроқ ахборотга эга бўлса, у дунёни бошқаради” деган қараш янада муҳим аҳамият касб этади, яъни ахборот нафақат коммуникациялар асоси, балки ижтимоий муносабатлар, жумладан, сиёсатнинг ҳам негизига айланади. Миллий ахборот тизимига таянувчи сиёсий тизимнинг самарадорлиги, энг аввало, тўғри сиёсий қарорлар қабул қилиниши ва амалга оширилишига боғлиқ. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, эндиликда ахборот давлат фаолиятида бошқарувчилик кучини сезиларли даражада намоён қилади. Бунда ахборот ҳам демократик ҳокимият манбаи, ҳам сиёсий тизим ва жараёнларни бошқариш омили бўлиб майдонга чиқади.

Ахборот халқ ҳокимиятининг муҳим фаолият манбаи ҳисобланади ва миллий ахборот тизими давлат билан жамиятни ахборот маконида ўзаро боғлаб турувчи кўприк бўлади. Миллий ахборот тизимининг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги ўрни ва роли давлат билан жамият ўртасидаги муносабатлар демократик асосга қурилишида, жамиятда ички ва ташқи ахборот хуржларига қарши иммунитет шаклланишида, тўғри сиёсий қарорлар қабул қилинишида, давлат ва жамиятнинг миллий ахборот маконидаги яқдиллиги таъминланишида, жамият бошқарув тизимининг иш самарадорлиги ортишида, фуқаролар етарли даражада ахборот билан таъминланишида намоён бўлади.

Ахборот таъминоти демократик давлат фаолиятининг ҳаётий ва зарурий талаби ҳисобланар экан, “ахборот мақоми” ҳам бошқарув субъектлари умумий мақомининг асосий таркибий қисмига айланади. Дунё тажрибасига кўра, ахборот мақоми ва унинг ҳуқуқий меъёрлари муайян давлат сиёсий тузумининг ўзига хос ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб мустаҳкамланади ҳамда

ўзида миллий ахборот тизимининг мазмуни ва кўлами билан боғлиқ вазифаларни акс эттиради. Миллий ахборот тизимининг мазмуни миллий манфаатлар ишончли ҳимоя қилинишига боғлиқ бўлса, унинг кўлами глобал инфомаконда нечоғлиқ самарага эришиши билан белгиланади.

Демократия ва эркин ахборот алмашинуви масалалари уйғун ҳолда қаралаётган бугунги кунда ривожланган давлатларнинг бошқа мамлакатларга йўналтираётган ахборот оқимини шаклан ёки мазмунан тартибга солиш имконсиздир. Чунки ўзининг ахборот маконидаги кенг имкониятларидан фойдаланишга ўрганиб қолган ривожланган давлатлар халқаро даражада бундай тартиблар ўрнатилишига қаршилик қилаверади. Агар бундай тартиблар миллий даражада ўрнатилгудек бўлса, бу ҳолни улар демократияга зид ҳаракат сифатида баҳолайди. Бироқ бу муаммо ечимсиз дегани эмас. Глобал ахборот маконидаги зарарли таъсирлардан ҳимояланишнинг энг мақбул йўли жамиятда таҳдидга бардошли ахборот иммунитетини шакллантиришдир. Бунда Президентимизнинг “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” назарияси асос бўлади. Мазкур назария, ўз навбатида, ахборот таркибидаги зарарли мафқураларга ташхис қўйиш, унинг салбий оқибатларсиз ижтимоий “ҳазм қилиниши”ни таъминлаш каби масалаларни ҳам қамраб олади.

Мазкур масалаларни ижобий ҳал этиш миллий ахборот тизими зиммасига аниқ мақсадга йўналтирилган, режали тарзда амалга ошириладиган яхлит ва комплекс вазифаларни юклайди. Зеро, жамиятнинг демократик тараққиёти ва миллий ахборот тизими фаолиятининг уйғун тарзда кечиши глобал ахборот маконининг салбий таъсирларидан сақланишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан келиб чиқадики, миллий ахборот макони қуруқлик, сув ва ҳаводаги каби ўз чегарасига эга бўлиши ҳамда стратегик ҳудуд сифатида ҳимоя қилиниши керак.

Бутун дунёда ўзи хоҳлаган демократияни ўрнатишга жиддий киришган ва бунда глобал ахборот маконидаги мислсиз имкониятларидан кенг фойдалаётган айрим кучларнинг

миллий жамиятларда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ иддаолари ҳам кишида таажжуб уйғотади. Француз олими Жан Жак Руссо “Ижтимоий шартнома” асарида: “Фуқаролик эркинлиги — фуқаролик мажбуриятлари чегириб ташлангач, индивидда қоладиган ҳуқуқлардан иборат”, дейди. Бу мажбуриятлар фақат қонун билан белгиланишини, ўз навбатида, қонун олдида барча баробар эканини назарда тутсак, инсон ҳуқуқлари қамровини тасаввур этиш қийин эмас. Демак, муайян жамиятда амал қилаётган демократик тамойиллар глобал инфомаконда ташқи кучлар томонидан ўз қаричи билан ўлчаниши ва баҳоланишига қарши курашиш вазифаси ҳам миллий ахборот тизими зиммасига тушади.

Амалда демократик тараққиётнинг юқори босқичига эришган жамиятларда ҳам ахборот эркинлиги тушунчаси нисбий бўлишини кузатиш мумкин. Масалан, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ маъмурияти америкача демократиянинг энг асосий мезони бўлган ахборот эркинлиги устидан назорат ва цензурани кучайтирди. АҚШ Конгрессининг Американи бирлаштириш ва кучайтириш ҳақидаги Актни (Uniting and Strengthening America Act) маъқуллаши ҳукуматга фуқаро шахсий ҳаётига оид ахборотга монеликсиз аралашуш ва бу жараёнда уларни суд ҳукмисиз ҳам қамоққа олиш билан боғлиқ ваколатларни берди. Афғонистон ва Ироқда олиб борилган ҳарбий операцияларга тегишли ҳар қандай ахборотни фақат Пентагон расмийлари тарқатди ва мустақил журналистик фаолият, бу борадаги сўз эркинлиги жиддий сиқувга олинди.



Бироқ уммоноти давлати ва иттифоқчи мамлакатларнинг миллий ахборот тизими бу каби демократияга зид чоралар дунё ҳамжамияти томонидан оммавий танқидга учрамаслиги учун куйиб-пишиб ҳаракат қилгани ҳам сир эмас. Ғарб тадқиқотчилари демократия ва миллий ахборот тизимининг ўзаро боғлиқлиги масаласини атрофлича тадқиқ этаётгани эса уларнинг ҳақлигини эмас, кўпроқ ўз мақсадлари йўлида ҳаракат қилаётганини билдиради.

Демак, ҳар бир миллий жамиятнинг демократик тараққиёти ўзига хос тарзда кечар экан, ана шу ўзига хосликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш учун етакчи мутахассислар, олимлар, экспертлар ва амалиётчиларнинг ягона мақсад — Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида бирлашиши лозим бўлади.

## ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Хислатхон МУҲАММАДАЛИЕВ



# JURNALISTIKA: MUAMMO VA YESHIM



Ўзбекистон тараққиётининг умумий стратегияси янги типдаги журналистиканинг шаклланиш йўлларини белгилаб берди. Истиқполнинг дастлабки йиллариданоқ миллий журналистика янгича ҳуқуқий асосда ривожлана бошлади. Оммавий ахборот воситалари, ахборот-коммуникация технологиялари, ноширлик ва реклама фаолиятини тартибга соладиган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бироқ журналистиканинг жадал ривожланиши ўша қонуну меърий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишни, уларни замон талабларига мослаб боришни тақозо этмоқда. Бундай заруратни юзага келтирган асосий сабаблардан бири қонунларда ахборот даври хусусиятларининг етарли даражада акс этмаганидир. Миллий қонунчилигимизда бу омил албатта инobatта олиниши зарур, акс ҳолда жаҳон та-

маддунининг ривожланиш йўлига чиқиб олишимиз мушкул бўлади. Бу масаланинг иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳати билан боғлиқ.

Ўзбек журналистикаси XXI аср арафасида иқтисодий нуқтаи назардан бутунлай янги шароитга тушиб қолди. Ижодий жамоалар давлат дотациялари тўхтатилиб, эркин хўжалик шароитида фаолият юрита бошлагач, бино ва транспорт воситаларини ижарага олишга мажбур бўлди. Бунинг устига, қоғоз билан полиграфия хизматлари нархи кескин кўтарилиб кетди.

Дастлаб аниқ механизм яратилмагани сабаб, сердаромад босмаҳоналар хусусийлаштирилиб, мулкдорлар қўлига ўтди. Газета ва журнал тарқатиш "Матбуот тарқатувчи" ва "Ўзбекистон почтаси" акциодорлик жамиятлари монополиясига айланди. Булар узоқ вақт мобайнида таҳририятларнинг молиявий аҳволи баробарида газета, журнал ва бошқа журналистик маҳсулотларнинг чакана нархларига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда марказий газеталар нархи кўтарилиб, уларнинг оддий фуқаролар, айниқса, қишлоқ аҳолиси қўлига етиб бориши мушкуллашди.

Хислатхон МУҲАММАДАЛИЕВ. Филология фанлари номзоди



Яна журналистлар ва таҳририятлар фаолиятини замон талабларига мослаш учун янги ташкилий техника, технология ва бошқа жиҳозлар сотиб олиш зарурияти ҳам пайдо бўлган ва бу жуда серхаражат иш эди. Кўпгина таҳририятлар ушбу муаммони ҳал этишга бир неча йил сарфлади, қийинчиликлар билан бўлса-да, аста-секин уларни ҳал эта бошлади. Бу — масаланинг иқтисодий ва моддий-техник жиҳати.

Журналистиканинг энг мураккаб муамоларидан яна бири шўро мафкурасидан воз кечилгандан сўнг миллий дунёқараш ва маънавият соҳасида пайдо бўлган бўшлиқни тўлдириш билан боғлиқ қийинчиликлар эди. Турли диний оқимлар ва оммавий маданият ана шу бўшлиқни тўлдириш пайига тушиб қолди. Диннинг фаоллашуви аҳолини фундаментализм ва диний экстремизмга, оммавий маданият эса маънавий қашшоқликка маҳкум этиши мумкин эди. Шу боис республика раҳбарияти мамлакат жамиятшунослари зиммасига Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат, элат ва дин вакилларини бир мақсад йўлида бирлаштирувчи миллий ғояни яратиш вазифасини юкледи.

Бундан ташқари, ахборот маконини “тартибга келтириш” учун четдан кириб келаётган ОАВ оқимини ҳам назорат қилиш керак эди. Чунки ҳали давлат структуралари тўла оёққа туриб олмаган, қабул қилинаётган қонунлар ижроси бирмунча суст бўлган бир паллада ахборот “чайқовчилиги” мамлакат барқарорлигига путур етказиши, вазиятни кўшни Тожикистондагига ўхшаб издан чиқариб юбориши ҳеч гап эмас эди.

Дунё тажрибаси ҳатто ижтимоий-сиёсий вазият барқарор бўлган мамлакатларда ҳам ушбу масалага бефарқ қараб бўлмаслигини кўрсатади. Шунинг учун ОАВнинг эркинлиги ва тарқатилаётган ахборотнинг ошкоралик меъёри қандай бўлиши зарурлиги ҳар бир жамиятда алоҳида ҳал этилади ҳамда қо-

нун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тан олиш керак, ахборот чеклови нафақат ривожланаётган, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам учраб туради. Бинобарин, ахборотнинг ошкоралик даражаси ўта мураккаб масала ва унинг ечими жуда кўп омилларга боғлиқ бўлган муаммолар мажмуидан иборат.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда бошқа омиллар қатори миллий анъана, урф-одат, халқ менталитетини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Даврнинг бундай босимиға қандай қилиб қарши тура олиш мумкин? Қай тарзда аҳолини матбуот саҳифалари, теле- ва радиоэфирлардан тошиб чиқаётган салбий ахборот оқимидан ҳимоя қилиш мумкин? Бунинг учун тақиқлаш йўлидан бормай, Президент Ислом Каримов “Тафаккур” журнали саволларига жавоб бераётиб, қайд этганидек, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат ва маънавият билан жавоб бериш, маданиятимизнинг афзалликларини кенг халқ оmmasига тушунтириб бориш, чет элнинг турли шов-шув ва найрангларига учмаслик, хориж маданиятига эса умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиш зарур.

Хуллас, оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётидаги роли беқиёс. Фуқаролик жамияти қуришни ОАВсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, янги миллий журналистикани шакллантиришда замон руҳига мос қонунлар қабул қилиш баробарида иқтисодий, моддий-техник, маънавий-мафкуравий масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилиши лозим бўлади.



# *Ufqning bag'rida tin oldi otash...*

\* \* \*

Шамол чопиб чарчади чоги,  
Барглар жимдир нурли чиройдан.  
Сукут сақлаб чорбоғ қучоги,  
Ёғду олар тўлишган ойдан.

Сўз қотмайди, япроқлар — парда,  
Тўсиб турар дарахт кўксини.  
Қурт тушган оқ олмалар ерда,  
Бағри яро — ётар ўксиниб.

Тунни кесиб ўрмалайди сув,  
Жилваланар қўйнидаги моҳ.  
Бог-ҳовлини маст этган уйқу  
Оқшом шунда топгайдир паноҳ.

Қайлардандир димоққа элас  
Бўйи келар бедапоянинг.  
Чўчитади ногаҳон бесас  
Шарпалари икки соянинг.

Титроқ ўтар вужудларга ҳам  
Бармоқлардан текканда ҳовур.  
Қизни қучган ёстиқ бўлар нам,  
Қиз ухламас то тонгга довур...

\* \* \*

Уваланиб бормоқда осмон,  
Бир-бир чиқиб келар дов-дарахт.  
Тундан қайтиш соғу саломат  
Тақдирда бор бўлса —  
Қандай бахт!

Ёришмоқда осмон ҳам яхлит,  
Қушлар тонгнинг нагмасин чалар.  
Уйлар ўша-ўша — бир тахлит,  
Ўша эшик ва даричалар.

Кўксин очиб қарар ташқари,  
Сабо ва нур киради шошиб.  
Ташвиш, қувонч, армонлар бари  
Бу даргоҳда юрар адашиб...

\* \* \*

Уфқнинг бағрида тин олди оташ,  
Лов-лов ёнди сония ўтмай.  
Эрта тонгда етилган баркаш  
Етмиш рангда товланди атай.

Сўнг сўлди у —  
Ўтли ҳаяжон.  
Рангсизланиб оқарди қони.  
Уни ушлаб турган бу осмон  
Холсизланди  
Кетиб дармони.

Шашти тугар ёруғликнинг ҳам,  
Қораяди ёришган юзлар.  
Пирпиратиб кўзларин шу дам,  
Чиқиб келар бир тўп юлдузлар.



\*\*\*  
Тунга харгиз боролмадим зид,  
Етмас кучим  
Ва на қудратим.  
Кундуз кунни кўринган таҳдид  
Тунга сингиб,  
Йўқолади жим.

Кўз илгамас,  
Атроф зимистон,  
Билмайман, у ёғимда нелар.  
Юрагимда безовта тугён,  
Не учундир йиглагим келар.

То тонггача ҳукмрон бу ҳол,  
Хаёлимдан кетмас кундузлар.  
Сон-саноқсиз бўлса-да, алҳол,  
Кўёш ўрнин босмас юлдузлар!

\*\*\*

Ой шуъласи эркалар гўё,  
Тикиласан дилдан чекиб оҳ.  
Эсладингми бировни сен ё,  
Рўй бердимми ёки бир гуноҳ?

Мулки борлиқ боқмас,  
Бепарво,  
Ўз ҳолича олади нафас.  
Сиқилади ўпкангда ҳаво,  
Кўксингда — қуш, кўкрагинг — қафас.

Дардларингни олдимни ҳиллол,  
Бўшадими йиглаган багир?  
Пойларингдан бошланган бу йўл  
Олиб кетар қайларга, ахир!

Қайлардадир омад ҳам чопар,  
Ору номус топталмас асло.  
Пешонангдан бахт келиб ўпар,  
Оёгингга йиқилар дунё...

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

*Qog'ozda jaranglab  
to'kiladi nur...*

\* \* \*

Ёлғирда ивиган  
ўрик гулини  
хўроз қичқиригига ўраб ушладим

Гирд атрофда шафақ  
қуёшдан нур эмас  
қон томаётгандек

Оптоқ нар  
иккита ранг ҳокимлиги  
Мен ва теварак

\* \* \*

Булбул чаҳ-чаҳини таржима қилиб  
Сойга айлантирган аслида тоғлар

Шабдага эврилибди битта галаси  
Гул япроқни қандай силашини кўр

Таққосласанг агар аслият билан  
Нотўғри ўгирилган бирор садо йўқ

### **ИБРОҲИМ АДҲАМ ЗИЁРАТГОҲИДА**

*Бир тоғ учиб келмиш Маккатуллодан  
қанотларини  
қушларга  
улашибдими*

*Поёнсиз саҳро  
туялар  
виқор ила боқар теваракка*

*Чўзилиб ётибди Сукунат  
чиллаҳоналар  
қотиб қолган тун*

*Ҳамма нарса кўҳна  
ҳаттоки Урганч ҳам  
Кўҳна Урганчга айланмиш*

*Гирд атрофда жимлик  
бу ерда фақат  
Қон гапиради*

**\* \* \***

### **Ая Сузукига**

*Маймунлар иссиқ булоқ топиб  
покланиб оларканлар ўша минтақада  
оқ қуён ойда сут қайнатар экан*

*қип-қизил шафақ элаб туширар  
осмондан ерга тушаётган афсоналарни  
қозоғга жаранглаб тўжилади нур*

*гоҳида пайдо бўлар қадимий қўшиқ,  
Токио гулларидек денгиз ифорин  
ҳадя этмоқ учун димогингизга*

барибир уни эшитмоқ учун  
ҳаво борлигини унутмоқ лозим  
нафас олмай турмоқ лозимдир

\* \* \*

Д.Рга



Гоҳида Дон Кихотга ўхшаб  
дунёни қутқаришига шайлангим келар  
баландпарвоз сўзларини Дон Кихотнинг  
ёдлаб олгим келар гоҳида  
лекин шамол тегирмони йўқ  
росмана тегирмон айланар тинмай  
тегирмонки қарғишдан ясалган тошлари  
Тунни ва Кундузни майдалаб турар  
Товонимга санчилар Тун ва Кун синиқлари

\* \* \*

Тошлар тошлигини унутган кеча  
тошлар ўз сифатин  
сукунатга тортиқ қилган кеча

Ой нурларини  
сочишга эринган кеча

Чирилдоқлар саси  
бағримни тешиб нариги ёққа  
ўтиб кетган кеча

Соям ўзимдан ўн қадам олисроқда  
қочиб қолишга шай турган  
кеча

ИНСОН ЁЗИНГ, ИНСОН ЁЗИНГ

Аҳмад АЪЗАМ

ХОТИРА МАВЖЛАРИ

## ХОТИРА МАВЖЛАРИ

Кечалари безовталанаман. Калламда шовқин туради. Айниқса, эл ухлаб, ҳаммаёқ тинчиганда кучаяди. Ётолмайман, аллақандай шивир-шивир, узук-юлуқ сурнай оҳанги, жуда олисдаги гавжум бир бозорнинг ғала-ғовури келади. Шу ерда ётганим кўйи яна аллақандай издиҳомга аралашиб юргандек бўламан. Кундузги шовқин худди тошқин сувдек калламга кириб ўтиб кетаётганда, унинг ҳар жой-ҳар жойдаги чуқурчаларида қолиб кетгану энди шу лойқа кўлмаклар шиллиллаётганга ўхшайди. Кечалари кундуз давом этаётгандек...

Ухлаб, ухладимми-уйғоқманми, билмайман: баъзан одамлар шундоқ қулоғим тагида гаплашаётгандек, атайлаб, мен ётганимни билиб, тепамда шанғиллаб туради. Ғовур-ғувур, ғўнғир-ғўнғирнинг ичида бошим итирқин, алла-паллага бориб ниҳоят уйқуга кетаман. Кундузи ланж, гарангсиб уйғонаман, юрагим ўйнаб туради, лекин қулоғимдаги шовқин йўқолган. Эрталабки офтобдан қийналаман, кўзим ачишиб ёшланади, ичим дирдираб юраман. Чошгоҳларга бориб, аччиқ чой дамлайман-да, бостириб-бостириб ичаман, чанқовим босилиб, бошим терлайди, сочим жиқ-жиқ ҳўл бўлади. Шундан сўнг ўзимни яна одамдек ҳис қиламан, дунё билан одамдек тиллашаман. Ҳангомалашишни яхши кўраман, шунданми, кўп гапириб юбораман. Ҳаяжон билан, худди ҳамсуҳбатларим эшитмай кетиб қоладигандек, илҳомланиб гурунг бераман. Аср вақтига бориб, бошим сал-пал айланаётганини туяман. Тамакидан дейман, рост, қанча чексам, шунча ёқмай қолади, аммо шу бемаза аҳволдан кутулай деб яна чекаман. Бирдан толиқаман, юриб юролмайман, ётиб ётолмайман. Китоб ўқий олмайман, телевизорга қараб юрагим сиқилади, каналларини алмаштиравераман. Ётишдан юрагим безиллайди — яна бошланади: босиқ ғовур, ғўнғиллаш, кимлардир паст товущда тинмай шанғиллаиверади, одамзоднинг майда гапи сира тугамас экан, деб эзилиб ётаман.



*Аҳмад Аъзам «Рўё ёҳуд Фулистонга сафар» деган роман ёзди. Адибнинг яхши-яхши қисса ва ҳикояларини биламиз, аммо бу асару бўлакча — ғаройиб.*

*Олтмиш йиллик умрнинг кўп ўй-кечинмаларидан нақл қилинган ана шу асар бошланмасини журналхон ҳам ўқисин дедик. Бу ёғини кўрган одам у ёғини ҳам қидириб қолса ажаб эмас.*



Тушларим ҳам алоқ-чалок: кундузи нимани кўрсам, ким билан гаплашсам, нимани тортишган бўлсам, ҳаммаси тўппа-тўғри тушимга кўчиб ўтади, тагин денг, бунинг туш эканини билиб ётаман, била туриб ҳам, тушимда яйраб юролмайман, кундузи гапимни ўтказолмаганлар билан яна айтишаман, бўғиламан, асабим бузилади, кейин тушим ҳам ўзгаради: хотиним, болаларим борлигини билиб ётган ҳолимда ҳали уйланмай юрган йилларимга тушиб қоламан, машинамага ўтираман, лекин уни ҳайдай олмай, қандай юргизиш керак эди, деб бошим қотади, машинанинг ўзи юриб кетади, мен уни бошқаролмайман, чунки оёғим қимирламайди, тепинаман-да, илқис уйғонаман, чунки оёғимга кўрпа ўралиб қолган бўлади. Баъзан қийналиб кетсам, тушимдаёқ уйғониб оламан, давомини кўриш азобини ўзим тўхтатаман. Йўқ, ҳалиям туш кўраётган бўламан, лекин тушимда “Ҳа! Ҳа! Қани, очдик!”, деб бир силкиниб, кўзимни мажбурлаб очаман.

Бир тушни бот-бот кўраман: ўн беш йилча бурун Жарариқда бир кампирнинг ҳовлисида турганман. Кампирнинг ўзи бу ҳовлига девор-дармиён қизининг уйида яшарди. Ўзининг ҳовлисига, яъни биз турган жойга камдан-кам ўтар, ижара пулини ҳам қизиникига чиқариб юборар эдик. Ким билсин, кампир пулга муҳтож эмас-у, шунчаки ҳовли хувилламасин, чироғи ёниб турсин дер эдим. Лекин бир қиз невараси бор эди, мени ўлгудек ёмон кўрарди, кўнғироқни босиб, тақиллатиб, хуллас, амаллаб дарвозасини очдирганимда бошини чиқариб нима гаплигини сўраш ўрнига “Ҳа-а!” деб шундай бақирардики, худди мен кампирни ўлдиргани келганману бу мегажиннинг эррайими мени фош қилиб қўйгандек, юрагим ёрилиб кетай дерди. Кампирнинг неварасини кейин ҳам унда-бунда кўриб қолсам, мазам қочарди, ўша кўрқув ҳали-ҳануз юрагимдан чиқмаган...

Шу ҳовли ҳадеб тушимга киради, яъни бошқа жойга кўчганимда неча ойликдир ижара пулини бермаган бўламан-да, ич-ичимдан эзилиб ўйлайвераман, ўйлайвераман, кампирни ахтариб боришни ният қиламан, лекин орадан шунча йил ўтган, Жарариқ бузилиб, у ҳовлининг ўрнига ҳам кўпқаватли уй тушган, кампир қизи билан кўчиб кетган, қизининг уйини топсам, кампирнинг ўзи борми ё ўтганми, эшигини тақиллатсам, яна ҳалиги неварачиқиб бақиради деган хавотир, хуллас, у ёқдан ўйлаганда ҳам, бу ёқдан ўйлаганда ҳам, чорачечими йўқ эзгин бир хаёлда ётавераман. Қизиқ, балки ижара пулини баъзан ўз вақтида бермагандирман, лекин бирон марта еб кетганим йўқ, охириги марта, кўчиш олдидан, кампир билан ҳисоб-китоб қилиб, дуосини олганман, мени ёмон кўрадиган неварасига ҳам бирон ёмонлик қилмаганман, нега шунча йил ўтиб ҳам худди кампирга ижара пулини тўламай қочиб кетгандек туш кўраман — ҳайронман; гоҳида уйғониб ўйлайман, балки арзонгаров тургандирман, қарздорлик ҳисси шундандир дейман, қиз невараси мени бунча ёмон кўришига келсак... у мени яхши кўрган бўлса керак, яхши кўришини ўзи ҳам англамай, атайлаб, жон-жаҳди билан ёмон кўраман деб ўйлаган бўлса керак, дейман. Шу-

ниси тўғрироқ чиқар, бўлмаса, нега бунча танлаб, ашаддий, ўкрайиб ёмон кўрган мени? Ҳарқалай, шу пайтгача ўша неvara қизнинг ўзи эмас, ундан қолган кўркуннинг тушимга кириши бежиз эмас. Кейин, тўғриси айтсам, бир марта шундай бўлган ҳам, лекин бу ҳеч тушимга кирмайди.

Автобусда бир қиз билан айтишиб қолдим. Одам кўп эмас, лекин ўтиргани жой йўқ, туриб кетаётган эдим, қизни кўрганим ҳам йўқ, у бирдан менга: “Сен йигит ўлгур, нега менга бақраясан? Мен сенга томошақовоқми?”, деб сенлаб қичқириб қолса бўладими. Довдираганимдан: “Қачон қарадим, синглим?”, дея олдим, холос. “Қарадин! Мана, қараяпсан-ку! Қараб турибсан-ку!”, дея шанғиллади яна. Атрофдагилар ҳам анграйиб менга қаради, лекин биров оғиз очмади, барибир жуда ўсал бўлдим, менга ғирт бегона бир қиз, илгари сира учратмаганман, автобусга чиққанда ҳам кўзим тушмабди, бирортасига ўхшатдимми, бало-қазодек ёпиша кетди. “Э, бор-э!” деб юзимни зўрға буриб олдим. “Ҳа, энди кўзингни яширасанми? Ҳе шу кўзинг гўрда чирисин!”, деб тагин қарғашга тушди. Ёмон уялдим. Миқ этмадим, индаганимда ҳам бунга бас келишим амримаҳол эди. Ёнидан ўтаётганда қўлпўлим бирон жойига тегиб кетдимикан десам, у орқа эшикдан чиққан, мен олдинги эшикдан. Яхши ҳамки, тушадиган бекатим келиб қолди. Буни қарангки, у ҳам ўрнидан турди, бекатимиз битта экан, биздан бошқа ҳеч ким тушмади. Автобус жўнади, бекатда икковимизгина, у менга тескари қараб турибди, кетишга шошмаётгандек назаримда. “Ўв синглим, жуда кўзим гўрда чиригулик нима ёмонлик қилдим сизга?”, десам, ялт этиб қаради-да, бирдан кўзлари ёшланиб: “Ҳа, нима қилай сизни яхши кўрсам? Эрим бўлса, у асли сиздан яхши! Мен эса сизни яхши кўрсам, хўш, сизни қарғамай кимни қарғай, қани, ўзингиз айтинг-чи?”, деса бўладими? Нима дейман, кўнглимдаги хўрланган ғурур билан тош қотиб қолавердим, у эса менга қараб турди-турди-да, шахт бурилиб, ўша мендан беҳроқ эрининг олдига жўнаб қолди. Тим қора кўзлари ўт, қадди сарвиравондек, ўзи ҳам чақнаб турган бир аломат жувон экан. Тилимга “Хайр!” деган калом ҳам келмади. Кампирнинг невараси ҳам балки муҳаббатини шундай изҳор қилгандир, лекин у сира тушимга кирмайди, ижарада турганим, кўнглимдаги қарздорлик ва ўша қиздан кўркун туйғусининг ўзини ҳис этиб ётаман туш кўрганимда.

Баъзан жуда ёрқин, ажойиб тушлар кўраман, уйқуда кўтарилиб, баҳаво кенгликларга чиқиб кетганимни билиб ётаман. Оҳ, маза, тушим узилмасин, ишқилиб, охиригача кўрай деб, юзимни парёстикқа қаттиқроқ босаман, билиб туриб уйғонмайман, баъзан ҳатто уйғонсам ҳам, чуқур нафас олиб, ҳозиргина кўрган тушимни эслайман-да, келган жойидан давом эттираман.

Мана, биттасини айтмай. Тушимда кўп иззат-ҳурмат билан Қашқадарёнинг қаеригадир борибман. Тоғ этагидаги бир қишлоқ, кулоллар яшармиш. Ўрта — сойлик, бир томони бир-бирига маташиб, худди расмларда кўрганим — Кавказдагидек устма-уст қурилган уйлар, бу томонидаги тоққа туташ адирнинг усти аралаш-қуралаш пасту баланд хумдон! Ҳамманинг ўз хумдони бор, жуда кўп. Мени уйлар орасидан олиб ўтиб, қишлоқ гузаридаги чойхонага бошладилар. Чойхона дарахтлар тагида, шифтини қурум босган, ўчоқлардан чиққан шекилли, кейин бу бирдан клубга айланди, кўп одам тўпланган, мен билан учрашув бўлганми, ишқилиб, одамларнинг иззат-ҳурматини сезиб ётибман, туман ҳокими ёки пойтахтдан борган бирор амалдорга билдирилган эътибор эмас, йўқ, қандайдир самимий, тоза, инсоний, манфаатсиз бир эҳтиром эди бу; ўзимга ҳам сал ноқулай, лекин қушдек енгилман, дил яйрайди. Бир вақт яна орқага қайтаётиб қарасам, осмонда оппоқ булут, оппоқми ё кулрангроқми, ишқилиб, жуда тепада, булутлар орасида елкасида кетмон, эшагини етаклаган одам учиб юрибди, яъни осмонда

бемалол юриб кетяпти эшак етаклаб! Нарироқда яна бир одам, белидан юқориси кўринади, чайқалишга қараганда, у ҳам осмонда. Кўнглим... боя ичдан яйрайди, деганим ҳеч гап бўлмай қолди, жуда ёришиб кетди. Гўзал туйғулар чулғади. Одамлари осмонда худди ердагидек бемалол юрадиган шунақа жойлар бор, буни кўриш менга насиб қилди, деб роса қувониб кетдим. Кўнглимнинг бир чеккасида булар қандай қилиб осмонда юрар экан деган жичча қизиқсиниш бор, яна нега шу пайтгача буларни газетга ёзишмабди, сайёҳларга кўрсатишмабди, бизникиларга фақат пахта бўлса бас, деб жиндай яниш ҳам бор-у, лекин ўзим шунга гувоҳ бўлганимдан, газетчилар бундан беҳабарлигидан хурсандман. Ёнимда бир-иккита одам бордек эди, улар осмондагилар билан шунчаки бош ирғаб саломлашиб қўяди, осмондагиларнинг саломидан менга ҳам тегди, шундан билдимки, булар ҳам истаган вақтда, йўлни қисқа қилиш учунми, ё шошилиб турсами, тўппа-тўғри осмонга чиқиб, борар манзилига кетавераркан. Шунақа самимий бир ҳайрату завқ билан томоша қилиб бораётганимда, осмонда фақат одамлар эмас, хумдоннинг мўриси, тўғрироғи, ярмидан кўпроғини кўрдим. Хумдон — осмонга қурилган! Ёнимдагилардан: “Осмонда бемалол юришингиз-ку майли, лекин нега хумдонни ҳавога қургансиз?” деб сўрашга чоғланаман, лекин шундоқ ажойиб фазилатлари бор, яна мени меҳмон деб иззатлаб бораётган одамларнинг ҳурматини қилай деб гапирмайман. Ичим қизигандан қизийди: тоғда яшайдиган одам тоққа ўрганиб қолади, гулзор ичида яшайдигани дунёни бир гулзордек кўради, дунёдаги энг сулув, энг хусндор, энг кўркли қизга уйланган йигит унга оддий хотинга қарагандек қарайди, ўзини ҳам ҳамма қатори оддий бир эр деб билади, “Ҳей, бу гўзаллик, бу ноёб ҳодисаларнинг қадрига етмайсизми, ўзингизга шунчаки бир одам деб қараётганингиз нимаси, нега ўзингизни оддий одам қаторига туширасиз?”, деб шодон қичқиргим келади буларга. Ҳали уйғонсам ҳамгапларимга айтиб бераман, деган фикр ҳам бор тушимда. Кейин тушим сал ўзгариб, бу жой Қашқадарё эмас, Фориш тоғидаги бир қишлоқ бўлиб чиқади. Бу ерга келганимнинг сабаби ҳам саёҳат эмас, асли бу ердаги одамлар — она томондан қариндошларим, узоқлашиб кетган хешларимни ахтариб келган эканман, менга бўлган эътибор ҳам шундан экан. Бир уйга кириб чиқдик, ўртада балки бир уйғонган бўлсам керак, осмон тоза, булут ариган. Қарасам, боя эшак етаклаб осмонда юрган одамнинг ўрнида тиккалаб кетган баланд тоғ сўқмоғи, ҳали ҳам одамлар юрибди, бирови қўлида ўроқ тутиб, бирови елкасига арқон ташлаб, бирови ўтин елкалаб тушяпти. Шунда билдимки, боя кетмон кўтариб, эшак етаклаб учган одам менга булутнинг ёригидан кўринган экан! Ҳалиги хумдон ҳам бошқа хумдонлардан баландда тургани, пастини ҳам, тепасини ҳам булут босгани учун менга осмонда муаллақ туюлган экан! Бағтар завқим ошди. Ростдан! Ҳафсалам пир бўлгани йўқ, аксинча, фавқулодда бир манзара бўлиб кўринди-да! Фавқулоддалиги шундаки, асли қиялаб кўтарилиши керак бўлган тоғ тиккароқ келган, одамлар ҳам, хумдон ҳам менга жуда яқин кўринган эди. Кейин тушим яна давом этдими, эсимда йўқ, лекин эрталаб хуш кайфиятда уйғондим, ҳалиги кишиларнинг кўрса одамнинг ғурури тошадиган шундай гўзал маъвода яшаётганидан, у ерга борганимдан кўнглим ҳали ҳам ёришиб турган эди. Ишга ҳам хуш кайфиятда бордим, ҳамкасбларимга нуқул яхши гапиргим келаверди, улар ҳам, қатга-кичик ҳаммаси шу кун менга яхши муносабатда бўлди, ҳатто мен билан сўзлашишни ўзига эп кўрмайдиганлари ҳам, жила курси, илик қараб қўйди. Шу-да, сен яхши — олам яхши, деб бекорга айтилмаган. Ҳалигача шу тушни эсласам, аллақандай бир тафтни ҳис этаман: бизда шундай маъволар борки, у ердаги қишлоқларнинг одамлари самода ҳам худди ердаги каби бемалол юр-

гандек, хумдонларини булутларнинг ичида — ҳавода қуриб, сопол лаганларни ўша хумдонларда пишириб, кейин шу лаганларга сузилган ошни ўртага кўйиб, ҳавода муаллақ ёнбошлаб, гурунг қуриб ётгандек, ана шундай осмон одамлари менинг олис қариндошларим, нуроний тоғаларим жойнамоз — оппоқ булутлар устида намозларини адо этаётгандек бўлиб туюлади. Шунақа жаннат тушларидан кейин бу ёққа қайтиб ҳам уларни кўришга интиқ бўлиб юраман.

Шу соғинч билан тушимдан уйғондим эсимдан чиқиб қолмасин деб, кундаликка туширдим. Вақти келиб ҳикоя ёзарман, деган эдим, аммо кейин шундай тушни қоғозга исроф қилишга қизгандим. Қизганмаганимда ҳам ёза олмайман, ўзи ёзмай қўйганимга кўп бўлган, уйга қамалиб ўтирибман. Мени билган битта-ярим кўчада учраб қолса: “Кўринмайсиз? Жа уйга қамалиб олиб ёзясиз шекилли?”, дейди. “Қаёқда!” Ёзаман деган ўй кўп, режа бисёр, лекин чиқмайди. Ёзишга ўтираман, қоғозга бир-икки жумла тушираман, ўхшамайди. Бир куни “Викингллар” деган кинога тушдим. Яхши кино экан, таъсиридан кўрдим. Кино тугади, шифтдаги чироқлар ёнди, доимигидек босинки говур кўтарилди, ўриндиқлар орасидан ёнлаб чиқишга бораётганимизда қиз боланинг шодон қичқириги эшитилди: “Вой, бу кимнинг сумкаси?”. Ҳамма ўша ёққа — тепага қаради. Қиз, йигити ёнида бўлса ҳам, унга бояги қичқиригидан пастроқ, лекин ҳамон баралла овозда гапирди: “Қаран! Биров қолдириб кетибди!”. Қиз йигитнинг ортида, сумка эса йигитнинг олдидаги ўриндиқ бурчагида турарди. Йигит сумкани олиб, “Ҳой, кимники бу?”, деди. Олдиндаги бир йигит орқасига ўгирилиб, сумкага кўз ташлади-да, яна олдинга қараб: “Ҳэ-э, Сано!”, деб чақирди. Йигитнинг олдидаги қиз унга қаради. “Сумканг қолиб кетяпти-ку”, деди йигит. Негадир йигит дастлаб сумкага қўл чўзмади. “Вой-й! — Сано — Санобарнинг товушида таҳлика бор эди. — Оберинг! Оберинг!”. Йигит сумкани бу йигитдан олиб, унга узатди. Қизнинг ёнида яна икки дугонаси бор эди, энг олдиндагиси ўгирилди: “Ҳа, Сано?”, деди талмовсираб. “Вой! Сумкам қолиб кетяпти экан!”, деди қиз. “Во-ой! — У қизнинг талмовсираши ваҳимага айланди. — Вой, Сано-ей!”. Қолиб кетаётган сумкани кўрган қиз эса тинмай йигитига бидирлайди: “Қарасам — сумка ётибди! Кимники деб ўйладим! Шундай, бурчакка тиқилиб ётибди. Биров унутган деб...” Йигити эса негадир хижолат бўлиб, ҳаммадан кўзини олиб қочади. Учинчи қиз паришон, юзида ачинишми, таассуфми, ишқилиб, шунга ўхшаган ифода, сумкасини топган қиз эса негадир унинг олдида ўзини гуноҳкор билиб, “Қинога эсим кетиб...”, деб нуқул ўзини оқлайди, сумкани бағрига маҳкам босади. “Сано!” деб кўрқиб кетгани эса сумкадан кўз узмайди. Энг биринчи қиз ҳамон гоҳ қизларга, гоҳ уларнинг ёнидаги йигитга аланг-жалаң қарайди-да, ўзининг йигитига бояги гапини қайтаради: “Шундай бурчакда ётибди-я! Кинога кирганда ёнига қўйгану тураётганда унутган...” Уч қизнинг ёнидаги йигит ниҳоят уларнинг эсига келмаган гапни айтди: “Раҳмат!”. Ҳалиги қиз эса маъюслиб: “Шундай қарасам!.. Ўрнимдан тургандан кейин бирдан кўзим тушди”, деб яна тақорлади.

Шундан ҳикоя чиқармоқчи бўлдим, ҳар хил рухий ҳолатни ўйладим:

а) қиз кино таъсирида ўзи ҳам кутмаган ҳолда яхшилик қилиб қўйиб, кейин кўнглининг туб-тубида, айтмай, билдирмайгина ўзим олсам бўлар экан дедими; йигити эса буни сезиб, ундан ўзини узоқроқ олиш пайига тушдим;

б) қиз сумкада қимматбаҳо нарса бор деб ўйладими ёки ўзи қилган яхшиликдан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетиб, буни бошқалар унча қадрламагани учун ҳадеб бир гапни қайтаряптими, йигит асли қизни алдаб юрган бўлиб, энди шундоқ яхши қизнинг олдида ўзининг тубанлигидан уялиб кетдими;

в) “Вой, Сано!” деган қиз сумка йўқолмаганидан кўра, дугонасининг паршонлигидан хурсанд, униси эса ичқоралигини яшириш пайида, ҳатто йигит ҳам сумкасини қолдирган қизга ўзини бегона кўрсатмоқчи, бўлмаса, уч қизнинг ичида юрадигани шу қиз.

Хуллас, у ёғини-бу ёғини ўйладим, икки йигиту тўрт қиздан ҳар бирининг ўз фикри, ўзича муносабати бор, шунда ҳам ҳеч бировининг ичи ташига тўғри келмайди. Яхши бир ҳикоя чиқиши мумкин эди, лекин кўнглим сезиб турибди-ю, бир якун ўйласам, унга акс бошқа бир худоса келиб чиқадигандек туюлаверди. Кейин ёзганимда ҳам “Хўш, нима бўпти? Битта сумка йўқолганига шунча гапми?” деган савол кўндаланг чиқаверди. У вақтлар ҳар бир ёзган нарсангиз моҳиятида катта ижтимоий мазмун, ибратли бир сабоқ бўлиши шарт эди. Мен бир ҳикоямни пьесага айлантирганман. Унда иккита аспирант қизнинг стипендиясини бошқа бир қиз ўғирлайди, Мусо деган бир йигит учта аёлни уюштириб, уни фош қилишга киришади, лекин қўлидан ҳеч иш келмайди, ҳаммаси ўз холича қолади, институтдаги ҳаёт илгаригидек давом этаверади. Воқеа жуда қизиқ эди, бир-иккита режиссёр ўқиб, саҳнага қўйса бўлади, оригинал, деди, вазирликда бир бошқарма бор экан, пьесаларни бор ёки йўқ қиладиган, шу ерга берсам, у ердагилар бир устоз танқидчига оширибди, устоз танқидчи: “Муаллиф танлаб олган воқеа жуда арзимас, унинг асосида кўпчилик диққат-этиборини жалб қиладиган асар яратиш кийин...” қабилида тақриз ёзибди. Шундан бери кўрган-билган воқеалар замиридан катта ижтимоий мазмун ва улкан ижобий ибрат чиқмаса, уларни ҳикоя ё қиссага айлантиришни ўйлаб кўрадиган бўлдим. Тўғрироғи, ҳали ҳам ўйлаб кўряпман, ёзмаяпман. Кўп ажойиб, баъзан ғаройиб воқеаларга дуч келаман, азбаройи ижтимоий мазмунсизлиги, замиридан катта худосалар чиқмагани учун, ёзмайман, дўстларимга оғзаки айтиб бераман. Ҳаммаси эшитган, баъзиларини қайта-қайта тинглаган, лекин димок чоғ, кайфият зўр пайтлари: “Ҳалиги, бор-ку, шуни айтиб беринг”, деб илтимос қилиб қолишади. Гоҳ баъзилари: “Йўқ, сиз яхши айтолмаясиз, олдин айтганингиз бошқача эди, мана, ўзим худди шундай қилиб айтиб бераман”, деб ҳикоямни оғзимдан олиб қўяди. Шу ҳикояларим билан хангома қизийди. Ҳикояларим ҳар хил, ҳаммаси ҳаётдан олинган, лекин ҳаммасини ҳам ёзиб бўлмайди, чунки “талаб” даражасида катта ижтимоий мазмун йўқ, социал буюртмага тўғри келмайди. Лекин, қизиқ, тушунмайман — мазмунни саёзроқ, воқеаси ҳам анчайин, чуқурроқ худосаси бўлмаса ҳам, одамлар маза қилиб эшитади. Ўзим ҳам айтишни яхши кўраман. Ё ўзим саёзроқманми, деб ўйлаб ҳам қоламан баъзан.

Кейин баъзи воқеалар бўладик, уларни фақат айтиб бериш мумкин, ёзиб ўтиришга ярамайди. Мана, биттаси. Бир куни Отчопар бозоридан чиқиб келаётсам, қора кучукчани бағрига босиб олган бир ўрис кампир олдимни тўсиб: “Эй, тўхтанг, яхши одамга ўхшайсиз, юзингиз шундоқ очик экан”, деди. Ҳозир тиланади, деб ўйладим. Бозорчилар ҳам безор қилиб юборди ўзи. Кампирнинг кийимлари сал абгорроқ эди. Кучугини менга узатиб: “Шуни олинг!”, деди илтижо қилиб. “Э, йўқ, кучукни бошимга ураманми?”, деб ўзимни тортдим. Кампир ичади, шу кучукни яримтанинг пулига сотмоқчи, деб ўйладим. “Майли, пули керак эмас, шундай ола қолинг. Юзингиздан кўриниб турибди: сиз жонзотга озор берадиганлардан эмассиз. Яхши кўлга тушсин деяпман-да”, деб кампир мени яна мақтади. Уста кампир экан, одамни шундай деб эритади-да дедим, лекин, барибир, гапи ёқди, бозордан оёғимда оёқ йўқ, ҳориб-толиб чиқяпман, таъсир қилди. “Раҳмат! — дедим. — Раҳмат, лекин уйда кучукка қарайдиган одам йўқ. Ўғлим ҳам, қизим ҳам лицейда ўқийди, уйга фақат шанба-якшанба куни келишади”. Кампир хайрон

бўлди: “Ўзингиз қаранг. Жуда яхши кучук бу, бир яхши одамга бераман деган ни-  
ятда турган эдим, сизни узоқдан кўрдиму шу одамга бераман, дедим”. Кучукнинг  
кўзлари мўлтилайди, ҳайвон тилида, мени олиб кетинг, деб кампирга қўшилиб  
ялинаётгандек. Олсам ҳам бўларди-ку, лекин қандай олиб кетаман, ўғри тегмасин  
деб, машинасиз келганман, кийимим ҳам... Кучук чиройли, тим қора, кўзлари тў-  
сдек, териси товланади, гавдаси узун, тумшуги ҳам чўзинчоқ, ҳовлида ўйнаб юра-  
ди-да, машинамни миниб келсам, олиб кетардим, деб ўйладим. Шуни кампирга  
тушунтиришга уриндим. “Бундай қиламиз, кучукни уйингизга бориб оламан, ал-  
батта бораман”, дедим. Кампир кучугини ҳозир менга ўтказмагунича қўймайди,  
деб ўйлаган эдим, йўк, у бирдан кўнди: “Яхши, — деди хурсанд бўлиб, — биламан,  
бир сўзлик одамсиз, албатта борасиз. Мен Чилонзорнинг ўн еттинчи мавзеида  
тураман. Шундоқ болалар боғчасининг ёнидаги йўлга кўндаланг тушган уй, ёзиб  
олинг, йигирма тўрту ўн тўққиз”. Ёзиб олдим. Кампирдан узоқлашишим билан  
бошқа одамга айландим, “Ол-а, бир куним шунга қолдимми? Кучукни деб атай Чи-  
лонзорга келиб юраманми?”. Уйга келиб, кечқурун чой ичиб ўтирганимизда “Бо-  
зордан чиқаётганимда бир ўрис кампир мени атай тўхтагиб, жуда яхши одам экан-  
сиз, юзингиздан кўриниб турибди, мен яхши одамларни юзидан танийман, деди”,  
деб келинингизга талтайдим. “Ўрис кампирлар учун яхши одам бўлсангиз керак-  
да”, деб чандиб қўйди келинингиз. “Э, ишонмадинг-а, текинга берди, олмадим. Чи-  
ройли, тоза кучукча эди”, деган эдим, бирдан қизим: “Вой, дада, нега олмадингиз?  
Шу вақтгача ҳовлимизда кучук бўлмаган”, деб афсусланди. Шу-шу қизим ҳар куни  
“Ўзим қарайман, ҳовлини ҳам супураман”, деб ялинади, ўғлим “Э-э, олиб келиб  
беринг шу қизингизга, бошни қотирворди-ку”, дейди, келинингиз ҳали келмаган  
кучукка қарашни икковига юклайди, кампирнинг “Бир сўзлик одамсиз, биламан,  
албатта борасиз”, деган гапи қулоғимдан кетмайди. Охири ўн беш кунча ўтиб,  
Чилонзорга бордим. Боғчанинг ёнидаги, йўлга кўндаланг тушган ўша йигирма  
тўртинчи уйни топдим. Кампирнинг ёшиги биринчи қаватда экан, кўнгироғини  
босган эдим, ичкарида бирданига тўрт-беш ит ҳар хил вовулаб юборди. “Ҳозир!”,  
деб кампир ҳам товуш берди. Эшик очилди-ю, пасту баланд саккиз-ўн кучук ба-  
равар отилиб чиқиб, ёнимдан ўқдек ўтиб кетди, иккитаси думалаб ҳам тушди.  
Ўзимни зўрга четта олиб қолдим. Уларнинг орқасидан “Серий! Серий! Орқага!” деб  
қичқириб кампир чиқди. Мени кўрдию жилмайди, “Юрагим сезган эди келишин-  
гизни, хойнаҳой, бутун келади-ёв деб ўтирган эдим”, деди. Салом бердим.

“Мана, кўряпсиз, менинг ҳаётим — шулар”, деди кампир. “Нечта ўзи булар?”,  
деб сўрадим. “Ўн саккизта!”, деди фахр билан кампир. “Уйингиз неча хонали?”,  
савол бердим яна. “Бир хонали”, деди кампир. Анграйиб қолдим, “Қанақасига?  
Битта хонада шунча ит!”, дедим тилим тутилиб.

Ташқарига чиқдик, итларнинг қайсиси буталар тагини ҳидласа, қайсиси да-  
рахтлар тагида оёғини кўтарган, бир-бири билан иши йўк. “Серий!” деб пўписа  
қилиб қўйди кампир катта оласига. “Шуларни деб яшайман-да, — деди кампир  
маъюс тортиб. — Бошқа кимим бор? Официантка эдим, ҳозир нафақадан,  
энди идиш-оёқ ювувчиликка ўтиб олдим. Ҳар куни челак-челак сарқит олиб ке-  
ламан, талашиб-тортишиб ёйди булар. Шулар учун ишляпман-да. Раҳмат келга-  
нингизга, лекин нега дарров келмадингиз, барибир келар эдингиз-ку?”. “Иш кўп  
эди”, дедим базўр. Тезроқ кетгим келди. Итлар у ёқ-бу ёққа ивирийди, Серий  
ёнимизга келиб, мени искалади. Атрофда уч-тўрт одам ола қарайди, турган гап,  
итлар ҳам, кампир ҳам жонларига теккан, бақириб беришмоқчи, аммо кампир-  
нинг ёнида пўрим кийинган одам турибди. Кампир ҳам менинг ёнимда ўзини  
катта одам сезган.

Кучуклар орасидан менга кўкиш-оқ паҳмоқ кучукча ёқиб қолди, кампирнинг қарашидан сездимки, у ҳам шу кучукни сўрашимни билди, лекин бермоқчи эмас. “Оти нима шу кучугингизни?”, деб сўрадим. “Пушок”, деди кампир. “Шуни менга берсангиз”, дедим. “Ладани билмаяпсиз-да. Пушок нима — оддий кучук. Ладани берамиз сизга”, деди кампир ҳамма кучукларининг ҳам номидан. Мен Пушокни беринг, дедим, кампир Ладани бераман, деди, охири “Ладани олсангиз, Пушокни қўшиб бераман”, деди. Шунга келишдик. Ўзим ҳам бирон нарса берсамми, деб турган эдим, кампир мени ноқулай аҳволдан қутқариб, иримига — “итларининг ризкига” атиги ўн сўм сўради. Кучукларни уйга олиб келдим, бирпасда ҳовлига ўрганиб кетишди. Лекин бир-икки кун ўтиб қарасам, дарвозанинг олдида маҳалланинг итлари уймалашадиган бўлиб қопти, Ғазирага бораётганда Ладани машинага солдим-да, ундан уч қишлоқ бери — Ботботда тўхтаб, итни бир ҳовлининг рўпарасига ташлаб кетдим. Ит бўлса ҳам, сезди шекилли, машинадан тушгандан кейин қимирламади, ортимдан қараб қолаверди. Жуда ичим ачиди, анчагача ўзимни гуноҳкор билиб юрдим.

Шундан кейин олти-етти ойлар ўтди-ёв, бир куни ичкари уйда қоғоз қоралаб ўтирган эдим, қизим ҳовлидан ранги ўчиб кирди. “Ҳа?”, дедим. “Дада, Пушогимизни сўраб бир кампир келди, олиб кетмаса эди”, деди. “Қизим, хаёлингга нималар келмайди-я”, дедим-у, бирдан ўша кампир ёдимга тушди. Аммо унга қайси кўча, қайси уйда туришимни айтмаганман-ку. “Пушок, деб чақирган эди, Пушок югуриб бориб суйкалди. Аниқ ўша кампир!”, деди қизим. Ҳовлига чиқсам, ростдан ҳам ўша кампир, у ҳовлига аланглайди, Пушокбой эса думини ликиллаптиб, “гостинец” — емишни чангитиб уряпти. “Лада қани?” — кампирнинг саломлашгандан кейин сўрагани шу бўлди. “Уни қишлоққа бериб юбордим”, дедим тўғриси айтишга кўнглим бўлмай. “Яхши одамлар олдимми, ишқилиб?”, деб мунгайди кампир. “Ҳа, албатта, қариндошларим, сўраб қўймади”, дедим. Кампир лаққа ишонди: “Раҳмат сизга, Ладамни ёмон одамларга бермаганингизга ишонаман!”, деди. Мени ҳали ҳам яхши одам деб билганига сал ноқулай сездим ўзимни. “Менга қаранг, ҳовлимни қандай топиб келдингиз? Манзилни айтмаган эдим шекилли, отимни ҳам билмайсиз”, деб сўрадим. Кампир ожиз жилмайдди: “Топдим-да, эски шаҳарда тураман, деган эдингиз-ку”. “Қанақасига?! — тонг қотдим мен. — Эски шаҳар катта-ю, Самарқанд дарвоза, Чуқур кўприкни билмасдингиз-ку?”. “Шу, келавердим, юрагим қаёққа бошласа, шу ёққа қараб юравердим. Ичимдан туйдим-да, мана, топиб ҳам келдим”, деди кампир.

Қаранг, турар жойимни ҳам, отимни ҳам билмай, ҳеч кимдан сўраб-суриштирмай, тўппа-тўғри ҳовлимга кириб келаверибди. Юраги сезиб! Бировга айтсанг, икки дунёда ишонмайди! Мен ишхонада, дўстлар даврасида, ишқилиб, ажабтовур воқеалар ҳақида гап кетса, албатта шуни гапириб бераман, оғзаки ҳикояга ёзишдан ҳам устароқман, аввалига “Йўғ-э, э-э, қойил!”, деб эшитадилар, бирпас ўйлагандан кейин “Бўлмаган гап, манзилни билган, юраги ҳар қанча сезгир бўлмасин, эски шаҳар жуда катта, билмаса, топиши қийин. Ё опқочяпсиз!” деб туриб оладилар. Лекин рост! Айнан шундай бўлган.

Пушокбой ҳали ҳам бор. Ҳозир ҳовлига ўрганиб кетган, эшикка чиқишим билан оёғимга тармашади, думини ликиллаптиб қараб туради, кейин ҳаҳ-ҳаҳ деб думалайди, бирдан туриб қочиб кетади, яна пилдираб келади, орқа панжасида тик туриб, менга термулади, хуллас, дардини биламан — бир нарса бериб қолар деб умидвор! Кампирнинг хонасида яшамаганми, аввалига уй ичига киривериб безор қилди, ҳовлига чиқариб, эшикни ёпиб олсак, панжалари билан тақ-тақ уради денг! Шунинг Пушоклигини билиб турсак ҳам одамнинг кўнглини ваҳм босар экан.

Худди ақли бир катта жонивордек! Лекин кейин бу ерда бошқа одамлар туриши, итни ҳеч қачон уйга қўймаслигини бўйнига олди, шунга ҳам хурсанд. Машинамни танийди, дарвозанинг очиқ эшигидан пилдираб-думалаб отилади, машинанинг атрофини айланиб чопади, бир куни мен келиб тўхтадим, шу пайт йўлдан бир “Москвич” ҳам ўтиб қолди, дарвозадан учиб чиққан Пушок тўппа-тўғри унинг тагига кириб кетса денг! “Москвич” ғийқиллаб тўхтади. Ўлди, деб ўйлаган эдим, бир лаҳзадан кейин кучук бечора шунақа ангиллаб бердики, “Москвич”дан тушган ҳайдовчининг ранги ўчиб кетди. Пушок бўлса, шу ангиллаганича машина тагидан чиқиб ичкарига отилди. Уч-тўрт кун оқсаб юриб, тузалиб кетди.

Пушокнинг ўзбекчаси — Пахмоқ, пахмоққа “аҳмоқ” уйқаш. “Ҳей, Пахмоқ — Аҳмоқ!” десам, негадир жўшиб кетади. Ҳовлини гир айланиб, кумуш пўстак ер бағирлаб учаётгандек, хўб чопади, кейин ёнимга келиб, икки оёғини кўтарганча таққа қотади, худди мукофот сўрагандек. Мен унга яна: “Эй Пахмоқ! Аҳмоқсан-да, Аҳмоқ!” дейман, у яна бирдан бурилиб чопишга тушади. Қаранг, ҳайвон-да, ҳайвоннинг кўнгли оқ, “аҳмоқ” деганимни ўзига мақтов деб билади.

Қани шуларни ёзсанг, лекин бундан ҳам чуқурроқ маъни қидириб одамни қийнайдилар. Баъзан улар истаган катта маънини ўйлаб топасан-у, шунга мос саргузашт тополмайсан. Уларга катта воқеа, қахрамон бўлса! Бир куни ўзим ҳам аввал қахрамон бўлдим, кейин қахрамонликдан тушдим. Ишдан чиқиб Шайхонтохурдаги бекатда турган эдим, трамвай келиб қолди, бирдан қий-чув бўлиб кетди. Бир одам рельсни кесиб, биз томон келаётганини кўргандек эдим, трамвай босиб кетибди уни. Одамлар қичқириб юборганда кўрмаган эканман, кейин қарасам, шундоқ рўпарамда, трамвай тагидан иккита оёғи чиқиб турибди. Ҳамма қотиб қолган. Қараб турсам, оёкнинг иккови ҳам қимирлаяпти! Илгариги қўш вагонли еттинчи трамвай эсингиздами, олди узун, бир ярим метрча келарди, бечорани шундоқ кўндаланг йиқитиб, тумшуғи тагига думалагиб, ғилдиракларига атиги ярим қарич қолганда тўхтабди. Секин палахса бетондан тушиб бордим-да, ҳалиги иккита оёқни ушлаб тортдим. Ишқилиб, бирон жойидан илиниб қолмаган бўлсин-да, деб ўйладим. Бечорани суғуриб олдим, костюми бошига ёпилиб қолибди, ҳамма “И-ий!” деб юборди. Қаранг-эй, мен тамом бўлган, деб ўйлаган одам, бирдан туриб ўтирди, костюмини шарт туширди, кўзи аланг-жаланг, карахт аҳволда, ҳеч нима қилмабди, фақат бурни эзилган, қонталаш кўкариб турибди. Худонинг асраганини! Бир-икки одам келиб елкамга қоқиб “Маладес!”, деди. Қаранг, ростдан-эй, кўрқиб, ўзимни йўқотиб қўймай буни трамвай тагидан бамайлихотир тортиб олибман! “Қалай, у ер-бу ерингиз лат емадимми?”, деб қўлларини ҳам ушлаб кўрдим, жойида! Турмоқчи бўлиб қўлини мендан силтаб тортиб олди, лекин туролмади, ғирт маст экан. Шу вақт бир киши “Манг, сизларникими?”, деб қўлимга қоғозга ўралган бир нарса тутқазди. Ушласам, икки кило музлаган гўшт. Буники экан, мени унинг шериги деб ўйлашди чоғи. Гўштни унинг тиззасига қўйдим. Бирпасда тумонат тўпланди, муҳокама бошланди. Кимдир мелиса чақириш керак деди. Жингир-жингир қилиб бизнинг трамвай бу томондан келди. Агар мелисавозлик бўлса, ким кўрди, ким гувоҳ деб бошни қотиради, дедим-да, трамвайимга чиқиб кетвордим. Тик турибман. Ёнимдаги ўриндиқда икки қиз овозининг борича гаплашиб кетяпти. “Бир ургандаёқ тагига кириб кетди. Устидан икки бўлак қилиб ўтиб кетди, деб ўйлаган эдим”. “Икки эмас, уч бўлак қиларди”, деди униси. “Вой-й!” деб қичқириб юбордим!” деди буниси, “Мен ҳам. Тамом, ўлди, деб ўйладим-да”, деди униси. Ҳозир бўлган воқеани айтишяпти, тепасида турибман, булар мени кўрмаяпти. “Қизлар, нима бўлди? Нимани айтяпсизлар?” деб сўрадим. Иккови баравар менга



қаради. Ҳозиргина бўлган воқеани “Мен айтаман”, “Йўқ, шошма, мен айтай”, деб таллашиб-тортишиб гапириб беришди. Жўртгага “Э-э, шунақами? Ростданми?”, деб эшитяпман. “Шунда оқ костюм-шим кийган бир киши шундай борди-да, трамвай тагидаги одамнинг оёғидан тортиб чиқариб олди”, деди бири. “Киши эмас, йигит эди, — деди униси. — Ўзиям баланд бўйли, келишган йигит экан!”. “Жуда салобатли экан-да, кўзимга кишидек кўринди. Лекин йигит бўлса ҳам зўр экан! Кўрқмади ҳам. Ахир, ҳамма кўрқди-да. Ўлган бўлиши... ўлган одамнинг оёғи бўлиши мумкин эди-ку! Тўғри бориб, шартга ушлади!”, деди буниси. “Роса чиройли экан!”, деди униси ҳаяжон билан. Шу ерга келганда завқим тошиб чидай олмадим, “Қаранглар-чи, шу йигит мен эмасми?” дедим мағрурланиб. Қизлар гапдан тўхтаб менга қаради. “Ҳечам-да!”, деди униси. “В-эй! — деди буниси бурнини жийириб. — Башарангизга бир қаранг”. Мен ўзимга бир қараб олдим-да “Мана, менинг костюмим ҳам оқ”, дедим. “У йигитнинг костюми жуда қиммат, модний эди”, деди униси. “Менга қаранг, нимага бегона қизларнинг гапига суқиласиз? Уялмайсизми? Биз унақа қизлардан эмасмиз”, деди буниси. Мен кулиб юбордим, бошқа гапирмадим. Ҳар қанча исботламай, ўша йигит ўзим эканимга ишонтира олмайман. Бу қақажон қизларнинг хаёлидаги ўзим шу қадар баланд эдики, ҳозирги туришим ўша ўзимнинг олдида бир пул. Лекин барибир, боя трамвай тагидаги одамни тортиб олган киши бошқа, ҳозир трамвайда кетётган ўзим бошқа кишидек, қизиқ аҳволга тушдим. Аҳволимнинг бетайинлигини қаранг-да энди, алам қилди.

Ана шу воқеани ёзсам ҳам бўлади-ю, лекин ўзингни қаҳрамон кўрсатиш, гарчи сени ҳеч ким танимаса ҳам, барибир ноқулай. Хўш, бир бечорани трамвай уриб кетибди, сен унинг оёғидан ушлаб, трамвай тагидан тортиб олибсан. Бор-йўғи шуми? У трамвай босганда ўлиб, сен уни тирилтирганинг йўқ-ку! Шунинг нимаси қаҳрамонлик? Лекин бошқа томони ҳам бор, аниқ эсимда: трамвай тагидан иккита оёқ чиқиб тургани, сал қимирлаётганини кўриб, фақат мен бордим, аввал эгилиб, шу оёқларга қарадим, кейин секин ушлаб тортидим. Сугуриб олдим ҳалиги одамни. Ҳа, шундай кўз олдимда турибди: одам кўп эди, лекин бирортаси унга яқинлашмади. Бу одам туриб ўтириб, қўлини силтаб тортиб олиб, менга олайиб қараб қўйгандан кейин бошқалар атрофини ўраб олди. Мен қилган иш қатта қаҳрамонлик бўлмаса ҳам, ҳарқалай, бошқаларнинг юраги дов бермаган бир ҳаракат эди-да, барибир.

Бундай воқеалар давраларда айтиб беришга яхши, гапни гапга улайди, вақт ўтганини билмай қоласан. Бунга ҳам кўп айтиб юраман, таниш-билишларим, баъзилари ичида мени опқочяпги, деб ўйласа ҳам барибир берилиб тинглайди.

Лекин бошқа нарсани кўп ўйлайман, ўзим гувоҳ бўлган шундай воқеаларни айтаётганда воқеани кўрган ҳозир гапираётган ўзимми ё бошқача эдимми унда дейман, чунки ўша воқеалардаги иштирокимни гапираётганда қандайдир бошқача, ҳозир гапираётганимдан мардрок, тозарок тасвирлайман ўзимни, шунда одамнинг ўзи ҳақидаги фикри ўзига унча тўғри келмайди, мен яшаётган ҳаёт ҳам кўриб турганимдан бошқачароқ шекилли, деган хаёлларга бориб, ҳаётнинг асли билан у ҳақдаги тасавурларим ўртасида адашиб юргандек бўламан.

Ғулистонга ҳам шундай қилиб бориб қолдиммикан дейман. Ҳа, дарвоқе, у ҳеч тушимга кирмайди, яна бир кўрай, бориб бир қарай-чи, нима ўзгаришлар бўлган экан, хизматчи қизнинг тақдири нима кечди, боласи каттариб қолгандир, билмай деб шу кўзимни чирт юмиб ётаман, ухлаганимда бошқа тушлар кўраман, фақат Ғулистонни эмас. Лекин уйғоқлигимда ўйларимни тинч қўймайди, хотираларим хаёлимга бостириб кириб, мисоли қопонғич ит бўлиб талайверади...



### *Режиссёр Жаҳонгир ҚОСИМОВ билан суҳбат*

— Миллий кино санъатини ривожлантириш учун давлат ҳар йили миллиардлаб сўм маблағ ажратмоқда. Бундан ташқари, ҳомийлар маблағи ҳисобига хусусий киностудияларда ўнлаб фильм суратга олиниб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Баъзи маълумотларга қараганда, ўзбек киноси ҳозир Марказий Осиё кино бозорини эгаллаш арафасида. Бу ҳол яхши, албатта. Лекин ўша фильмларнинг бадиий савияси қай даражада, бугунги кун талабига жавоб бера оладими?

— Кейинги йилларда мамлакатимизда кинематография соҳасига эътибор кучайгани рост. Давлат ажратаётган маблағдан ташқари ушбу соҳага ҳомийлик қилишни истаган сармоядорлар кўпайиб бораётгани ҳам қувонарли ҳол. Бироқ бундай миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтишига беш-ўн қовун пишиғи бор, шекилли. Вазият ўнглаиб кетиши учун истакнинг ўзигина кифоя қилмайди. У маълум маънода ижодий имконият ва жараённинг тўғри йўлда ривож топишига ҳам боғлиқ.

Энди мавжуд муаммоларнинг сабабини изоҳласак, тўқсонинчи йиллар бошида маблағ тақчиллиги сабабли кинематография жабҳасида турғунлик юзага келган ва юксак малакали мутахассислар бошқа соҳаларнинг бошини тутиб кетган эди. Оқибатда ижодий жараён уйғунлигига путур етди.

Хайриятки, орадан озроқ вақт ўтиб Юсуф Розиков, Зулфиқор Мусоқов, Собир Назармухаммедов, Баҳодир Одилов сингари ёш кинорежиссёрлар ана шу турғунликка озми-кўпми барҳам берди, томошабин кўнглига яқин фильмлар суратга олина бошлади. Кейинроқ эса кино соҳасига уни санъат эмас, бизнес деб

тушунадиган “замонавий” бир авлод кириб келди, кинода тижоратлашув бошланиб, бир сўм сарфлаб, икки-уч сўм ишлаб олиш асосий мезонга айланди-да, профессионал киночилар тилида истеҳзо билан “хонтахта” деб аталган бир “жанр” пайдо бўлди. Бу енгил-елпи йўл билан суратга олинган фильм деганидир.

Албатта, бугунги кинопрокатни бундай жўн, саёз фильмларга топшириб қўймаслигимиз керак. Бунинг учун бадиий кенгашу эксперт комиссиялари талабчанликни ошириши лозим. Лекин бу билан ҳам муаммони бартараф этиш қийин. Профессионал савиядаги фильмни суратга олиш учун юксак малакали режиссёрлар, операторлар даркор. Уларни эса бир-икки йилда тайёрлаб бўлмайди.

— *“Ўзбеккино” агентлиги қошидаги бадиий кенгаш ана шу камчиликларнинг олдини олиши керак, шундай эмасми?*

— Тўғри, бадиий кенгашнинг вазифаси киноижодкорларга қўмаклашишдан иборат. Унинг аъзолари асосан адабий сценарий савияси ва унинг экран “тили”га қай даражада кўчганини муҳокама қилиб, фикр-мулоҳазасини айтади, холос. Пировард натижа эса бошқа омилларга боғлиқ... Очиғини айтсам, ўша кенгаш аъзоларининг ҳаммаси ҳам кино санъати талабларини яхши тушунади деб бўлмайди. Лекин, ҳар ҳолда, уч-тўрт нафар профессионал иждоқорнинг маслаҳатига юрган режиссёримиз ютқазмас.

Хўш, режиссёр имкониятини ким ёки нима чеклаши мумкин? Аввало — фильмда қатнашаётган эркатой “жиянча”нинг ҳаминқадар ижросию инжиқликлари. Ҳомийдан манфаатдорлик режиссёрни ўша “тоға”га қарам қилиб қўяди. Жияннинг роль ўйнагиси, бир думалаб машҳур бўлгиси бор! Негадир ҳозирги кунда ҳамма ўзини кинони биламан, тушунаман, деб ўйлайди. Лекин кинематография санъати ҳам худди тиббиёт сингари махсус билим ва малака талаб қилиши хаёлимизга келмайди. Ахир, ҳеч ким беморни операция қилишни кўчадан келган одамга ишониб топширмайди-ку! Кинода ҳам талаб шундай бўлиши керак.

— *Баъзан, хусусий киностудияларнинг маҳсулоти “тижорат фильмлар”, давлат маблағи ҳисобига суратга олинган фильмлар эса “фестиваль учун ишланган фильмлар” деган истеҳзоли гаплар қулоққа чалинади...*

— Бизнинг томошабин ажойиб. Фильм “ёндим-қуйдим” мавзусида бўлмаса, унга дарров “Фестиваль учун ишланган кино” деган тамғани босишга шошилади. Лекин бозорнинг, харидор ҳамиша ҳақ, деган одил қондасига амал қиладиган бўлсак, бунда томошабиндан кўра, биз — режиссёрларнинг айби кўпроқ экани ойдинлашади. Ҳамма нарсани оғзига чайнаб солавериш, уни танбал қилиб қўйдик — бош қотиришга, ўйлашга тоқати қолмади. Ортидан томошабинни эргаштириши керак бўлган санъатни томошабиннинг майлу истакларига қурбон қила бошладик. Афсуски, кино санъати саноатлашиб бормоқда.

Ўзимизча, давлат киностудиясида ишлаймиз, томошабин юрагидан жой эгаллайдиган фильмлар яратамиз, деб мақтаниб юрамиз. Яхшиямки, 10-15 та “хонтахта” фильмлар бор. Танқидга ҳам, сўкишга ҳам ўшалар балогардон. Акс ҳолда уларнинг ўрнига давлат буюртмаси асосида ишланаётган фильмларнинг 70 фоизи танқид ўқига учар эди...

Мен бу гапларни оддий томошабин эмас, режиссёр сифатида айтяпман. Бизда қатъият етишмайди. Режиссура суратга олиш майдончасида соябонли шапкаю жинси қўйлак, жинси шим кийиб олиб, “Так, внимание! Мотор! Начали!” деб

буйруқ беришдангина иборат деб ўйлаймиз. Режиссёр съёмка жараёнида оператор ёки “юлдуз”лик касалига чалинган инжиқ актёр етовида юрса, суратга олаётган фильми “хонтахта” даражасига тушиб қолиши аниқ.

— *“Хонтахта”ларнинг урчиб кетишига Сиздай режиссёрларнинг каммаҳсуллиги сабаб эмасмикан?..*

— Сценарий танлашда инжиқроқман. Баъзан фильмларнинг ўзидан кўра, сценарийсидан кўпроқ таъсирланаман. Масалан, кинорежиссёр Инъяриту Гонсалезнинг “Бобил”, Зулфиқор Мусоқовнинг “Ватан” бадиий фильмлари сценарийларини, эҳ, қани, менда бўлсайди, деб қоламан. Зулфиқорга, сценарийингизни менга сотинг, деб айтганман ҳам.

Сценарийдаги “ҳаёт”га ва режиссёр ғоясига ишонтириш, мўъжиза яратиш вазифаси — актёрлар зиммасида. Хусусий студияларнинг Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабовга ёпишиб олгани сабаби шунда. Улар гоҳо шу актёрнинг импровизациялари билангина кун кечиради деса бўлади. Лекин бу роллар таниқли актёримизга доим ҳам обрў келтирмаслиги аниқ. Унинг дарди бўлак, дарди буюк. Хаёлидан нималар ўтаётганини юз-кўзидан билиб турасиз, яширмоқчи бўлаётганини ҳам сезасиз. Шахсан мен унинг ичидаги вулқонни ҳис қиламан, аммо унинг “портламай” қолиб кетишидан кўрқаман, бундан унинг ўзи ҳам кўрқса керак...

Кинорежиссёр бамисоли супермаркетга кирган харидор — борини олади. Энг ёмони шу! Чунки актёрлар билан ишлашга на вақт, на сабр бор. Шу одамда нимадир бор, кел, шунинг дардини юзага чиқарай, деб ўтирмаймиз, бизга бори керак: “Мурод ака, мана бунақа қилигингиз бор-ку, ўшани қилиб беринг”. “Сенинг эса оғиз қийшайтириб, кўз ўйнатишларинг бор, кулишларинг...” Қарабсизки, “хонтахта” тап-тайёр. Чатоқ тарафи — томошабин ҳам шуни кутади. Кутган нарсаси чиқса — олам гулистон. Чунки у ўқиб-ўрганишни эмас, билган нарсасини таниб олишни хуш кўради.

“Дев билан Пакана” фильмида бош ролга Обид Асомовни танлаганимда, у комик артист, фильм жиддий бўлиши керак, дея эътироз билдирилган эди. Мен эса экранга Обиднинг дардини олиб чиқмоқчи бўлганман. У ишончимни тўлиқ оқлади.

Яна бир мисол келтирай. Ёлқин Тўйчиевнинг “Орзу ортида” фильмини кўриб, актриса Зулхумор Мўминованинг маҳоратига тан берганман. У — интеллектуал, чинакам драматик актриса. Эътироси ҳам кучли.

Ҳар бир режиссёр кино санъатига ўзининг ҳамфикрлари — актёрлар гуруҳи билан кириб келиши, уларнинг имкониятини оча билиши керак. Масалан, Ёлқин Тўйчиев шунинг уддасидан чиқди, лекин, афсуски, ҳозир у бир кун ҳақиқий санъат учун, икки кун “бозор” учун ишляпти.

— *Бозор талаби енгиб бўлмайдиган бир махлуқми? Нега ундан қутула олмаймиз? Наҳотки баъзи режиссёрларимиз ўнлаб йиллар давомида орттирган обрў-эътиборини шу қадар осон тўкиб қўяётганини ўйлаб ҳам кўрмасан?..*

— Бу саволингизга бир мисол билан жавоб берай. Бир суҳбатда америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй ҳамкасби Френсис Фицджеральддан “Сиз буюк ёзувчисиз, бир романингизни ўқиганимда одам боласи бунақа романни қандай ёзди экан-а, деб ҳайратга тушган эдим, лекин бошқа бир романингизни ўқисам, бульвар романлардан фарқи йўқ, нега бунақа?” деб сўраганида, у, мен унинг биттаси-

ни ўзим учун, иккинчисини пул учун ёзаман, деб жавоб берган экан. Балки Фицжеральд ҳам ўзича ҳақдир, лекин мен бундай қила олмасдим.

Ижод шуниси билан қизиқки, ҳеч қачон тайёр қолипларни тан олмайди. Бир ижодкорнинг тажрибаси иккинчи бир ижодкор учун ўрнак бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу маънода мен истеъдодли иним Ёлқинни қораламоқчи эмасман, фақат майда-чуйда нарсаларга ўралашиб, қобилияти даражасидаги фильмларни суратга ола билмай қоладими, деган хавотирим бор.

— *Бу билан унинг “бозор” учун ишлаётгани нуқси олажак яхши фильмларига ҳам уриб қолади, демоқчимисиз?*

— Албатта. Бир марта Ҳиндистонга фестивалга борганимда дастурхондан таом ея олмадим. Ниҳоятда аччиқ экан. Шунда меҳмоннинг ҳурмати учун қозонни яхшилаб ювиб, тухум билан гўштни зирavorлар солмай қовуриб келишди. Барибир аччиқ экан. Гармдори қозоннинг ичига сингиб кетган...

— *Санъатда миллийликни ҳар ким ҳар хил тушунади. Биров дўппи ёки яктак кийиш — миллийлик деса, бошқа биров уни одамнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, тутумларида акс этади, деб ўйлайди. Таассуфки, намойишга чиқарилаётган баъзи фильмларда ҳам ушбу тушунчага юзаки ёндашув ва талқинни кўрамиз...*

— Тан олайлик, кўп нарсага юзаки қарашга одатланганмиз. Хом-хатала бўлса ҳам ишнинг тезроқ битишини кўзлаймиз, моҳиятдан кўра шаклни устун биламиз. Миллийликми — марҳамат: атлас кўйлак, дўппи, “келинсалом” ва ҳоказо. Булар — фақат безак.

Айрим шифти бўйрали миллий таомлар ошхонасига кириб кўринг. Обдас-та шифтга, қўл чайдиган жом уйнинг тўрига осиб қўйилган. Бу нима — миллий қадриятларга эҳтиромми ёки фаросатсизликми? Ваҳоланки, миллийлик, қадрият асосан бизнинг тарбиямизда, воқеликка муносабатимизда, турмуш ва фикрлаш тарзимизда зухур бўлади.

“Ўтган кунлар” фильмидан бир мисол келтирай. Баъзи “миллатпарвар”лар наздида унда бир “ноўрин” кадр бор: Кумуш Отабекка чап кўлида чой узатади. Эҳтимол, бу ҳолат ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмас. Ўша “миллатпарвар”лар учун эса фильмининг бадий қимматидан кўра, режиссёр ёки актрисанинг ўша “хато”си муҳимроқ. Ҳолбуки, санъат нуқтаи назаридан бу деталь унчалик аҳамиятли эмас. Биз уни тез унутамиз, Отабек ва Кумушнинг соф инсоний муҳаббатига мафтун бўламиз.

— *Бугунги глобллашув жараёнида миллий қадриятларни сақлаб қолиш тобора қийинлашиб бормоқда. Сизнингча, оммавий маданият, жумладан, олдиқочди чет эл кинофильмлари хуржунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?*

— Тасвир — қудратли восита, томошабинни ҳар нарсага ишонттира ва ундан ҳам даҳшатлиси, ортидан эргаштира олади. Чет эл кинокомпаниялари ўз турмуш тарзи, қадриятларини анъаналарини кино маҳсулоти замирига сингдириб юборади. Хоҳланг-хоҳламанг, томошабин ўша қаҳрамонларга тақлид қила бошлайди: уларга ўхшаб кийинишга, юриш-туришга ҳаракат қилади, хаёлини данғиллама уй, қимматбаҳо автомобилу кийим-кечак, бир сўз билан айтганда, экрандаги дабдабали ҳаёт забт этади.

Бунга қарши туришнинг энг мақбул йўли — ўзбек томошабини мириқиб кўрадиган, дунёнинг манаман деган зўр фильмлари билан бўйлаша оладиган фильмлар яратишдир. Лекин бу билан у фақат ўзимизнинг фильмларни томоша қилсин, демоқчи эмасман. Биз очиқ жамиятда яшаймиз. Бинобарин, танлаш ҳуқуқини ҳеч ким тортиб ололмайди. Тақиқ билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Агар одам маънавий ва маданий иммунитетга эга ҳамда тарбияси бутун бўлса, оммавий маданият домига тушиб қолмайди, уни “ҳар мақомга йўрғалатиш” қийин. Лекин шуниси ҳам борки, инсонинг руҳияти, табиати яхши нарсадан кўра ёмон нарсага мойилроқ бўлади. Оддийгина мисол: русча ёки инглизчани билмайдиган одам бу тилларни айнан сўкишни ўрганишдан бошлайди. Ёмон нарса онга тез кириб келади. Оммавий маданият ана шу майлни қўзғатиши билан ҳам хавфлидир.

— *Нега биздаги аксар фильмлар фақат “ёндим-куйдим”дан нарига ўтмайди? Томошабин фақат қўл ушлашиб юрган ёшлардан иборат эмас-ку?*

— Эътирозингиз ўринли. Лекин бу муаммони фақат ўзбекларга хос дейиш унчалик тўғри эмас. Бу — глобал муаммо.

Машҳур тележурналист Владимир Познер кинорежиссёр Андрон Кончаловскийдан “Яқин-яқингача томошабинлар Феллини, Тарковский ва сизнинг фильмларингизни кўриш учун кинотеатрларга келар эди. Бугун ҳам шунақа фильм олсангиз, томошабин кирадимиз?” деб сўраганида, у “Йўқ! Чунки ўзингиз ўйланг, у даврнинг томошабини асосан 25 ёшдан ошган, олий маълумотли кишилар эди. Улар кўраётган фильмларидан ҳаётига таянч бўладиган бирон фикр ола биларди. Хўш, 18 ёшга тўлиб-тўлмаган бугунги томошабини нима қизиқтиради? Енгил-елпи севги-муҳаббат ва ур-сурни акс эттирувчи маза-бемаза воқеалар! Кинотеатрга онги ривожланмаган, саёз томошабин кирапти. Биз, киночилар эса ана шуларнинг ноғорасига ўйнаймиз...”, деб жавоб берди. Бугун кинотеатрга келган ошиқ-маъшуқлар тўйдан кейин ҳам бу ерга киради деб айтолмаймиз. Уларга энди бошқа мавзудаги фильмлар керак, афсуски, шуни топиб беролмаяпмиз.

— *Асл санъатнинг оммавийлашиб кетмаслиги сабаби нимада? Мисол учун, Федерико Феллини дунёси оммага ҳамisha бегона соҳил бўлиб қолган...*

— Феллинининг фильмлари ҳеч қачон оммабоп бўлмаган. Биз киночилар унинг ижодий услубини, характер яратиш маҳоратини ўрганамиз. Масалан, режиссёрнинг бир қанча совринга сазовор бўлган 55 дақиқали “Оркестр репетицияси” фильмини олайлик. Сюжети оддий. Жиккаккина бир дирижёр нукул, куйни яна бузиб чалдиларинг, деб созандаларга дакки бераверади. Улар эса, дакки эшитавериш жонига теккач, дирижёрни ҳайдаб солади-да, ҳар бири ўзича дирижёрликка даъво қилади. Бўлмагач, олдиларига каттакон метроном кўйиб, куй чала бошлайди. Энди, нотўғри чаляпсан, менга халақит беряпсан, деб бир-бирини ҳақорат қилишга тушиб кетади. Хуллас, дирижёрсиз репетициянинг “оёғи осмондан келади”. Фильм ниҳоясида дирижёрнинг ўзи қайтиб келиб, негадир немис тилида “Диққат, айтганимни қилинглар!” дея, дирижёрлик таёқчаси билан метрономни тақиллатиб уради. Энди ҳамма унга сўзсиз итоат қилиб, рисоладагидек куй чалади.

Бизнинг ҳозирги “томошабин” шу фильмни тушунармикан?

Хўш, Феллини бу фильмини қачон ва нима учун суратга олган? Уни бунга нима мажбур қилган?

Урушдан кейинги Италия... Муссолини диктатураси қулагандан сўнг ҳар хил партиялар халқни ўз томонига оғдириб олишга уриниб ётган чоғлар. Феллини ушбу жараён нимага олиб келиши мумкинлигини, ундай қил, бундай қил деб ақл ўргатиб ўтирмай, бадиий тўқима орқали кўрсатиб берди-қўйди. Кинонинг санъат сифатидаги кучи ана шунда.

— Ирланд адиби Жеймс Жойс “Порнография билан дидактика — санъатга алоқаси бўлмаган сохта нарсалар...”, деб ёзган эди. Сиртдан қараганда, бир-бирига мутлақо зид тушунча бўлишига қарамасдан ёзувчи уларни ёнма-ён қўяди...

— Биласизми, дидактика билан порнография — иккаласи ҳам урён, ўта жўн. Уларда санъатни санъат қиладиган “сир”дан асар ҳам йўқ. Алишер Навоийни, Жалолоддин Румийни ўқинг, бошингизга муштлагандай қилиб, тўғридан-тўғри, “май ичма — яхши одам бўласан”, демайди. Шу билан бирга, адабиётда дидактикага мойиллик борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Ёзаётганда кимнидир нимагадир ўргатмоқчи, кўзини очмоқчи бўласиз. Аммо баъзи ижодкорлар тинмай ақл ўргатишни ўзига касб қилиб олади... Истеъдодли режиссёр эса, боя мисол келтирганимиз Феллинига ўхшаб, ақл ўргатиб ўтирмай, кўрсатиб беради, томошабинни мустақил хулоса чиқаришга ундайди.

Томошабин онгига ватанпарварликни, миллий ғурурни дидактика йўли билан сингдириб бўлмайди. Кўпинча бу акс таъсир этади. Эртақлардаги “донолар доноси”, “олампаноҳимиз”, “қуёшимиз” қабилидаги лутфлар замирида киноя гизланган. Яхши кўрган одамнингизга, “Хўв, сени яхши кўраман, биласанми?” деб дўқ урмайсиз-ку? Ҳар нарса ўрнида, меъёрида бўлгани яхши.

Нега “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатувини тўғри қабул қиламиз? Чунки уни насиҳатомуз дастур деб биламиз. Унга етук кино ёки телеасар талабини қўя олмайсиз.

Ҳали айтилган “хонтахта”ларнинг деярли ҳаммаси — қип-қизил дидактика. Дўхтир берадиган рецептнинг ўзгинаси: “Мана бу дорини ичсанг, тузаласан!” Бу ҳам етмагандай, режиссёрлар фильмнинг тарбиявий аҳамияти унақа, айтилмоқчи бўлган гап бунақа деб, “ола-була” матбуотнинг ҳаммасига интервью улашади. Кино саноати уммонида чўкиб кетмаслик учун бирдан-бир ёпишадиган “хас”и шу!

Ахир, комедиядан тортиб трагедиягача бўлган жамики киноасарлар инсон қалбини тафтиш этиш, тафаккурини ўстириш учун хизмат қилиши керак эмасми?!

— Негадир саҳнаю экранларимизни асосан икки тоифадаги аёллар эгаллаган. Биринчиси — ўнг юзига урса, чап юзини ҳам тугтиб берадиган мутегина аёл. Унинг эри албатта ё ичувчи, ё жазманли бўлади. Ёки бўлмаса, қайнонаси жоҳил. Иккинчиси — ҳаётнинг мазмунини бозор-ўчар, асьасаю дабдаба деб биладиган, одамнинг қадрини бўйнидаги тилла занжирининг вазни билан ўлчайдиган аёл. Мен ўзбек аёлининг ички дунёси экранга холисанлилло олиб чиқилса ва у муте ёки нотавон эмас, кадр-қимматини биладиган, зиёли тарзида кўрсатилса дейман.

— Гапингизга қўшиламан. Афсуски, бундай киноасарлар бармоқ билан санарли. Эслаб кўрсам, ўзбек аёли характерини чинакамига кўрсатиб берадиган арзигулик киноасар йўқ... “Чашма”, “Ой остидаги ҳовли”, “Забаржад” фильмларида

шунга уринишлар бор. Лекин яхлит образ деёлмайсиз. Дарвоқе, бундай фильмлар қаторига Юсуф Розиковнинг “Эркак” фильмини ҳам қўшиш мумкин.

Бир вақтлар театр сахнасида Зебуннисо, Нодирабегимлар қиёфаси гавдаланган асарлар қўйилар эди. Айни кунда Миллий театримиз репертуарида ана шу тоифа асарлардан “Увайсий”, “Дарахтлар тик туриб жон беради” спектакллари бор, холос.

Ўзимнинг фильмларимга келсак, “Дев билан Пакана”да Ҳалима образи бор. “Сув ёқалаб”да эса Шарофат билан Зулфия... Танқидингиз жуда ўринли бўлди. Бу ҳақда жиддий бош қотирмаган эканмиз. Ўйлаб қарасам, бу масалага астойдилроқ ёндашишимиз, истеъдодли актрисаларимизга роль қидириб юрмасдан, уларга атаб махсус сценарийлар ёзишимиз керак экан.

Бунга режиссёр Баҳодир Йўлдошев сахналаштирган “Келинлар кўзғолони” спектаклини мисол қилиб келтириш мумкин. Қаранг, бош қаҳрамон Фармонбибининг қандай характери бор? Қаттиққўл, тежамкор. Келинларига меҳри ҳам билинади, ҳукми ҳам. Ўша асар экранлаштирилганда Турсуной Жаъфарова ҳам яхши ўйнаган, лекин, афсуски, у кишида Зайнаб опадаги қувлик, шижоат етишмади.

Кинода бундай образлар ниҳоятда кам... Агар мен актриса йўқ, деб ўзимизни оқласам, ёлғон гапирган бўламан. Худога шукрки, ҳаётда шахсияти бутун аёлга прототип бўла оладиган хотин-қизларимиз истаганча топилади. Эътибор сустилги сабабли қанчадан-қанча истеъдодли актрисаларимизнинг ижодий имконияти очилмасдан қолиб кетяпти, “ўз” ролини кута-кута умри ўтиб боряпти. Яйра Абдуллаева, Дилором Каримова, Сайёра Юнусова, Зулхумор Мўминова...

Бундан етти-саккиз йил олдин “Одам Атонинг қовурғаси” (“Ребро Адама», 1990 йил. Режиссёр: Вячеслав Криштофович. 1991 йилда И. Чурикова ушбу фильмдаги роли учун “Ника”нинг “Энг яхши аёл роли” номинацияси бўйича ғолиб бўлган. — **И. Қ.**) деган бир трагикомедияни кўрган эдим. Бош қаҳрамон ролини актриса Инна Чурикова ўйнаган. Мен уни “Муқаддима”, “Васса”, “Она” бадиий фильмларида кўрганимдаёқ, зўр актриса эканига амин бўлганман.

Фильмда музейда экскурсовод бўлиб ишлайдиган, чамаси, эллик ёшлардаги ёлғиз аёлнинг кечинмалари акс этган... Москвадаги оддийгина квартиралардан бирида яшовчи тўрт аёл — касалманд, инжиқ онаси ҳамда йигирма олти ва ўн беш яшар икки қизининг ташвиши Нина Елизаровна зиммасида. Катта қизи оилали бир эркак билан дон олишиб юради, ҳали балоғат ёшига етмаган кичкина қиз эса тенгқуридан фарзанд кутяпти...

Актриса онаси билан тўқнашув сахнасида — битта кадрнинг ўзида ҳолатдан ҳолатга шу қадар табиий ўтиб, қаҳрамони руҳиятидаги эврилишларни шу қадар ҳассослик билан очиб берадики!..

Умуман, фильм аёл тақдирига бағишланган, аёлнинг дарди бор ҳолича экранга кўчирилган. Ҳолбуки, ўзбек аёлининг ҳам кечинмалари бундан кам эмас.

— *Чарли Чаплин нафақат буюк инсоншунос, балки буюк инсон эканини биргина васияти ҳам тасдиқлайди. Унда кундаликлари ўлганидан юз йил кейин эълон қилинишини ёзиб қолдирган экан. Айтишларича, хотираномада қалби дардга тўла “масхарабоз”нинг иккинчи ватани — Американи тарк этиш жараёнидаги қайғулари ҳам акс этган эмиш. Чаплин бу иши билан душманларининг авлодини ҳам аяган экан. Катта санъат ортида катта ШАХС-ни кўрасиз. Сиз ижодкорнинг позицияси вазиятга биноан ўзгариб боришига қандай қарайсиз?*





— Ҳақиқий ижодкор позициясини ўзгартирмайди. У қаерда, қай даврда бўлмасин, ўз ҳақиқати билан яшайди. Санъатда позициясиз — тутуруқсиз одамлар ҳам бор. Улар учун ижод — бирор мансаб ёки мавқега эришиш йўлидаги анчайин восита, холос. Ҳар қандай ижодкор бора-бора қайсидир даражада кучсизланиши мумкин, руҳан толиқар. Лекин бу унинг дунёқараши ўзгарди дегани эмас. Мен катта-катта мансабларда ишлай туриб ҳам ўз позициясини ҳимоя эта олган, ижодкорлик виждонига хиёнат қилмаган одамларни биламан. Навоий, Пушкин ё Байрон — бир қараганда, сарой шоирлари. Лекин ижоди фақат мадҳиябозликдан иборат эмас, улар сарой аҳлига ҳақиқатни айтишга ҳам журъат қилган. Бинобарин, катта ижодкор бўлиш учун фақат қотган нон ейиш шарт, деган қараш унчалик ҳам тўғри эмас.

— *Кино санъати, бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ, вақт ва маконга кўпроқ боғланган бўлади...*

— Кино — синтетик санъат. Унинг тақдири фақат битта одамгагина боғлиқ эмас. Истеъдоди зўр актёр ўз ролини учратолмай ўтиб кетиши ҳам мумкин — рўёбга чиқмаган орзуси учун умри билан товон тўлайди. Режиссёр ўз актёрини тополмаслиги, айтайлик, ҳақиқий Ҳамлетини учратолмаслиги ҳам мумкин...

Киноижодкор — вақтнинг кули. Унинг ҳаётини гоҳо тасодифлар белгилайди. Театрда режиссёр итальян ёки рус драматургиясига бемалол мурожаат этаверади. Кинода эса, “Ҳамлет” сизни ҳар қанча таъсирлантирмасин, бошқа миллатга мансуб асар бўлгани учун қайта суратга ололмайсиз.

Хоҳлайсизми-йўқми, халқингизнинг бир қарашда жўн туюлган кундалик турмушини ҳам рамз даражасига кўтариб тасвирлай олишингиз керак. Масалан, ҳар бир халқда болалар каравотчаси бор, лекин уларнинг ҳеч бири бешикчалик миллат тимсолига айланиб кетмаган. Биз кўрсатиб беришимиз керак бўлган киноҳақиқат ҳам ана шундай рамзга айланишини, дунё аҳли миллатимизни кинофильмларимиз орқали танишини орзу қиламан.

**Иқбол ҚЎШШАЕВА**  
**суҳбатлашди.**



Борлиқ ҳақидаги таълимот инсоният дунёқарашининг ҳар қандай тарихий шакли — миф, дин ва фалсафа учун пойдевор ёки асос вазифасини ўтаб келган. Зеро, бошқа барча муаммолар ечими айнан борлиқ жумбоғи ечимига таянган, мантиқан ундан келиб чиққан.

Фалсафада борлиқ ҳақидаги таълимот “онтология” деб аталиб (юнонча “онтос” — борлиқ, “логос” — таълимот дегани), аввалдан фалсафанинг бошқа таркибий қисмлари, масалан, билиш ҳақидаги таълимот — гносеология, хулқ-атвор ҳақидаги таълимот — этика, инсон ҳақидаги таълимот — антропология, жамият ҳақидаги таълимот — социология, коинот ҳақидаги таълимот — космология, табиат ҳақидаги таълимот — физика ёки натурфалсафадан юқори ўринга қўйилган.

Борлиқ нима ва уни ким вужудга келтирган? (Борлиқнинг дастлабки сабабчиси ким ёки унинг бошланғич асосини нима ташкил этади — материями ёки руҳ, ғояларми?) Борлиқ азалдан мавжудми ёки муайян вақтда пайдо бўлганми, яъни борлиқ қачондан қачонгача, қаердан қаергача мавжуд? (Кейинги икки масала фалсафада борлиқнинг фазо ҳамда вақтда мавжудлиги муаммоси деб ҳам юритилади). Борлиқдаги ўзгаришларнинг сабаби, манбаи ва мақсади борми, бўлса улар нимада? Борлиқ яхлитми, у бир бутунликни ташкил этадими ёки мустақил айримликлар, хилма-хилликларнинг тасодифий мажмуидан иборатми? Онтология шу каби масалаларни ўрганadi.

Булар фалсафада материя, онг (руҳ), улар орасидаги муносабат, фазо ва вақт, борлиқда барқарорлик ва беқарорлик, бо-

тартиблик (яъни, оламда тартибланганлик, қонуният, сабабият, зарурият, тақдири азал, бир сўз билан айтганда, космоизм ҳукмронлик қилиши) ва бетартиблик (оламда тасодифият, эркинлик, бошбошдоқлик — хаос ҳукмронлик қилиши), айримлик ва умумийлик, бутун ва қисм, моҳият ва ҳодиса, улар орасидаги муносабат муаммолари шаклида ҳар қачон қизғин баҳс ва таҳлил объекти бўлиб келган. Мазкур масалалар алоҳида олинганда, фалсафанинг айрим катта-катта баҳс мавзулари ҳисобланса ҳам аслида бир-бири билан узвий боғлиқ ва бутун ҳолида онтология мазмунини ташкил этади.

Қадимги юнон фалсафасида онтология илк фалсафа ёхуд метафизиканинг теология (юнонча “теос” — худо, “логос” — таълимот дегани, яъни илоҳиётшунослик) номини олган ўзак қисмидан кейинги ўринни эгаллаган, лекин қиймат жиҳатидан у билан деярли бир мавқеда турган. Кейинчалик теология ва онтологияни бир-биридан яққолроқ фарқлаш учун биринчисини “хусусий метафизика”, иккинчисини “умумий метафизика” деб аташ расм бўлган. Бошқачароқ айтганда, қадимги юнон фалсафасида хусусий метафизика — теология динларнинг мистик, мифик ва экстатик қатламидаги каби ўринни эгаллаган. Ҳозирги даврда фалсафанинг бу қисми “эзотерик фалсафа” (юнонча “эзо” — инсоннинг ички билим ва кечинмасидан келиб чиқувчи демак) номини олган.

Умумий метафизика — онтология эса қадимги юнон фалсафаси, айниқса, Платон, Аристотель ва неоплатониклар асарлари, шунингдек, уларнинг Марказий Осиёдаги издошлари — Форобий, Ибн Сино, Беруний қарашлари, қолаверса, тасаввуф таълимотида илоҳ амалиёти самараси ўлароқ юзага келган борлиқ ҳақидаги таълимот деб шарҳланган. Лекин борлиқ нима ва у қандай сабаб, қандай мақсадга кўра бор экани (телеология), унинг мавжудлик шакллари, усул ва шартлари (яъни атрибутлари: фазо, вақт, ҳаракат) ҳамда шаклланишининг бош тамойиллари (“архе”лар, яъни ғоявий прообразлар) ҳақидаги таълимот сифатида онтология борлиқнинг ай-

рим қисмларини алоҳида олиб ўрганадиган хусусий фанлардан, ҳаттоки табиат фалсафаси — физика ёки натурфалсафадан анча юқори ўринда турган ва билиш усулига кўра мистик бўлган.

Аристотелнинг онтология соҳасидаги буюк хизмати антик юнон фалсафаси, хусусан, Платон таълимотидаги эзотерик, мистик мазмунни рационал, мантиқий талқин этиб, авлодларга етказиб бергани бўлди. Файласуф онтология мазмунини кенг ва чуқур талқин этиш учун уч ёндашув, уч таълимотни ишлаб чиқди: 1) моҳиятнинг категориал таҳлили ёки борлиқ ва ундаги барча нарса-ҳодисаларнинг “нима” экани ҳақидаги таълимот; 2) борлиқнинг каузал-субстанционал таҳлили ёки борлиқ келиб чиқишининг бош сабабий асослари ҳақидаги таълимот; 3) борлиқнинг имконият ва воқелик нуқтаи назаридан таҳлили ёки номавжудликдан мавжудликка ўтиш ҳақидаги таълимот.

Аристотель борлиқ моҳиятини категориал, яъни умумий тушунчалар воситасида тадқиқ қиларкан, мавжудотнинг бор бўлишига дахлдор энг асосий предикатларни (борлиққа хос бўлган умумий хусусиятларни) таҳлил этган. Бундай предикатлар ўнта: моҳият, ҳодиса, сифат, миқдор, муносабат, фазо (макон), вақт (замон), ҳолат, таъсир, кечинма.

Каузал-субстанционал таҳлилда эса Аристотель борлиқ асосида ётган сабабларни, яъни мавжуд бўлмоқнинг тўрт бош сабабини кўрсатиб берган. Ушбу сабаблардан биринчиси, Аристотель наздида, шаклдир. Бунда файласуф шакл борлиқни онгли равишда вужудлантирган (структурлаб, аниқ “бир нима”га айлантирган) ғоявий субстанция (энтелехия) эканини тушунтиради.

Борлиқ асосида ётган иккинчи сабаб эса материя бўлиб, у шакл томонидан ишлов бериладиган, структурланадиган хомашёни ифодалайди ва шу маънода у субстрат деб ҳам аталган. Аристотель таълимотида бу субстанция борлиқдаги нарсалар “нимадан” (қайси қурилиш ашёсидан) барпо этилганини, яъни барча нарсалар таркибига кирадиган мазмунни ифодалайди.

Борлиқ асосида ётувчи учинчи сабаб ҳаракат бўлиб, Аристотель фикрича, унинг манбаи Худонинг ўзидир. Ушбу сабаб моҳиятини ақлий ифодалаш учун файласуф “ҳаракатсиз абадий ҳаракатлантирувчи”, “бирламчи сабаб”, “шакллар шакли” деган тушунчаларни ҳам киритган. Маълумки, Аристотелнинг устози Платон Худо ҳақидаги тасаввурларни яққолроқ ифодалаш учун унинг фаол яратувчи жиҳатини Демиург деб, борлиқнинг илк прообразлари, яъни руҳий суратларини ўзида жо этган жиҳатини эса Фатургос деб атаган. Ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган вужудиюн — пантеизм таълимотида (Киндий, Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқалар) уни вужуди мумкиндан (борлиқнинг имконий вужудидан) фарқлантириб, вужуди вожиб (борлиқнинг зарурий вужуди) деб, тасаввуф таълимотида эса (Ибн ал-Арабий, Муҳаммад Ғаззолий, Азизиддин Насафий ва бошқалар) уни Ваҳдат ул-вужуд, шунингдек, Худо, Биринчи сабаб деб ҳам юритилган.

Юқоридаги атамаларнинг ҳаммасини биргина Худо тушунчаси билан алмаштириш мумкин. Лекин борлиқнинг ягона Сабабчиси мавжудлиги ғоясини аниқроқ ифодалаш учун янгидан-янги истилоҳлар истеъмолга киритилаверган. Хусусан, неоплатонизм оқимида Худо ўрнида Ягона, Гегель таълимотида эса Абсолют ёки Абсолют Руҳ тушунчалари истифода этилган.

Хуллас, антик давр метафизиклари ва уларнинг кейинги издошлари қарашларига, шунингдек, аксарият диний, фалсафий таълимотларга кўра, Худо ўзи ҳаракатланмай туриб “ҳеч нимадан” борлиқни яратган азалӣ ва абадий моҳиятдир. Шу боис ҳам метафизика доим борлиқнинг ўзгарувчан томонлари эмас, барқарор жиҳатлари, яъни моҳиятига эътибор қаратишга интилиб келган.

Мутафаккир шоир Алишер Навоӣ ҳам “Лайли ва Мажнун” достонининг ҳамд қисмида борлиқнинг йўқликдан келиб чиқишини нафис туйғу ва буюк ҳикмат тажассуми бўлган қуйидаги сатрларда ёритиб берган:

*Ул дамки, йўқ эрди буду нобуд,  
Маъдум эрди эмде ҳар не мавжуд.  
Аввалги насими офариниш  
Ким қилди вужуд сори жунбиш.  
Инсоф ила ҳар киши солур кўз,  
Англар сўз эдию, мунда йўқ сўз.*

Достоннинг насрий баёнини яратган Амин Умарий ва Хусайнзода мазкур мисралар мазмунини қуйидагича ифодалаган: “Ҳозир мавжуд бўлган нарсалар, олам, ҳатто борлиқ ва йўқлик ҳақида тасаввур бўлмаган бир пайтда дастлабки яратилиш шабадаси вужуд томон кўзғалди. Инсоф билан назар ташлаган ҳар бир киши бунинг англари эди-ю, лекин сўзнинг ўзи йўқ эди” (*Алишер Навоӣ. Лайли ва Мажнун. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 3-бет*).

Қизиғи шундаки, ҳозирги замон фани ҳам коинотнинг келиб чиқиш сабабларини ёритаркан, зикр этилган ғояларга тобора яқинлашмоқда. Масалан, рус физиги, академик Г.Шипов А.Эйнштейн орзу қилган “ягона майдон” назариясини яратиш йўлида изланишлар олиб бориб, 1988 йили “Физик вакуум назарияси”ни эълон қилди. Унга кўра, майдоннинг ҳар қандай шакли (гравитация, электромагнит, кучли ва кучсиз субатом майдонлари) даставвал физик вакуумда — ҳеч қандай элементар заррача мавжуд бўлмаган бўшлиқда, яъни антик метафизика йўқлик деб атаган манбада торсион (спинар — гирдосимон) ҳаракат натижаси сифатида вужудга келади.

Умуман, ҳозирги физика фани материянинг энг майда заррачалари физик вакуумдаги майдон қувватининг натижаси ўлароқ, яна ҳам аниқроқ айтсак, мазкур қувватнинг зичлашиб, сингулар нуқта, яъни тугунлар ҳосил қилиши туфайли пайдо бўлади, деган хулосага келмоқда. Бу аслида  $E = m \cdot c^2$  формуласида ифода топган қувват билан материя эквивалентлиги ҳақидаги А.Эйнштейн кашфиётининг яна бир илмий тасдиғи бўлиб, бу кашфиёт борлиқнинг номоддий соф қувватдан пайдо бўлгани ҳақидаги энергетизм оқимига ҳам асос солди.

Эндиликда физик олимлар вакуумдан бошланган ҳаракат шакллариининг матема-

тик тенгламаю формулаларда ифодаланган илмий назарияларини илгари сурмоқда. Ушбу концепцияларга кўра, олам келиб чиқишининг етти иерархик даражаси мавжуд: 1) мутлақ “ҳеч нима” (илк борлиқ, монада, энергия); 2) энергиянинг торсион — гирдобсимон ҳаракати; 3) физик вакуум ёки эфир; 4) плазма (нур ва фотонлар); 5) газ (антик фалсафадаги “ҳаво” унсурига тўғри келади); 6) суюқлик (антик фалсафадаги “сув” унсурига мос тушади); 7) қаттиқ жисмлар (антик фалсафадаги “тупроқ” унсури ёки маъданларга мувофиқ келади).

Дарвоқе, Аристотель борлиқ вужудга келишининг тўртинчи сабаби, яъни мақсадни ҳам ёритиб берган. У бу ҳақдаги таълимоти “телеология” (юнонча “телеос” — мақсад, “логос” — таълимот дегани) номи билан атаган. Аристотель фикрича, ушбу сабаб ҳар қандай нарса мавжуд бўлиши ва тараққий топиши учун имманент, яъни уларнинг ўзига жо этилгандир. Демак, нарсаларнинг моҳиятида мақсадга мувофиқлик мавжуд. Шу маънода, борлиқ азалдан уйғун ва қонуният асосида шакллантирилган.

Айни шундай ғоя бутун қадимги Шарқ ва Ғарб фалсафасига, қолаверса, кейинги пантеистик таълимотларга ҳам хос бўлган. Бунини Марказий Осиё файласуфлари, айниқса, Абу Наср Форобий қарашларида, ислом дини заминида юзага келган тасаввуф таълимоти, чунончи, Ибн ал-Арабий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Азизиддин Насафий каби вакиллари таълимотида кўрамыз.

Ҳозирги давр фани ва фалсафасида ҳам шунга яқин концепциялар илгари сурилаётгани диққатга сазовор. Масалан, Кембриж университети файласуфи Стивен Мейер “Борлиқ яратилиши назарияси” бўлиши мумкинми?” номли мақоласида фан тараққиёти ана шундай хулосага олиб келаётгани ҳақида ёзади. Унинг қайд этишича, кейинги ўттиз йил ичида илмий ва фалсафий доираларда олам яратилишининг илк оқилона режаси мавжуд бўлган, деган қараш кенг ёйилмоқда. Кўпчилик олимлар Худо ғоясини изоҳлашни истамагани учун бу тушунча-

ни ишлатмаган ҳолда ҳаётий жараёнларда онгли мақсадга мувофиқлик мавжудлигини тан олади, бошқалари эса бу жараёнларни тушунишда очиқ-ойдин дунёвийликдан воз кечиб, Худонинг онгли иродасини тан олиш йўлидан боради. С.Мейер бундай олимлар қаторида астроном Жорж Гринштейн, биолог Тимоти Лениор ва бошқаларни тилга олган, улардан иқтибослар келтирган (<http://christianbooks.hotmail.ru>).

Шундай қилиб, фандаги бу янги тамойил борлиқнинг яралиши ва шаклланиши юзасидан антик ва ундан кейинги давр метафизикасида, айниқса, Аристотель таълимотида илгари сурилган кўпгина ғоялар тўғри эканини тасдиқламоқда. Боз устига, бир-бир ярим аср олдин ноортодоксал ҳисобланган мазкур илмий ғоялар бугун ҳамма тан олган илмий назарияга айланаётир. Лекин бунга қадар онтология муаммоларини тушунишда метафизика билан фан орасида жиддий қутбланиш, муросасиз зиддият қарор топгани маълум. Бу ҳол, дастлаб, асл фалсафанинг яхлит мазмунида парчаланиш рўй бериши оқибатида рўй берган эди. Бунда аввал фалсафанинг эзотерик (нақлий-мистик) ва экзотерик (ақлий-мантиқий) қатламлари бир-биридан ажралди ва бора-бора фалсафа дейилганда унинг рационал мазмунигина тушуниладиган бўлди. Мазкур ҳодиса мифдан логосга ўтиш ёки фалсафанинг рационаллашуви деб аталади. Бу жараён кейинчалик фалсафа ўзининг асоси — интуитив-мистик мағзи бўлган хусусий ва умумий метафизикадан (теология ва онтологиядан) аста-секин узоклашиши, бегоналашишига олиб келди.

Ғарб фалсафаси мазмунидан том маънода онтологиянинг йўқолиши Кант ва Гегелдан кейин — XIX аср ўрталарига келиб, фалсафада ақлий қатламнинг эзотерик асос — умумий метафизикадан ажралиб, мустақил ривожланиши муносабати билан яққол намоён бўлди.

Кейинги жараён эса фан тармоқлари эндиликда рационал фалсафадан ажралиб, мустақил ривож топишига замин яратди. Бу ажралиш позитивизм таълимотида, ил-

мий тажриба ва далил-исботга таянадиган ижобий билим, яъни фан шаклланганидан сўнг, фақат кузатиш ва мушоҳадага таянадиган фалсафага эҳтиёж қолмади, деган хулосага асосланади. Чиндан ҳам, илмий билим далил ва исботга таянгани учун бир қадар ишончли. Рационал фалсафа эса мантикий мушоҳада, нари борса, диалектик тафаккурга таянади, холос. Шу маънода, фанларнинг назарий тараққий этиши, айниқса, улар тобора кўпроқ синтезлашиши ва интеграциялашиши бундай фалсафага эҳтиёж янада камайишига олиб келди. Бунинг оқибати ўлароқ, фалсафанинг фанга айланиш жараёни бошланди. Фалсафада онтологик масалалар ўрнига эпистемологик, яъни борлиқни илмий билиш муаммолари муҳим аҳамият касб эта бошлади. Бошқача қилиб айтганда, энди борлиқ муаммолари ҳам эпистемологик тор доирада ечиладиган бўлиб қолди. Фан тараққиётининг кейинги босқичларида эса онтология муаммолари қарийб назардан соқит этилиб, бутун эътибор илмий билиш масалаларига қаратилди.

Шу тариқа фалсафа, жумладан, борлиқ ҳақидаги таълимот — онтология ҳам Аристотель тавсиф этган асл моҳияти, туб ҳақиқатидан узоклашиб, тобора юзаки, тор ва бирёқлама қиёфага эга бўлиб ёки илмий билим шаклига, фаннинг муайян соҳасига (жамият фалсафаси, санъат фалсафаси, сиёсат фалсафаси, табиат фалсафаси, инсон фалсафаси, қадриятлар фалсафаси, иқтисодиёт фалсафаси ва ҳоказо) қўшилиб кета бошлади. Оқибатда машҳур ривоятда айтилганидек, филнинг думини — арқон, оёқларини — устун, хартумини — илон, қорнини — сув тўла меш деб талқин этган кўрлар хулосаси каби янглиш илмий, рационал концепциялар вужудга келди. Улар орасида энг машҳурлари материя бирламчими ёки руҳ (ғоями), деган масалага жавобдан келиб чиққан материализм ва идеализм бўлди. Ваҳоланки, асл фалсафа, яъни метафизикада бундай бирёқламаликка ўрин йўқ эди. Зеро, энг янги илмий концепцияларга асослансак, материя туб негизига кўра, номоддий руҳий субстанционал қувват, яъни энер-

гиянинг сингулар (зичлашган) ҳолати бўлса, руҳ материянинг тарқалган (сийраклашган) ҳолатидир. Руҳ мазмунига эса нафақат онгли куч-қувват, балки эзгу ҳис-туйғу ҳам киради. Шу маънода, бошқа томондан қараганда, ҳар қандай дунёқараш, жумладан, фалсафа ва фанда ҳам фақат ақлнинг, мантиқнинг кучигагина таяниш инсон қалбидаги ҳис-туйғу, виждон, меҳр-оқибат ва бошқа ноақлий маънавий жиҳатлар чеклана боришига олиб келади. Бу ҳол ҳозирги замон Ғарб жамиятида таълимнинг ноинсонпарварлашувида айниқса яққол намоён бўлаётир. Европа ва Америка қитъасининг йирик ақл соҳиблари мазкур хатарли вазиятга барҳам бериш зарурлиги ҳақида баралла бонг урмоқда. Таълимнинг ноинсонпарварлашуви эса дастлаб фалсафадан барча ноақлий, яъни ҳиссий, эстетик, интуитив жиҳатлар четлаштирилишида юз очган эди. Таассуфли жиҳати шундаки, бу ҳол бизнинг ҳозирги таълим дастурларимиз учун ҳам ёт эмас. Масалан, фалсафа факультетларида математика, физика, биология каби фанлар ўқитилгани ҳолда адабиёт ва санъатга оид дастурлар йўқ. Ваҳоланки, айнан Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн ал-Арабий, Низомий Ганжавий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби зотлар бадиий-тасаввуфий-фалсафий ижодида "... комил инсон ҳақида бутун оламга татиғулик ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини" (*Ислом Каримов. Юксак маънавият — энгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 118-бет*) ишлаб чиққанини биламиз. Европанинг машҳур мутафаккир ва шоирлари, чунончи, Данте Алигъери ва Иоганн Вольфганг Гёте ҳам Шарқ фалсафасининг нақадар буюқлигини тан олгани яхши маълум-ку?! Бу борада, айниқса, Гётенинг "Эронийлар фақат етти нафар шоирни буюк деб тан олади, бу рўйхатга кирмаганлар орасида мендан устунлари анча-мунча", дегани наҳот ёдимизда бўлмаса?!

Ота-боболаримиз қалби ва онгида, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, шарму ҳаё, ибо-иффат каби юк-

сак ахлоқий туйғу ва тушунчаларни айнан шу мутафаккирлар мероси асосида ёритадиган катта ҳажмли дарсларбоп фалсафий таълим дастурлари нима учун ҳамон ишлаб чиқилмаган? Ёки бу 2010 йил — “Баркамол авлод йили”ни кутиб турган муаммолардан биримикан?!

Ҳарқалай, чин маданиятли, асл маънавиятли инсонда юксак ақл билан бир вақтда олижаноб ҳис-туйғу, яъни маънавиятнинг ноақлий, интуитив жиҳатлари ҳам ривожланиши зарур. Акс ҳолда яккаш тафаккурнинг ўзи ривож топиши кишида, аввало, жамият, қолаверса, табиатдан бегоналашишни, бемехрликни “тарбиялаб” етиштиради. Табиатга нисбатан зўрлик экологик инқирозга олиб келгани бугун ҳеч кимга сир эмас. “Қалб экологияси” деган тушунчанинг пайдо бўлиши эса одамлар орасида меҳр-оқибат заифлашиб кетгани билан боғлиқдир.

Фалсафанинг рационаллашуви наинки ақлий қатлам ўз асос-манбаидан ажраб қолиши ҳамда маънавият ҳис-туйғулар билан вобаста мазмунидан узоқлаб кетишига, айнаи чоқда борлиқни англаш ниҳоятда чекланишига ҳам олиб келди. Ақлнинг асосий қуроли таҳлил, яъни объектни қисмларга бўлиб ўрганиш экани сабаб ҳам махсус фанлар фалсафадан ажраб чиқиб, мустақил ривожланиши тезлашди, кейинчалик фанга таянган (илмий) дунёқарашнинг имтиёзли мавқе эгаллаши ва маънавиятнинг бошқа муҳим, айниқса, гуманитар жиҳатлари назардан тушиб қолиши сабабли борлиқни мантиқий билиш ва ҳиссий қабуллаш орасидаги узвийлик бузилди. Боз устига, фан тараққиётининг классик ва ноклассик босқичларида ҳатто борлиқни яхлит ҳолда рационал билишнинг ўзи ҳам иложсиз бўлиб қолди. Чунки ҳар бир махсус фан борлиқнинг ўз предметиға оид қиррасини билиш билангина шуғулланиб келди.

Фан “нуфуз”ининг ошиши инсон онги умуман борлиқни эмас, балки унинг қисмларини ўрганишга берилиб кетишию жузъиятга ёпишиб олиб, умумиятни назардан соқит этишига сабаб бўлди. Шу тариқа асл фалсафа ўрнини ғоят чекланган ва ўзаро зид-

диятли таълимотлар ёки фан даражасига тушиб қолган юзаки илмий назариялар эгаллади. Ана шу ҳолат дунёқарашда саёзлик, бирёқламалик, жуда тор ёндашув ва зиддиятларни вужудга келтирди. Миллатлар, давлатлар, инсонлар орасидаги бугунги зиддиятлар илдизи ҳам алал-оқибатда мана шу қарама-қаршиликларга бориб тақалади.

Хуллас, рационал илмий билимлар мустақил бўлгандан кейинги давр рационалистик (илмий) фалсафасида, айниқса, идеализм ва материализмда онтология умуман қадрсизланди ва деярли назардан четда қолди. Бутун эътибор, ҳатто, умумий фалсафий билиш назариясига ҳам эмас, балки биргина илмий билиш, яъни эпистемологияга қаратиладиган бўлди. Онтология асл фалсафа асоси — пойдевори бўлгани мутлақо нутилди.

Ҳар қандай бино мустаҳкам пойдеворсиз мавжуд бўла олмагани каби ҳар қандай дунёқараш ҳам борлиқ ҳақидаги теран таълимотсиз мавжуд бўла олмаслигини вақт аниқ-равшан кўрсатиб бермоқда. XX аср Ғарб файласуфлари борлиқни билиш (гносеология), унда мақбул яшаш (ахлоқ) ва бошқа муаммоларни ечиш учун, аввало, борлиқнинг ўзи ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш зарурлигини англаб етди. Ваҳоланки, бундай тасаввурлар, одатда, рационал билим асосида эмас, интуитив, мистик, мифопозтик, нораціонал негизда шакллантирилиб келган. Дунёқарашнинг бошқа қисмлари эса борлиқнинг ўзи нима экани ҳақидаги онтологик тасаввурлар негизда шаклланган ва уларга таянган.

Ушбу ҳақиқатни англаш самараси ўлароқ, XXасрға келиб Ғарб фалсафасида онтологияни қайта тиклашга интилиш бошланди ва бу жараён муттасил кучайиб бормоқда. Мазкур ҳол дастлаб Г.Якоби (1743-1819), Н.Хартман (1882-1950), кейинроқ М.Хайдеггер (1898-1976), К.Ясперс (1883-1969) каби файласуфлар асарларида юз кўрсатди. Улар онтологиянинг инсон дунёқарашидеги пойдеворлик вазифасини нақадар тўғри тушунганини Н.Хартманнинг “Борлиқ сўралиши

мумкин бўлган охирги нарса”, деган фикридан билиш мумкин. У, инсон ҳаётда дуч келадиган барча муаммолар пировардида онтологияга бориб тақалади, деган ғояни асосли илгари сурган.

XX аср охиридан Ғарбда метафизикага қайтиш жараёни бошлангани бу ғоя қанчалик кенг кўлам касб этаётганини кўрсатади. “Европа зиёлиларининг қизиқиши яна миф ва мифологияга қаратилди, — деб ёзади бу ҳақда рус тадқиқотчиси Н.Плотников. — Зотан, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Эзотеризм ва мистика Ғарб жамияти истеъмол рўйхатига кириб келганига кўп замонлар бўлган” (*Плотников Н. Пределы и перспективы современных философских теорий мифа. “Вопросы философии”, М., 1993, № 5, стр. 188*).

Яна бир рус олими М.Карпенко эса бу жараён Шарқ маънавий қадриятларини ўрганиш асосида содир бўлаётганига ўринли эътибор қаратади: “Юз йилдан зиёдроқ вақтдан буён Шарқ маънавияти Ғарб цивилизациясини ўзига жалб этиб ва таъсир кўрсатиб келмоқда. Ғарб ўз прагматик цивилизацияси учун руҳий муқобил топиш йўлида иш олиб бораркан, бунда имкон қадар барча таълимотлар: дзэн-буддизм, веданта, даосизм, йога ва бошқаларни ўрганмоқда ва сингдириб олмоқда...” (*Карпенко М. Вселенная разумная. “Мир географии”, М., 2002, стр. 185*).

Биз бу таълимотлар қаторида тасаввуф ҳам борлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Бунга далил сифатида Қоҳира университетида суфийлик таълимотини чуқур ўрганган ва тасаввуфдан сабоқ берган француз файласуфи Р.Генон, ўттиз йилдан зиёдроқ вақтдан буён тасаввуф руҳшунослиги билан шуғулланиб, илмий изланишлари билан танилаётган, Увайсий Шохмақсудий тариқат мактабида мурид сифатида қабул қилинган АҚШлик Линн Вилкокс, тасаввуфда аёлларнинг ўрни мавзудидаги “Жонон менинг жонимда” номли китобини юртимизда ўзбек тилида нашр эттирган немис исломшунос олимаси Аннемарие Шиммел ва бошқалар номини тилга олиш мумкин.

Иккинчи томондан, фан мазмунида ҳам ноортодоксал тамойил шакллана бориши кузатилмоқда. Ушбу тамойил вакиллари XX аср фани кашфиётлари кўп замонлар олдин муқаддас китоблар ва метафизик таълимотларда баён этилган ҳақиқатларнинг тасдиғи экани ҳақидаги хулосани илгари сураётир. Масалан, квант физикаси асосчиларидан бири Э.Шредингер (1887-1961) хулосалари қадимги Шарқ метафизикаси билан уйғун эканини таъкидлаб, “Биз ҳаммамиз аслида ғарбча терминологияда Худо деб аталиши керак бўлган, Упанишадаларда эса Брахман деб номланган ягона бир вужуднинг турли жиҳатлари ёки томонларини ташкил этамиз, холос”, деган эди. Бугунги кунда Россия Табиатшуносликфанлари академиясининг академиги, Халқаро назарий ва амалий физика институти директори А.Акимов эса “Ҳозирги давр физикаси нимага эришган бўлса, булар формулаларсиз ҳинд Веда китобларида аллақачон баён этилган. Табиатни билишда аввалдан икки йўл мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Биринчиси — Ғарб усули бўлиб, исботлаш, тажриба ва ҳоказолар асосида ҳосил қилинадиган илмий билимларда ўз ифодасини топади. Иккинчиси — шарқона усул бўлиб, бунда билим эзотерик йўл билан, масалан, медитация ҳолатида ҳосил қилинади. Кейинги йўл нима сабабдандир унутилиб кетди ва шу боисдан аввалги йўл — фавқуллодда машаққатли ҳисобланган ва ҳақиқатга секин олиб борадиган Ғарб усули шаклланди. Биз минг йил мобайнида шу (кейинги) йўлдан бориб, Шарқда уч минг йил олдин маълум бўлган билимларга етиб келдик”, дейди (*Акимов А. Физика признает Сверхразум. “Чудеса и приключения”. 1996, №5, стр. 24-25*).

Шуни унутмаслик лозимки, Ғарбнинг метафизикага қайтиши, аслида, эски метафизиканинг қандай бўлса, шундайлигича такрорланиши эмас, балки фан тараққиётига асосланган янги метафизиканинг, яъни неометафизиканинг шаклланиш жараёнидир. Бу бир вақтлар ўз манбаи бўлган метафизикани тарк этиб, мустақил тараққий қилган фаннинг изланишлар чўққисиди ме-



тафизикани қайта кашф этишидир. Аммо янги метафизика ўз салафидан мутлақ фарқ қилувчи бутунлай бошқа ҳақиқат ҳам эмас. Бу ҳали фан шаклланмаган ўтмиш даврларда юқоридан (Олий Ҳақиқат манбаи — Ҳақдан, Худодан) нузул бўлган ва мажозларда ифодаланган ягона билимнинг айнаи ўзидир. Фақат бу билим ҳозир илмий билим билан илк бор юзма-юз келмоқда, ўзаро мувофиқ жиҳатларга эгаллигини кашф этмоқда. Ана шу мулоқот асносида ҳар икки ҳақиқат ҳам аслида бир ҳақиқат экани англанди. Бу ҳол, айниқса, ҳозирги фанларнинг етакчиси бўлмиш физикада яққол кўзга ташланаётир. В.Герман тўғри таъкидлаганидек, “фундаментал физикада уни моҳиятан диний ва мистик тасаввурлар билан яқинлаштирган ҳамда кўп дадил фикрларни илгари суришга имкон яратаётган сифат ўзгариши аллақачон рўй бериб бўлди.”

Ҳозирги фундаментал фанларда қадимги метафизиканинг барча асосий жиҳатлари, айниқса, Янги даврдан бошлаб йўқотилган онтологизмни яна қарор топтириш ва метафизикани бутун яхлитлиги билан янги илмий асосда қайта тиклаш истаги аниқ намоён бўлмоқда. Бу эса ҳозирги замон фалсафий тафаккурини ҳам онтологизм аънаналари сари буриб юборишни тақозо этаётир.

Бу зарурат қандай англанини Россияда, Москва давлат университетида бир эмас икки йўналишда — ҳам фалсафий (метафизик), ҳам илмий (неометафизик) онтология кафедраси очилгани ва қамровдор

фаолият юритаётганидан ҳам билиб олиш мумкин. Чет элдаги нуфузли ўқув муассасаларида эса теология ва эзотерик онтология кафедралари икки асрдан буён расман мавжуд.

Шу ўринда Миллий университетимизнинг фалсафа факультетида онтология кафедраси мавжуд эмаслиги, бошқа олий таълим даргоҳларида эса фалсафани ўқитишга жуда оз вақт берилганидан борлиқ ҳақидаги таълимот ҳатто олти соат ҳам ўтилмаслиги, бу ҳажмдаги дарсда унинг мазмунини талаба ёшларга етказиб бўлмаслигини афсус билан тан олишга мажбурмиз. Ваҳоланки, онтологик қарашлар ривожига бутун Шарқ, ва айниқса, биз яшаб турган шу заминнинг Форобий, Ибн Сино, Беруний, Жомий, Навоий ва бошқа алломалари улкан ҳисса қўшганини инобатга олиб, уни фалсафанинг янги миллий концепциясига киритиш ва умумназарий ўқув курслари дастурига кенг жорий этиш зарурати аллақачон пишиб етилган.


Хуллас, тобора шаклланиб бораётган янгича миллий дунёқарашимиз дунё фалсафий маданиятининг барча ижобий тамойилларини сингдириб олиши лозим экан, бу борада онтологизм тамойилининг ниҳоятда долзарблиги диққат марказида туриши зарур. Бугун халқимиз маънавиятидаги онтологизмга дахлдор барча қадриятларни илмий билимлар билан муқояса этиб, янги метафизик таълимотимизни шакллантириш учун ноёб имконият вужудга келдики, ўзбек файласуфлари бу борада дадил қарашлари билан чиқиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

# ERKINLIK G'UYASI TALQINIGA IKKI XIL YONDASHUV

Француз маърифатпарварларининг эркинлик ҳақидаги қарашлари

XVIII асрда Францияда абсолютизмнинг инқирозга юз тутиши, бир томондан, қирол ҳокимияти тарафдорлари — қишлоқ аҳолиси, иккинчи томондан, жамиятда туб ўзгаришлар тарафдори бўлган йирик порт шаҳарлар аҳолиси — савдо ва тадбиркорлик тузилмалари вакиллари ўртасидаги зиддиятларда яққол намоён бўлди. Бу ҳол қирол, руҳонийлар ва черков ҳокимиятининг заифлашуви ҳамда эркинлик, адолат ва тенглик ғояларини ёқлаб чиққан фуқаролик жамияти институтларининг шаклланишига замин яратди. Натижада ана шу ғояларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалиётга татбиқ этишга хизмат қиладиган таълимотлар пайдо бўлди. Маърифатпарварлик даврида бундай қарашлар дастлаб табиат, жамият ва инсон муносабатларига рационализм тамойиллари асосида ёндашган Декарт таълимотида ифодаланган бўлса, кейинчалик Д'Аламбер, Ламетри, Дидро, Гельвеций, Вольтер, Монтескье, Руссо тимсолида маърифатпарвар файласуфларнинг улкан оқими пайдо бўлди. Албатта, уларнинг ҳар бири илгари сурган қарашларни таҳлил этиш имконсиз. Шу боис эркинлик ғояси такомиллига улкан ҳисса қўшган, том маънода ҳурфикрлик тимсолига айланган Вольтер, Монтескье, Руссо каби файласуфлар таълимотларига мурожаат этамиз.

Француа Мари Аруэ — Вольтер (1694-1778) машҳур асарларидан бири — “Фалсафий мактублар”да (эътиборли жиҳати шундаки, бу асар дастлаб инглиз тилида Англияда 1733 йили, француз тилида эса 1734 йили Голлан-



дияда чоп этилган ва Францияда яширинча тарқатилган) ватанидаги феодал тартибот, диний бебошлик ва жаҳолатпарастлик муҳитини қоралайди, Англияда жорий этилган фуқаро эркинликлари, парламент фаолиятини юксак баҳолайди.

1756-69 йиллари унинг етти жилддан иборат “Умумий тарих ҳамда халқлар ахлоқи ва руҳий тажрибаси ҳақида” асари чоп этилади. Бунда муаллиф асосий эътиборни қироллар, сулолалар ва урушлар тарихига эмас, тамаддунлар ривожига, яъни урф-одат, анъана, давлат тузилиши, тафаккур тарзи ва маданий қадриятлар тақомилига қаратади. У кишилар меҳр-оқибатли ва сабр-тоқатли бўлиши кераклигини таъкидлар экан, бағрикенгликнинг мазмун-моҳиятини бундай тасвирлайди: “Ақл билан иш тутадиган барча халқлар қалбида Яратган томонидан сингдирилган умумий тасавурлар мавжуд: Яратганнинг борлиги ва адолатпешалигига ишончимиз шунда ифодаланади; сайёрамиз неча минг бор алғовдалғов даврларни бошдан кечирган бўлсада, бу тамойиллар хитойликлар учун ҳам, римликлар учун ҳам етакчи ўрин тутайди ва ҳаммиша шундай бўлиб қолади” (*Вольтер Ф. Назидательные проповеди. Философские сочинения, М., 1988, стр.250*).

Файласуф инсоннинг табиий ҳуқуқлари ҳақида фикр юритиб, уларнинг энг муҳим кўринишлари сифатида эркинлик, шахс ва мулк дахлсизлиги, виждон ва сўз эркинлигини қайд этади. Унинг таъкидлашича, “эркинликнинг мазмун-моҳияти қонунларга бўйсунушда ифодаланади”, “ўз мулкни эркин тасарруф этиш инсоннинг куч-қувватини оширади”, “мулксизлар учун унинг ўрнини эркинлик эгаллайди: улар ўз меҳнатини яхши ҳақ тўлайдиганларга эркин сотиш имкониятига эга бўлади” (*Общественно-политическая мысль европейского Просвещения. М., “Университет”, 2002, стр 125*). “Инглизлар — қироллик ҳокимиятини чеклашга эришган, жамиятда адолатли бошқарувни жорий этишга муваффақ бўлган ягона миллатдир; бунда эзгу ишларга қўл урадиган ҳукмдор қудратли бўлса, ёвуз-

ликни кўзлаганнинг қўли боғлиқ, бу ерда амалдорларнинг обрў-эътибори баланд, халқ эса бошқарувда ғалаёнларсиз фаол иштирок этади”, деб ёзади Вольтер (*Европейская философия от эпохи Возрождения по эпоху Просвещения. В четырёх томах, т.2, М., 1970, стр. 104*).

Вольтер фикрича, диний мурасасизлик зулм ва жаҳолатпарастликка олиб келади. Чунки жоҳиллар ўз хоҳиш-истагидан ташқари на қонунни, на бошқалар фикрини назарга илади. Аллома диний мурасасизликни кишилар ўртасига нифоқ солаётган, черковнинг чок-чокидан ситилишига сабаб бўлаётган, одамларнинг эркин фикрлаши ва саъй-ҳаракатига тўсқинлик қилаётган мазҳабларнинг бузғунчи фаолияти билан боғлайди. Файласуфнинг “бидъат ва хурофотга тўла даврлар энг даҳшатли жиноятлар даври бўлган эди”, “жамиятда хурофотга берилган одамларни қўшин сафидаги кўрқоқларга қиёслаш мумкин: улар нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам ваҳимага солади”, “нима сабабдан уларнинг нуқтаи назарини қабул қилмаган ҳурфикрли кишиларни қилчидан ўтказган ўтмиш золимлари, бидъат ва ақидапарастлик асосчиларига қарши чиқиш мумкин эмас экан”, “зулмнинг инсон табиатини таҳқирловчи, ақлга зид ва ўта зарарли шакли бу — мутаассиблар зулмидир” (*Великие мысли великих людей. В трёх томах, т.2, М., 2004, стр. 125-127*) каби фикрлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Негаки, улар ҳозирги вақтда дунёнинг турли бурчакларида одамлар қалбига ғулғула солиб, жамият ва давлатларни пароканда этишга, уларнинг тинч-осуда ҳаёти, эркинлиги ҳамда хавфсизлигига раҳна солишга уринаётган турли ақидапараст гуруҳ ва мазҳаблар фаолиятига мос келади.

Вольтер қарашларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у европацентризм ғоялари авж олган ўша замонларда бу ғоядан воз кечиб, халқлар ва маданиятлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик



Вольтер

ришталарини мустаҳкамлаш, нафақат Фарб, балки Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини холисона ўрганиш лозимлигини уқтириб келган.

Умуман олганда, Вольтернинг дунёвий давлат барпо этиш, халқ ҳоқимиятини мустаҳкамлаш, кишиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенглигини таъминлаш, инсонлар ва халқларнинг табиий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурматлаш, хурофот ва ақидапарастликка қарши изчил курашиш лозимлиги ҳақидаги ғоялари демократия назариясининг шаклланиши, эркин ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилишига хизмат қилади.

Вольтернинг замондоши — буюк маърифатпарвар, тарихчи, ҳуқуқшунос ва адиб Шарль Луи Монтескье (1689-1755) “Римликларнинг юксалиш ва таназзули сабаблари ҳақида мулоҳазалар” ва “Қонунлар руҳи ҳақида” асарларида жамият ва давлат бошқарувининг яхлит назариясини ишлаб чиққан. Мазкур асарларида у эркинлик, айниқса, сиёсий эркинлик масаласининг ўзига хос концепциясини илгари сурган.

Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари дастлабки асарларидан бири — “Форс мактублари”даёқ намоён бўлган. Асар сюжети оддий: Европа бўйлаб сафар қилаётган форс йигити кўрган-кечирганларини мактублар орқали ватанига етказди. Унда феодал жамиятнинг иллатлари, бошқарув шакллари, руҳоний ва зодагонларнинг зулми, очкўзлиги, аёлларнинг ночор аҳволи баён этилади. Мактубларнинг бирида ҳукмдор ва фуқаро ўртасидаги муносабат қуйидагича тасвирланади: “Мабодо ҳукмдор ўз фуқароларини бахтли қилиш мақсадидан йироқ бўлса, уларнинг эркинлигини бўғиб, зулм ўтказса, фуқаролар унга бўйин эгишдан бош тортади ва эркинликларини қайтариб олишга интилади”.

Эътиборли жиҳати, Монтескье бу асирида тарихий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганишда табиий фанлар услубларини қўллашга ҳаракат қилган. Унинг таъкидлашича, ижтимоий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар табиий қонуниятлар билан

белгиланади. Шу боис давлат тузилишидаги тафовутларнинг сабабларини аниқлаш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари ўртасидаги боғлиқликни тушунтириб бериш учун ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини кашф этиш лозим.

Мутафаккирнинг “Қонунлар руҳи ҳақида” асарида қонунларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, давлат бошқаруви шакллари ва уларнинг эркинлик билан боғлиқлиги масаласи махсус тадқиқ этилган. Хусусан, қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида у бундай деб ёзади: “Қонунлар нарсалар табиатидан келиб чиқадиган зарурий муносабатлардир. Шу жиҳатдан, мавжуд нарсаларнинг барчаси ўз қонуниятларига эга: у Яратганнинг ҳузурида ҳам, моддий оламда ҳам, илоҳий онда ҳам, ҳайвонот ва инсонлар дунёсида ҳам мавжуд. Шундай экан, оламда биз кўриб турган воқеа-ҳодисаларни тақдирга ёки тасодифга йўйиш хомхаёлдир. Чунки онгли мавжудот тақдир туфайли ёки тасодифан вужудга келган, деб ҳисоблаш бемаънилиқдан ўзга нарса эмас” (*Монтескье Ш. О духе законов. Избр. произв., М., “Госполитиздат”, 1955, стр. 159-162*).

Агломанинг таъкидлашича, қонун — дунёдаги барча халқлар ҳаётини бошқарадиган инсон онги маҳсули, ҳар бир давлатнинг сиёсий ва фуқаролик қонунлари эса ана шу умумий қонуниятнинг хусусий шакллари дир. Қонунлар мамлакат жуғрофияси, иқлими, ҳудудининг катта-кичиклиги, ерининг унумдорлиги, халқининг турмуш тарзи, эркинлик даражаси, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини эътиборга олиши шарт. Айнан шунинг учун бир давлатнинг қонунлари камдан-кам ҳоллардагина бошқа мамлакат қонунларига мос келади.

Монтескье қонунларни икки турга бўлади: табиий ва позитив (ижобий). Унинг фикрича, инсоният ижтимоий ҳаёт ҳали шаклланмаган даврда жисмоний мавжудот сифатида табиат қонунларига бўйсуниб яшаб келган. Инсон билим доирасининг кенгайиши, тенгсизликнинг ортиб бориши билан табиатдан ажралиб чиқиб, ижтимоий мавжудот даражасига кўтарилган. Шу тариқа, жамиятда табиий

қонунлар ўрнини инсонлараро муносабатларни тартибга солувчи қонунлар эгаллайди. Мутафаккирнинг фикрича, бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш учун сиёсий ҳокимият, бошқарув тизимини шакллантириш даркор. Файласуф “Қонунлар руҳи ҳақида” асарида давлат бошқарувининг уч шакли: республика, монархия ва деспотияга тўхталиб, ҳар бирининг мазмун-моҳияти, ўзига хос жиҳатлари, ахлоқий хусусиятларини таҳлил этади. Масалан, унинг фикрича, эзгулик ҳокимиятнинг республика, ор-номус — монархия, кўрқув эса деспотия шаклига хосдир (*ўша манба, 186-бет*).

Монтескье мазкур бошқарув шакллариининг ҳар бири емирилишга маҳкумлиги ҳақида тўхталиб, бунинг сабабларини ғоят қизиқарли изоҳлайди. Дейлик, “демократия тамойили тенглик руҳи заифлашгандагина эмас, ҳар бир фуқаро ўзи танлаган етакчига тенгман, деб даъво қилганда, яъни чексиз тенглик қарор топганда емирилади... Зеро, ер билан осмон бир-биридан қанчалик узоқ бўлса, чинакам тенглик ҳам чексиз тенгликдан шунчалик йироқ... Аслида эзгулик ҳаммаша эркинлик билан ёнма-ён юради, аммо эзгулик қуллик шароитида мавжуд бўлмагани сингари, чексиз эркинлик шароитида ҳам яшай олмайди” (*ўша манба, 186-187 бетлар*).

Эркинлик ғоясига йўғрилган мазкур асарда аллома сиёсий эркинлик масаласига алоҳида тўхталиб, унинг мазмун-моҳияти, эркинликдан фойдаланиш йўл-йўриқларини таҳлил этади. Унга кўра, “бир тоифа эркинликни ўзлари ҳокимият тепасига олиб келган ҳукмдорни осонлик билан тахтдан ағдариш, иккинчи тоифа ўзлари сайлаган ҳукмдорга итоат этиш, учинчи тоифа кўрол олиб юриш ва зўравонлик қилиш, тўртинчи тоифа эса ўз миллатига мансуб бўлган ҳукмдорга бўйсунмиш воситаси деб тушунади. Аммо сиёсий эркинлик хоҳлаган ишини қилиш мумкин дегани эмас. Эркинлик қонунга итоат этишдир. Агарда фуқаро қонун тақиқлаган ишни қилмоқчи бўлса, эркин бўла олмайди. Чунки бошқалар ҳам худди шу ишни қилишлари мумкин” (*ўша манба, 288-289 бетлар*).

Монтескьенинг фикрича, қонунлар эркинликни чекламайди, аксинча, ҳар бир фуқаронинг эркинлигини таъминлашга хизмат қилади.

Монтескье сиёсий эркинликнинг давлат тузилиши ва фуқарога муносабати ҳақида фикр юритиб, ана шу икки жиҳатнинг ўзаро уйғунлигига эришмасдан чинакам эркинликни тасаввур этиш мумкин эмас, негаки, эркин тузумда фуқаро эркин бўлмаслиги ва аксинча, фуқаро эркин бўлса, сиёсий тузум эркин бўлмаслиги мумкин, дейди. Аллома фикрича, ҳар бир давлатда ҳокимият қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлиниши ва улар ўртасида ўзаро мувозанат ўрнатиш орқалигина фуқароларнинг сиёсий эркинлигини таъминлаш мумкин.

Монтескье таълимотига кўра, эркинликнинг бевосита шахсга алоқадор жиҳати унинг хавфсизлиги билан боғлиқ. Ҳар бир фуқаро бундай эркинликдан баҳраманд бўлиши учун ҳокимият унинг хавфсизлигини таъминламоғи даркор. Қонунчилик ва ижроия ҳокимияти бир шахс ёки муайян тузилма кўлида жамланган тақдирда эркинликка эришиб бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳукмдорнинг эркинликни бўғадиган қонунлар қабул қилиш ва уларга риоя этишга мажбурлаш эҳтимоли кучаяди. Суд ҳокимияти қонунчилик ва ижроия ҳокимиятидан ажратилмаган ҳолларда ҳам эркинлик чекланади. Зеро, судья қонунчига айланиб қоладиган бўлса, фуқароларнинг ҳаёти ва эркинлигига тажовуз кучайиши муқаррар.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий конституциявий тузум негизлари, ҳуқуқий давлат тамойиллари, эркинлик концепцияси буюк француз мутафаккирининг таълимотидан озиқланганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Буюк маърифатпарвар файласуф ва адиб Жан-Жак Руссонинг (1712-78) 1750 йил “Одамлар ўртасида тенгсизликнинг



Шарль Луи Монтескье



Жан-Жак Руссо

келиб чиқиши ва асослари ҳақидаги мулоҳазалар”, 1755 йил “Эмиль ёхуд тарбия ҳақида”, 1762 йил “Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ таъминлари” асарларининг нашр этилиши унга шуҳрат келтирди, бироқ уларда илгари

сурилган ғоялар кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Францияда “Эмиль” ва “Ижтимоий шартнома” рисолалари таъқиланиб, ёқиб юборилди, файласуфнинг ўзи эса мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди.

Файласуф асарларига нисбатан бундай муносабат сабаби, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, жумладан, эркинлик концепциясининг демократик руҳи ўша давр расмий сиёсатига кўп жиҳатдан зид бўлиши билан бирга маърифатпарварлик бағрида шаклланган ҳамда Монтеスキё, Вольтер ва бошқа файласуфлар ривожлантирган либерал йўналиш доирасида илгари сурилган ғоялардан ҳам фарқ қилар эди. Масалан, либерал йўналиш вакиллари жамият ва бошқарув шакллари индивидуал шахс билан боғлаган бўлса, демократик анъана вакиллари, жумладан, Руссо жамоавий суверен жамиятни етакчи омил деб ҳисоблаган. Либерал йўналиш вакиллари шахснинг ҳуқуқлари, эркинлиги, фуқаролик тенглиги, мулк дахлсизлигини жамият ва давлат тараққиётининг олий қадриятлари деб ҳисобласа, демократик йўналиш вакиллари халқ, миллат, жамоавий суверен ҳуқуқларини табиий ҳуқуқлар сирасига киритган ва умуммиллий манфаатларни фуқаролар шахсий манфаатларидан устувор деб эътироф этган. Бу икки йўналиш вакиллари хусусий мулк масаласига турлича ёндашуви Руссонинг қуйидаги мулоҳазасида яққол намоён бўлади. У “Одамлар ўртасида тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари ҳақидаги мулоҳазалар” асарида мулкнинг пайдо бўлиши турли бало-қазоларга, кишилар ўртасида тенгсизлик юзага келишига сабаб бўлганини таъ-

кидлаб, бу ҳолни шундай изоҳлайди: “Бу — меники” дея бир парча ерни ажратиб, ўраб олган ҳамда содда кишиларни бунга ишонтиришга муваффақ бўлган биринчи одам фуқаролик жамиятининг чинакам асосчиси эди. Аммо “Бу бетавфиққа қулоқ тутманг! Зеро, ернинг маҳсули барчага тегишли эканини, ернинг ўзи эса ҳеч кимники эмаслигини унутсангиз, умрингиз хазон бўлади”, дея қозиқларни юлиб ташлаган киши одамзодни қанчадан-қанча жиноятлар, уруш ва қотилликлар, фалокат ва даҳшатлардан халос этган бўларди” (*Европейская философия от эпохи Возрождения по эпоху Просвещения. Т.2, стр. 68*). Файласуфнинг фикрича, бу тенгсизликнинг илк босқичи бўлса, ҳукуматнинг пайдо бўлиши (яъни бошқарувчилар ва тобелар ўртасидаги тенгсизлик) иккинчи, ҳокимиятнинг чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлиши учинчи босқичини ташкил этади.

Руссо назарида, эркин ва адолатли жамият куч воситасида эмас, барча фуқароларнинг хоҳиш-иродасини мужассам этган ижтимоий шартнома негизида шакллантирилмоғи лозим. “Бирорта ҳам одам, — деб ёзади Руссо, — ўзига ўхшаганлар устидан ҳукмронлик қилиш учун табиий ҳокимиятга ва ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмагани сабабли фақат келишув кишилар ўртасидаги ҳақиқий қонуний ҳокимиятнинг асоси бўлиши мумкин” (*ўша манба, 7-бет*). Ҳар бир фуқаро барча ҳуқуқларини жамоавий суверенга (яъни барча фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи тузилма, у республика ёки сиёсий тизим шаклида намоён бўлиши мумкин — **Б.3.**) топширади ва эвазига жамиятнинг барча аъзолари билан тенг ҳуқуқ ва шарт-шароитга эга бўлади.

Руссо бошқа маърифатпарварлардан фарқли ўлароқ, эркинлик масаласини “ҳуқуқ” тушунчаси билан боғлиқ ҳолда талқин этади. Файласуф “аслида, инсон эркин бўлиб туғилса-да, ҳар жиҳатдан кишанбанд этилган”ини таъкидлаб, эркинликнинг сабабларини излайди ва халқ суверенитети, қонун ва ҳокимиятларнинг бўлиниши шахс эркинлигини таъминлашнинг чинакам

кафолати бўлиши мумкин, деб фикр юри-тади. Масалан, қонуннинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида бундай ёзади: “Барчага манфаат келтирадиган ҳар қандай қонунчилик тизимининг мақсади нимадан иборат деган масала икки олий неъмат: эркинлик ва тенглик тамойилларига таянади”. Руссонинг фикрича, фуқаролик жамиятида инсоннинг эркинлиги унинг жамоавий суверен фаолиятида, яъни қонун қабул қилиш жараёнидаги иштирокида ва бу қонунларга қатъий риоя этишида намоён бўлади.

Руссо ижтимоий-сиёсий қарашларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у давлат бошқарувининг конституцион монархия шаклини ёқлаб чиққан Вольтер, Монтескье каби файласуфлардан фарқли ўлароқ, халқ суверенитети, халқ ҳокимияти ғоясини илгари суради ва бошқарувнинг республика шакли афзалликларини асослашга интилади. Унингча, фуқаронинг эркин иродасини ифода этган, ижтимоий шартнома асосида шакллантирилган жамоавий суверен ва унинг ҳар бир аъзоси бошқарувда иштирок этиб, ҳокимият фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади. Бугунги ибора билан айтганда, у бевосита демократия тарафдори бўлган.

Руссо эркинлик ғоясининг нафақат ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маъно-моҳияти, балки унинг инсон маънавияти билан боғлиқ жиҳатларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. “Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ тамойиллари” асарида бундай ёзади: “Эркинликдан воз кечиш — инсоний қадр-қиймати, ҳуқуқ ва мажбуриятларидан воз кечиш демақдир. Бу бебаҳо неъматнинг ўрнини бошқа нарса билан қоплашнинг имкони йўқ. Эркинликдан воз кечиш инсон табиатида зиддир; бу маънавий қадриятлардан юз ўгириш билан баробар”.

Назаримизда, буюк мутафаккирнинг бу хулосаси, биринчидан, адолатли демократик жамият қуриш жараёнида эркинлик ғоясини юксак маънавий қадрият сифатида эътироф этиш, бу икки тушунчанинг ўзаро муштараклигини таъминлаш қанчалик муҳим эканини кўрсатади, иккинчидан, эр-

кинликни тор, бирёқлама тушуниш ёки Руссо таъбири билан айтганда, “одам хоҳлаган ишини қилиши” деб талқин этишлардан огоҳ этади.

Руссонинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, унинг маърифатпарварлик руҳига йўғрилган ғоялари 1789 йилда қабул қилинган “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси”да ўз ифодасини топган, инсоннинг табиий ҳолатдан фуқаролик ҳолатига ўтиши, ижтимоий суверен орқали давлат ишларини идора этишдаги иштироки, эркинликнинг қонун ва ҳуқуқ билан ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги таълимот ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожига бевосита таъсир этган, чунончи, либерализм назарияси шаклланишига улкан ҳисса қўшган немис мумтоз фалсафаси намояндалари Кант, Шеллинг ва Гегель томонидан ривожлантирилган ва бойитилган эди.

### Немис мумтоз фалсафасида эркинлик ва зарурат диалектикаси

Немис мумтоз фалсафаси асосчиси Иммануил Кант (1724-1804) фикрича, эркинлик субъекти — олий ҳиссий оламга мансуб бўлгани сабабли, эркинлик соф тафаккур маҳсулидир. Аллома “Ахлоқ метафизикаси асослари” асарида бу ҳақда шундай деб ёзади: “Эркинлик тушунчаси соф онг маҳсули бўлгани боис назарий фалсафага монанддир, яъни тажрибадан олинган бирорта ҳам мисол унга мос келмайди; айнан шу туфайли у биз учун назарий билиш предмети эмас, шунчаки регулятив принцип, яъни спекулятив онгнинг негатив принципи сифатида аҳамият касб этади; шу билан бирга, онгнинг амалиётда қўлланишида ҳам ҳеч қандай эмпирик шарт-шароитга қарамай, амалий асосга таянган ва соф ақлнинг сабабиятга дахлдорлигини намоён этган ҳолда, ахлоқий тушунча ва қонунларга асос бўладиган соф ироданинг, эркинликнинг мавжудлигини исботлаш мумкин. Ахлоқий деб



Иммануил Кант

аталадиган қонунлар эркинликнинг амалий жихатдан ижобий моҳият касб этадиган ана шу тушунчасига таянади” (*Кант И. Метафизика нравов, в двух частях, Немецкая классическая философия. т.1. Право и свобода, М., “Эксмопресс”, Харьков, “Фолио”, 2000, стр. 28*).

Кант олдинги давр файласуфлари, жумладан, Спиноза, Лейбницдан фарқи ўлароқ, оламдаги барча ҳодиса-жараёнлар зарурат ва детерминизм тамойилига бўйсунганини таъкидлаб, бу ҳол инсоннинг эркин бўлишига даҳл қилмайди, деб ҳисоблайди. У эркин фаолият юритаётган ва заруратга бўйсуниб ҳаракат қилаётган кишилар бир-биридан мутлақо фарқ қилишини уқтиради. Агар биринчиси фақат соф ақл воситасида англанадиган олий ҳиссий оламга мансуб бўлса, иккинчиси, ҳодисалар, чек-чегарасиз зарурат оламига даҳлдордир.

Кант эркинлик концепциясининг муҳим жихати шундаки, унда эркинлик тушунчаси ҳуқуқ ва ахлоқ билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этилади. “Умумий қонуниятга кўра, — деб ёзди у, — бошқа кишиларнинг эркинлиги билан қиёсланиши мумкин бўлган эркинлик (яъни ўзгаларнинг мажбурловчи хатти-ҳаракатидан холи бўлиш) ҳар бир инсоннинг дастлабки ягона ҳуқуқидир” (*ўша манба, 45-бет*).

У бошқа бир ўринда “ҳуқуқ” тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Ҳуқуқ эркинликнинг умумий қонуни нуқтаи назаридан бир шахснинг хатти-ҳаракатини иккинчи шахснинг хатти-ҳаракати билан таққослаш имкониятини берадиган шарт-шароит мажмуидир” (*ўша манба, 38-бет*).

Кантнинг ҳуқуқий таълимоти замирига ироданинг мустақиллиги ҳақидаги ғоя сингдирилган. Фуқаролик эркинлиги ана шу ғоядан келиб чиқади. Файласуф унинг мазмунини бундай изоҳлайди: ҳар бир инсон ўзининг розилиги билан қабул қилинган қонунлардан бошқасига итоат этмасликка ҳақлидир. Либерализмнинг сиёсий фалсафасига мос келадиган ушбу ёндашув нуқтаи назаридан, жамият бошқарувининг идеал тузилиши деганда мустақил, эркин фаолият юритувчи индивидларни ёхуд ҳар бири ўз

эркини сақлаб қолган ҳолда муайян уюшмага бирлашадиган (Кант назарида, бу давлат бошқарувининг республика шакли) кишиларни англамоқ керак. Алломанинг фикрича, маърифатли ҳукмдор бошқарадиган ана шундай республикадагина фуқаро эркинлиги таъминланиши мумкин.

Файласуфнинг эркинлик концепцияси мураккаб, мавҳум категорияларга йўғрилган ҳамда ўта зиддиятли. Кант, бир томондан, давлат бошқарувининг энг мукамал шаклини маърифатли ҳукмдорга боғласа, иккинчи томондан, “ҳокимият кишилар кўлида эмас, қонун измида бўлган тузумгина энг мукамалдир”, дейди. У француз маърифатпарварлари, айниқса, Руссо ғояларидан руҳланиб, халқ ҳокимиятнинг ягона манбаи, уни тасарруф этишда суверен ҳуқуққа эга эканини тан олган ҳолда аҳолининг айрим тоифаси, масалан, ҳунармандлар, мардикорлар, деҳқонлар ва аёллар сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилмоғи керак деб ҳисоблайди.

Кантнинг издоши Фердинанд Вильгельм Шеллинг (1775-1854) унинг ғояларини ривожлантириб, эркинликнинг ўзига хос фалсафий концепциясини илгари суради. Шеллинг қарашларининг шаклланишида Кант ва Фихте сингари файласуфлардан ташқари, немис романтизмнинг буюк намояндалари Гёте, Шиллер, романтикларнинг Вена тўғараги вакиллари таъсири ҳам кучли бўлган.

Немис мумтоз фалсафаси вакиллари Кант, Фихте, Гегель, немис маърифатпарварлиги намояндалари Гердер, Лессинг сингари мутафаккирлар кўплаб асарларида эркинлик масаласининг мазмун-моҳияти, унинг зарурат, ирода, ҳуқуқ категориялари билан диалектик боғлиқлиги ҳақида фикр юритган бўлса, фақат Шеллинг эркинлик фалсафасига доир махсус асар — “Инсон эркинлиги ва у билан боғлиқ предметларнинг моҳияти ҳақидаги фалсафий тадқиқот”ни (1809) ёзиб қолдирган. Файласуф асар муқаддимасидаёқ кўзлаган мақсадини қуйидагича баён этади: “Назаримда, фалсафанинг теран маъно-моҳиятини англашга



хизмат қиладиган олий, аниқроғи, ҳақиқий қарама-қаршилик — зарурат ва эркинлик ўртасидаги зиддиятга аниқлик киритишга фурсат етди” (Шеллинг Ф. *Философские исследования о сущности человеческой свободы и связанных с ней предметах. Немецкая классическая философия. т.1. Право и свобода, стр. 669*). Алломанинг таъкидлашича, “инсон эркинлиги ҳақидаги фалсафий тадқиқотнинг мақсади, бир томондан, эркинлик инсонга берилган неъмат бўлса-да, унга юзаки ёндашиб бўлмаслиги ва ҳатто уни шунчаки сўз орқали ифодалаш учун ҳам тафаккур софлиги ва теранлиги талаб этилиши боис уни мукаммал таърифлашдан иборат бўлса; иккинчи томондан, бу тадқиқотлар мазкур тушунчанинг яхлит ҳолда илмий дунёқараш билан боғлиқлигини аниқлашга йўналтирилган” (ўша манба, 687-бет). Бошқача айтганда, “эркинлик” тушунчасини таърифлаш учун унинг дунёқараш тизими, яъни фалсафа билан боғлиқлигини аниқлаш зарур. Акс ҳолда, “эркинлик” тушунчаси ҳам, дунёқараш тизими ҳам мавҳум категория бўлиб қолаверади.

Шеллинг таълимотида эркинлик олами тарихий жараён билан муштаракдир. Инсон тарихий такомиллашув жараёнидагина эркин мавжудот сифатида фаолият юритиши мумкин. Эркинлик даражаси эса кишилик жамияти ривожини билан белгиланади.

Шеллинг эркинлик ва заруратнинг узвий боғлиқлигини таъкидлаб, улар турли томондан олиб қаралганда яхлитлик касб этишини уқтиради. Аммо ақл билан англаш мумкин бўлган бундай яхлитлик улар ўртасидаги қарама-қаршилик билан белгиланади. Файласуфнинг эркинлик концепциясида икки бир-бирига зид асос — эзгулик ва ёвузликни мужассам этган инсон тимсоли намоён бўлади. Масалан, у мазкур масалага оид турли ёндашув ва таълимотларнинг бирёқламаллигини таъкидлаб, бундай деб ёзади: “Эркинликни аниқлашда вужудга келадиган қийинчиликларни бирорта бирёқлама тизим ҳал эта олмайди. Гап шундаки, идеализм, бир томондан, эркинликнинг умумий, бошқа томондан эса, формал

жиҳатларинигина ойдинлаштиради. Эркинликнинг ҳақиқий, жонли таърифини бериш учун унинг эзгулик ва ёвузликка айланиши мумкинлигини эътироф этиш зарур” (ўша манба, 672-бет). Унинг фикрича, инсон эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси билан яқунланадиган жараённинг шунчаки кузатувчиси эмас, аксинча, фаол иштирокчидир. Айни шу ўринда у кейинчалик Гегель ривожлантирган (бу олим фикрича, кишилик жамияти тараққиёти жараёнида инсон эркинлик маъно-моҳиятини борган сари теран англаб, эркинликнинг юксак даражаларига кўтарилади) муҳим ғояни илгари суради: тарихий жараён тараққиётнинг илгариллашини акс эттириб, эрксизликдан эркинлик сари интилишини, онгнинг ёвузликдан халос бўлиб, эзгуликка йўғрилишини, шунингдек, заруратнинг (яъни воқеликнинг) англанаш даражасини ифодалайди.

Аммо файласуф инсон тарихий жараённинг мақсадини на назарий, на амалий нуқтаи назардан англаб етиши мумкин эмас, деган зиддиятли фикрни билдиради. Шеллинг назарида, тарихий жараённинг ҳар бир палласида ҳам зарурат, ҳам эркинликни назарда тутиш лозим. Эркинлик бир вақтнинг ўзида ақл билан англонадиган тажрибадан кейинги моҳият даражасига кўтарилиши ҳамда воқеликда намоён бўлиши, объектив воқеликнинг бир қисмига айланиши ҳам мумкин. Бошқа жиҳатдан қараганда, Шеллинг талқинидаги эркинлик ва зарурат диалектикаси боши берк кўчага олиб киради: зеро, тарихий жараённинг ҳар бир муайян палласида эркинликка эришиш масаласи ҳеч қачон ечим топилмайди-



Фердинанд Вильгельм Шеллинг



Георг Вильгельм Гегель

ган муаммога, бу йўлдаги интилишлар эса охир-оқибат саробга айланади.

Немис мумтоз фалсафасини ўзига хос дунёқараш ва таълимот даражасига кўтарган буюк мутафаккир Георг Вильгельм Гегелнинг (1770-1831) эркинлик ғояси такомилида тутган ўрни ҳам беқиёсдир. Гегель фикрича, чексиз эркинлик тушунчаси фалсафанинг асосий тамойилини ташкил этиб, фақат ундагина бу фаннинг маъно-моҳияти ифодаланади. Эркинлик руҳнинг субстанцияси, унинг моҳиятини намоён этади. Эркинлик ғояси кишиларнинг борлиғи, уларнинг воқелигини акс эттиради. У руҳ ва қалб тушунчаси, тамойили сифатида такомиллашув жараёнида зарурат шаклига эга бўлади. Модомики, фалсафанинг асосий вазифаси руҳнинг эркинлик сари йўлини ёритиш, англаш экан, бу жараёнда муқаррар равишда эркинлик ва зарурат тушунчаларининг ўзаро муносабати, диалектикаси масаласи кўндаланг бўлади.

Гегель таълимотига кўра, эркинлик такомил тарих ривожланишини англантиб, бу аввало, онг эркинлигини тақозо этади. Файласуф таъбири билан айтганда, инсон фикрлаш қобилиятидан маҳрум экан, у эркин бўлиши мумкин эмас. Файласуф “Эстетика” асарида юнонларнинг фикрлаш тарзи хусусида тўхталади: “Эркинликнинг фақат биргина шакли — ақл йўналиши мавжуд (тушунча замирида у ақл мушоҳадасини назарда тутаетган бўлса керак — **Б.3.**). Бу заруратни англаган юнонлар ортиқча эҳтиросга берилмайди. Зеро, бу заруратга қарши бориш мумкин эмас, уни тан олишдан, у меники дейишдан бошқа чора йўқ. Эркинлик ана шу моҳиятни англашда намоён бўлади” (Гегель Г. *Эстетика, в четырёх томах, т.4. стр. 249-250*).

Гегелнинг талқинида олам руҳ ривожи бўлиб, бу жараёнда эркинлик зарурат устидан ғалабага эришмоғи даркор. Шу маънода, эркинлик ва зарурат воқелик мавжудлигини эмас, унинг тараққиёт босқичларини ифодалайди. Гегелдан илгари яшаб ижод этган файласуфлар учун зарурат тамойили устувор бўлса, унинг таълимотида эркинлик тамойили етакчи ўрин тутди. Олим

фикрича, заруратдан эркинликка ўтиш жараёни онгнинг воқеликни яққа, чекланган жиҳатидан бошлаб англаш йўлидаги интилиши ва унинг умумий, чексиз жиҳатлари даражасига кўтарилишини тақозо этади. Шу боис эркинлик салтанати табиат олами эмас, ўзини инсоният тарихида “халқ руҳи” сифатида намоён этадиган руҳ салтанатидир. Файласуф назарида, тарих фалсафасининг олий даражаси, тарихда ҳукмронлик қиладиган омил — “халқ руҳи” эмас, онгдир.

Гегель таълимотига кўра, эркинлик маънавиятни англаш орқали руҳ олами тажассум топади. Файласуф “Хуқуқ фалсафаси” асарида ана шу ғояни ривожлантириб, бу иборага қуйидагича таъриф беради: “Маънавият воқелик ва ўзлики англаш табиатига айланган эркинлик тушунчасидир”. (Гегель Г. *Философия права. Немецкая классическая философия, т.1, Право и свобода, стр. 472*).

Гегель таълимотининг бошқа файласуфлар қарашларидан яна бир фарқли жиҳати шундаки, у тарихий жараёни муайян тоифа вакиллари томонидан заруратнинг умумий маънода англаниши эмас, бундай тасаввурларнинг халқ онгидаги кенгайиши, деб тушунади. Масалан, антик давр алломалари, насроний мутафаккирлар, янги давр файласуфлари назарида, ақл соҳиблари, яъни заруратни, эркинлик ва заруратнинг айнанлигини англаш даражасига кўтарилган оладиган кишиларгина эркинликка дахлдор бўлса, Гегель “давлат муайян эркинликнинг воқелиги” (*ўша манба, 565-бет*) дея, эркинлик ғояси такомилни давлат бошқарув шакллари ривожи билан боғлайди. Унинг фикрича, давлат, хуқуқ, маънавият эркинликнинг турли жиҳат ва хусусиятларини ифода этадиган тушунчалардир. “Хуқуқ фалсафаси” асарида у бундай деб ёзади: “Эркинлик ғояси ривожининг ҳар бир босқичи унинг муайян жиҳатларини акс эттиргани боис ўз хуқуқига эга. Бир томондан, ахлоқ ва маънавият, иккинчи томондан, хуқуқнинг бир-бирига қарама-қаршилиги ҳақида сўз юритганда мавҳум шахснинг дастлабки формал хуқуқи назарда тутилади. Ахлоқийлик, маънавият,

давлат манфаатлари эркинликнинг таърифи ва воқелиги бўлгани сабабли уларнинг ҳар бири алоҳида ҳуқуқни ташкил этади... Улар ўртасидаги қарама-қаршилиқда бу ҳуқуқ шакллари чеклангани, бир-бирига бўйсунуши намоён бўлади; дунёвий руҳ ҳуқуқигина мутлақ чексиздир” (*Ўша манба, 352-353 бетлар*). Шу тариқа, аллома мазкур асарида эркинлик ғояси такомилли ҳақида фикр юритиб, унинг ривожланиш босқичларига кўра ҳуқуқни мавҳум ҳуқуқ, ахлоқийлик ва маънавият шаклларига ажратади ва уларнинг ҳар бирини батафсил таҳлил қилади. Мавҳум ҳуқуқ деганда, у мавҳум шахснинг ҳуқуқини тушунади. Бошқача айтганда, айнан ана шу босқичда индивид ҳуқуқий шахс сифатида намоён бўлади. Мазкур босқичга эришган инсонгина эркинликнинг кейинги босқичлари: ахлоқ ва маънавиятнинг юксак даражасига кўтарилади. Эркинликнинг дастлабки босқичига эришган индивид мазмун-моҳияти Гегелнинг “Ўзинг шахс бўл ва бошқаларни ҳам шахс сифатида ҳурмат қил!” иборасида яққол ифодаланган. Эркинлик ғояси такомилнинг кейинги босқичи мулкнинг (файласуф таъбири билан айтганда, тортиб олиш, тасарруф этиш, эгаллаш) пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шу тариқа, руҳ шахсдан мулк сари ҳаракатланиб, ўз-ўзини англаш даражасининг юқори босқичига кўтарилади. Файласуф шартноманинг пайдо бўлишини эркинлик такомилнинг навбатдаги босқичи сифатида таъкидлаб, ижтимоий шартномага (яъни кишиларнинг ўзаро келишуви орқали давлатнинг шакллантирилиши) салбий муносабат билдирар экан, кишилар кўп ёки кам бўлишидан қатъи назар, ўзаро келишган ҳолда давлатни ташкил эта олмайди. Чунки давлат маънавиятнинг олий шакли, Яратганнинг илоҳий неъматидир, дейди.

У маънавият таркибига оила, фуқаролик жамияти ва давлатни киритиб, ҳар бирини батафсил таҳлил этади. Унинг таъкидлашича, дастлаб маънавият никоҳга таянган табиий бирлик — оилада намоён бўлади; оиланинг емирилиши ва хусусий шахслар-

нинг пайдо бўлиши фуқаролик жамиятининг шаклланишига олиб келади ва ниҳоят барча зиддиятлар бартараф этиладиган кейинги босқичда давлат (Гегель таъбирича, “Яратганнинг ердаги сояси, унинг кишилар орасидаги ҳаётининг олий шакли”) вужудга келади.


Гегель Гоббс, Локк ва бошқа файласуфлар илгари сурган табиий ҳуқуқ назарияси ва ижтимоий шартнома ғоясига қарши чиқиб, давлат шахс эркинлигини ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш учун ташкил этилмайди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, давлатда зарурат ва эркинликнинг бирлигига умумдунёвий тарихий жараёндагина эришиш мумкин. Бу жараён эса эркинликни англаш моҳиятини ифода этадиган таъмомил ривожини маҳсулидир. Шу маънода, турли тарихий даврлар ўртасидаги фарқ эркинлик ҳақидаги билим доираси, унинг даражаси билан белгиланади. Файласуф қадимги Шарқ, антик ва янги давр тарихи айнан шу жиҳат, яъни эркинлик даражаси билан белгиланишини таъкидлаб, бу фикрини шундай изоҳлайди: “Шарқ фақат бир кишининг, юнон ва рим олами баъзиларнинг, олмон дунёси эса барчанинг эркин эканини тан олади” (*Гегель Г. Социология. Т. VIII, стр. 98*). Бошқа халқларга нисбатан беписандлик, миллатчилик билан йўғрилган бундай қарашлар (масалан, унинг фақат олмон миллати эркинликнинг моҳиятини англаб етгани ва унинг олий босқичига кўтарилгани ҳақидаги ғояси) аллома таълимотининг бирёқламалиги ва тарихий жиҳатдан чекланганидан далолат беради.

Шунга қарамай, Гегель ва немис мумтоз фалсафаси вакиллари эркинлик ғояси такомилли, эркинлик ва зарурат диалектикаси, эркинлик ва маънавият, эркинлик ва давлат бошқаруви шакллари ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги ғоя ва қарашлари ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихи ҳамда либерализм таълимотининг шаклланиши ва ривожига алоҳида ўрин тутади.



Мўмин ҲОШИМХОНОВ

# “SEN HAM MARDI XUDO BO‘LG‘IL...”



Мутасаввиф шоир Бобораҳим Машраб шахсияти бизгача етиб келган турли маноқиб, ривоят ва қиссаларда бирмунча акс этган. XX аср ўзбек адабиётида ҳам оташзабон шоир сиймоси маълум даражада талқин қилинган, аммо бугунги кунда унинг шахсияти, ижодий мероси янгича нуқтаи назар билан тадқиқ этилмоқда.

Дастлаб Исҳоқ Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон” асаридан нақллар “Шарқ юлдузи” журнаlining 1990 йил 8-сонида босилиб чиққан эди. 1991 йил 6-сонида эса “Шоҳ Машраб қиссаси” чоп этилди. Қисса шу йили “Шарқ” нашриётида алоҳида китоб ҳолида ҳам босилди. 1992 йил “Ёзувчи” нашриёти ҳам “Қиссаи Машраб”ни нашр қилди.

Самарқандлик машрабшунос Эркин Мурмонов ҳозирги давргача яратилган бади-

ий асар ва маноқибларда Машраб образининг бадиий талқини масаласини ўрганди.

Бухоролик нуктадон машрабшунос Дилором Ҳамроева эса шоир ижоди ўрганилиши тарихига тўхталар экан, Машраб ижоди Европа олимларининг ҳам эътиборини тортганини айтади. Улар кўпроқ Машраб билан боғлиқ саргузаштларга бой халқ китобларига қизиққан, аммо шоир яшаган ижтимоий муҳит, унинг таржимаи ҳоли ва маслагини деярли эътиборга олмаган. 1900 йили шарқшуносларнинг Парижда бўлган биринчи халқаро конгрессидида исломшунос олим И.Голдциер “Форсларда ислом” деган мавзуда маъруза ўқиган. Бунга жавобан немис олими Мартин Ҳартман “Девони Машраб” ва “Шоҳ Машраб” асарларига таяниб, “Доно дарвеш ва авлиё даҳрий” (1902 йил) ҳамда “Қадамжо” (1903 йил) мақолаларини ёзган.

1992 йилга келиб, шоир Машраб юбилейи муносабати билан “Қиссаи Машраб” Францияда нашр қилинган.

Рус шарқшунослари тадқиқотларида Машраб номи билан боғлиқ қайдлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин учрайди. А.Хорошхин, В.Наливкин, Н.Веселовский, Н.Пантусов, Н.Ликошин, В.Вяткин, А.Карьцев,

Л.Дмитриева, Г.Снесаров каби олимлар шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга озми-кўпми ҳисса қўшган.

“Қиссаи Машраб” халқ насрининг гўзал намуналаридан биридир. У “Қиссаи Машраб”, “Девонаи Машраб”, “Ғазали эшони шоҳ Машраб”, “Эшон Машраб”, “Эшон шоҳ Машраб”, “Эшони шоҳ Машраби девонаи Намангоний”, “Мухаммаси шоҳ Машраб” каби номлар билан турли даврларда китобот қилинган бўлиб, машрабхонларнинг сеvimли асари сифатида шуҳрат қозонган. Машраб ҳақидаги қиссалар қандай номланган бўлишидан қатъи назар, уларнинг ўзаги деярли бир, бадиий тўқима аралашган бўлса-да, шоир ҳаётини ёритувчи асосли манба экани маълум.

Адабиётшунос Маҳмуд Ҳасаний “Шоҳ Машраб қиссаси” “Муқаддима”сида ёзишича, турли даврларда Машраб шахсиятига қараш турлича бўлган. Шоир ижодини юзага чиқариш учун у шаккок, динга, руҳонийларга қарши шахс дея талқин ҳам этилган. “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари Машраб тахаллусли бошқа шоирга тегишли деб даъво қилинган. Бугунги кунга келиб, бу асарлар яна Бобораҳим Машрабга нисбат берилмоқда.

Машрабшунос Эркин Мусурмонов фикрича, “Девонаи Машраб” қиссасининг “Девони Машраб” дейилиши нотўғри, девонларга қиссалардаги каби насрий ҳикоялар киритилмайди. Мумтоз адабиётда фикру дунёси ёр васли билан банд, кўриниши ғариб-у, аммо кўнгли пок, моддий талаб ва истаклардан воз кечган “зоҳиран маломатангез, ботинан соғу саломат” бўлган ҳақиқий ошиқлар ҳам “девона” дейилган. Машрабга нисбатан “девона” лақаби қўллангани назарда тутилса, асарнинг “Девонаи Машраб” деб номланиши асосли бўлади.

Профессор Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг ёзишича, “Қиссаи Машраб” халқ орасида ниҳоятда шуҳрат қозонган, қўлдан-қўлга, авлоддан-авлодга ўтиб, зўр қизиқиш билан ўқилган. Асар махсус машрабхонликларда, чойхоналарда, масжидларда, муассасаларда, турли йиғинларда иштиёқ билан ўқилган, унинг жозибадор шеърларини қаландарлар халқ орасида, кўча, бозорларда айтиб юрган.

Қисса отин аёлларнинг ҳам сеvim бўлиб, ундаги шеърлар ёдлаб олинган, хонандалар эса мусиқага солиб, ҳозиргача мароқ билан куйлаб келади. Бу ҳол Машраб ғазалларининг халқ орасида кенг тарқалишига сабаб бўлган. “Қиссаи Машраб”да шоир ҳаётига мансуб бўлмаган, кейинги хаттотлар томонидан қўшиб кетилган афсона ва ривоятлар ҳам учрайди.

Машрабшунос Ж. Юсупов “Қиссаи Машраб”нинг бир неча вариантини чоғиштириб, муқояса қилган ҳолда таҳлил этган. Унинг фикрича ҳам, “қисса”лар кўпроқ халқ достонларига ўхшаб кетади: “Қиссаларнинг аксарияти “аммо ровийлар андоғ ривоят қилибдурларким...” дея бошланиб, “ҳоло ҳазрати эшони шоҳ Машрабнинг қабрлари Ишконмишдадур”, деб тугалланади.

“Девонаи Машраб” қиссалари асоси “Девони Машраб” эканини Ж.Юсупов мана бундай изоҳлайди: “Ҳар бир ривоятдан сўнг “шоҳ Машраб ёки эшони шоҳ Машраб жунунлари зиёда бўлиб, бу абётни ўқидилар” дейилади ва шеърдан сўнг “алқисса, Шоҳ Машраб...” сўзлари билан янги ривоят бошланади. Бу ҳол “Девони Машраб” китобларининг ҳаммасига ҳосдир”.

“Қиссаи Машраб”да айтилишича, Бобораҳим отадан эрта етим қолади. Айни чоқда оиланинг моддий аҳволи баттар оғирлашади, она ип йиғириб, тирикчилик ўтказилади.

Бўлажак шоир гўдаклигиданоқ тенгқурларидан ниҳоятда ҳалол, зийрак, тўғрисўз, ҳозиржавоб ва мушоҳадакорлиги билан ажралиб турган. У Офоқхожа хонадонидан уч йил ўтин, уч йил саноч — мешкобда сув ташиган, бир йил ҳазрат остонасида қоровуллик қилган. Шу билан бирга, у хонадон хожасидан тасаввуф таълимоти сирасрорларини ўрганишга ҳаракат қилган. Бу унинг жисмоний ва руҳоний қобилиятини чиниқтиришга пойдевор бўлади. Чўри қиз баҳона бўлиб, пир даргоҳини тарк этгач эса, Машраб Фулжа шахрига келиб, ҳоким, унинг хотини ва қизини мусулмон динига киритади. Шу тариқа уч йил Фулжа ҳокимининг хизматини қилади.

“Қиссаи Машраб” муаллифи Пирмат Сеторийнинг шоҳидлик беришича, Машрабнинг

ўн саккиз йил дарбадар юриши, Бухородан Хўжандга, ундан Тошкент ва Туркистонга бориши, яна Хўжанд, Тошкент орқали Бухорога қайтиши бу хусусда турли ривоят ва афсоналар тўқилишига сабаб бўлган. "Қиссаи Машраб" ривоятларига қараганда, шоир қаерга бормасин, қиёфаси, суфиёна, халқчил ғазаллари, оташин сўзлари билан дарров кўзга ташланган, авлиё сифатида шуҳрат қозонган, халқ унинг орқасидан эргашиб иззат-икром кўрсатган, ҳоким табақалар унга мурид тушиш истагида дабдабали кошоналарига таклиф этган.

Машраб Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига ҳам сафар қилган, савдогарларга эргашиб, сув йўли — Каспий денгизи орқали Озарбайжонга, у ердан Туркияга ўтган. Маданий ҳаётни, мавлавия, бектошия, ҳуруфия диний оқимларини ўрганган. Жалолоiddин Румийнинг машҳур "Маснавийи маънавий" сини мутулаа қилиб, ундан таъсирланиб, "Мабдаи нур" асарини яратган. Туркияда Машраб ҳуруфий шоир Имомиддин Насимий фаолияти, қисмати билан танишган, унинг шеърларига вазн ва радифлари ўхшаш шеърлар, назиралар битган. Сўнгра Арабистонга ўтиб, Маккаи тавоф қилган, Расулulloҳ с.а. ва унинг қизи Фотима р.а.нинг зиёратгоҳларида бўлган. У ердан Қарбало даштига ўтиб, Имом Хусайн қабрини зиёрат қилган. Сўнгра Ҳиндистонга йўл олган.

Академик Ботир Валихўжаевнинг фикрича, Бобораҳим Машраб ва у яшаган давр ҳақида маълумот берувчи қимматли манба — "Девонаи Машраб" шаклан халқ китобларига ўхшаса ҳам, мазмун жиҳатдан тарихий заминда вужудга келган бадиий асардир. Қиссанависларнинг Машраб ҳаёти ва фаолиятини яхши билгани, шоир руҳияти ва дунёқарашини тўғри англагани сезилиб туради. Улар шоир ҳақидаги маълумотларни халқ китоблари талабларига мослаштириб, унинг бадиий сиймосини яратган. Шунинг учун ҳам Машраб ҳақидаги бу хил китобларда шоир сиймоси муаллифларнинг мақсад ва ғоясига боғлиқ тарзда шарҳланган. Тадқиқотчилар Машрабнинг вафоти билан боғлиқ тафсилотларни ҳам турлича талқин қилади.

Дилором Ҳамроева қиссада Маҳмуд қатағон номи кўп бор тилга олинганини айтиди: "Қонимни тўқар эмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон", "Чун кўлим бирла оёғим боғламоқ ҳожат эмас".

Машрабшунос Муҳсин Зокиров шоир шахсиятига хос жиҳатларни муфассал таҳлил этган. Унинг фикрича, шоир ҳаётининг сўнги йилларида Бухоро, сўнгра Ҳиндистон, кейин Қаршида уч-тўрт йил истиқомат қилгач, Балхга келган. Бу вақтда Балх вилоятининг ҳокими қатағон уруғига мансуб Маҳмудхон эди. Субхонқулихон замонида Маҳмудхон бир муддат Бадахшон вилоятининг ҳокими бўлган. У марказий ҳокимият — Бухорога қарши исён кўтарган. Субхонқулихон вафотидан сўнг (1702 йил) Маҳмудхон унинг набираси Муқимсултонни ўлдириб, ўзини Балх вилоятининг мустақил ҳукмдори деб эълон қилган. Тарихий манбаларда Маҳмуд қатағон ғоят шафқатсиз, золим, халқ бошига беомон кулфатлар ёғдирган адолатсиз ҳукмдор бўлган, дея маълумот берилади. У ҳокимлик қилган даврда ўлка қашшоқлашиб, раият шу даражада хонавайрон бўлганки, бундай вазиятда Машраб томошабин бўлиб қараб туролмаслиги табиий ҳол эди. Қиссада қайд этилишича, Машраб Балхга "ўзидек яна уч қаландар ҳамроҳлигида дохил" бўлган. Уларнинг ҳаққоний сўзлари, йўноқи ғазаллари, фусункор ва шўх куйлари, амалдор ва уламолар ҳақида айтган ўткир ҳажвлари халқ орасида жуда тез оммалашиб кетган. Машраб билан Маҳмудхон ва сарой аъёнлари, уламолар ўртасида кескин мунозара бўлади. Машраб тап тортмай подшо саройини нажосатхонага, тахтни эса унинг устига қурилган равоққа, Маҳмудхон ва унинг амалдорларини ўлаксахўрларга, уламоларни зулукка ўхшатади. Шу тарзда шарманда қилиниб, жони халқумига келган Маҳмудхоннинг ҳолати қиссада қуйидагича баён этилган: "Подшоҳ Маҳмудхон дарғазаб бўлуб, дедики: "Эй жаллодлар, бери келинглари!" Дарҳол жаллодлар келиб дедилар: "Тақсир, подшоҳим нимага амр қилурсиз? Кимнинг умр паймонаси тўлубдур?" Маҳмудхон айтидики: "Бу девонаи аҳли куффорни хос зин-

донга ташлаб, то жонлари халқумларига келиб, оналаридин дунё юзига таваллуд топқонларига пушаймон бўлмагунча азоб қилғайсизлар. Эрсa муддати бир ой ҳар кеча зиндон жаллодлари ҳазрати шоҳ Машраб ва ҳамроҳларини беҳад азобларга дучор қилур эрдилар.

Машраб ўлимни бўйнига олгани ҳолда дейди:

*Киши тақдирга тан бермас, ани иймони  
йўқ бешак,  
Ани кавлига инкор айлаган қавми  
мардуддур.  
Келубдур остонанга, ки навмид этма  
Машрабни,  
Пушаймондан на суд эмди, кушандам  
Балхда Маҳмуддур.*

Андин сўнг шоҳ Машраб жаллодларга айдиларки: "Эй жаллодлар, манга тиғ солурсизлар, ўшал тиғ солғанда бир солинглар, икки бор солманглар". Ҳазрати соҳибқирон подшоҳим айтур эрдилар: "Эй Машраб, сан шаҳид бўлурсан". Ман айтур эрдимки: "Эй тақсири подшоҳим, ман шаҳид бўладурган бўлсам, сизнинг тиғи муҳаббатингиздин умидвордурман. Шул вақтда қаламтарошларин бериб эрдилар. Ўшал қаламтарошни жандамни орасиға кўйуб кийиб эрдим", деб жандаларини сўкиб, шул тиғни кўзлариға суртиб, йиғлаб айдиларки: "Ҳай дариғ, ўшандоғ соҳибқирон подшоҳим айтиб эрдиларки: "Мани кушандам Қоратоғда, сани кушанданг Балх шаҳрида Маҳмудхон, деб эрдилар". Анда шоҳ Машраб ҳазрати соҳибқирон подшоҳимнинг шаънларига деб бу ғазални ўқудилар:

*Кел эй жисмим, шаҳодат тиғига эмди  
яро бўлғил,  
Ҳусайн ибн Алидек сан шаҳиди  
Карбало бўлғил.  
Худо йўлида, эй жаллод, манга  
ханжарни тезроқ қўй,  
Ҳақинга бир дуо айлай, санам марди  
худо бўлғил.  
Ажойиб хуш муборак бу ўлимким,  
бошима тушти,*

*Худо йўлида бир жон, минг агар жондур,  
фидо бўлғил.  
Бу Машраб дори дунёдин шаҳодат  
олия излаб,  
Қиёмат тонги отгонда Худоға  
дадхоҳ бўлғил.*

Балх уламолари фатвоси билан Маҳмудхон Машраб ва яна икки қаландарни дорга осади. Бу мудҳиш ҳодиса Абдул Муталлиб Хўжа Фаҳмий мажмуасида шундай баён этилади: "Машрабни 1123 ҳижрий йилда уламо ва ҳукамоларнинг фатвоси билан Маҳмудхон Қундузда шаҳид қилди". "Мунтахаб-ат-таворих"да ҳам Хўжа Фаҳмий берган маълумот тасдиқланади: "Ва ул авонда Машраб девонаким, авом ани валий дерлар, иродаи Байтуллоҳ қилиб, вилояти Балхга дохил бўлиб, Маҳмудхон олдида беадаблик андин содир бўлди. Маҳмудхон буюрдик, ул бечораи девонаи мажзубни мансурвор дориға тортдилар. Ва бир неча муддатдин сўнгра Маҳмудхон зилзилада уй остида қолиб ўлди".

Қиссадаги ривоятларда ва Боғистоний асарида қайд этилишича, Маҳмудхон фармони билан дорга тортилган Машраб ва икки қаландарнинг жасадини дафн қилиш ман этилган. Аммо учинчи кеча Оғохон сардор қаландар бошчилигидаги бир гуруҳ мухлис навкарларнинг қўл-оёғини боғлаб, Машраб ва қаландарлар жасадини яширин тарзда олиб кетиб, Балхнинг чекка мавзеларидан бирига дафн этади.

*... Дори Мансури аналҳақ жойидур,  
Бош бериб юз минг нидо топсам керак.  
Онаи зоримга берманглар хабар,  
Балх шаҳрида қазо топсам керак, —*

дея Машраб бўлажак воқеаларни олдиндан аниқ каромат қилган. Аммо, бизнингча, Дилором Ҳамроева талқини ҳақиқатга яқинроқ: "Каромат ва валийлик борасидаги халқ эътиқодини рағбатлантириш учун тўқиб чиқарилган айрим лавҳалар халқ китобларининг тарихий аҳамиятини камайтирган. Бироқ манқабанинг жанр талабларидан яна бири мантиқий хулосалашдир".

МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Ибодулла ЭРГАШЕВ



# НАУРАТ — ИЛҲОМ МАНБАИ

*Бекорчи одамнинг ўзи йўқ, муҳими — нима иш билан банд бўлиши.*

\* \* \*

*Беҳисоб мол-дунё — беҳисоб гам демак.*

\* \* \*

*Вақтни ўйин билан ўтказишига мойиллик — болалик.*

\* \* \*

*Одам маймуннинг қилигидан кулади, лекин у кўрганига тақлид қилишини ҳисобга олмайди.*

\* \* \*

*Бугдой пўсти билан, мағиз данаги билан, инсон маънавияти билан ҳимояланади.*

\* \* \*

*Ҳайрат — илҳом манбаи.*

\* \* \*

*Айб эмас, фазилат қидириши маънавиятдир.*



\* \* \*

*Хазина тугаши мумкин, тадбир тугамайди.*

\* \* \*

*Никоҳ узуги зеб-зийнат эмас — муҳаббат ва садоқат рамзи.*

\* \* \*

*Сўз ҳам замонасига яраша бўлади.*

\* \* \*

*Ғоя ва қарашларни мутлақлаштириши инсоннинг фикран чекланиб  
қолишига сабаб бўлади.*

\* \* \*

*Сен тўғрингдаги холис сўз сен бўлмаган даврада айтилганидир.*

\* \* \*

*Ёшлигида дўст орттира олмаган одам кексайганда унга етишиши  
даргумон.*

\* \* \*

*Одамларни бир хил фикрлашга ундаш тараққиётга тўсқинликдир.*

\* \* \*

*Чашманинг суви қанча узоқдан сизиб келса, шунча тиниқ ва мусаффо  
бўлади. Фикр ҳам қанчалик теран мушоҳада қилинса, шунча равон ва  
мантиқли бўлади.*

\* \* \*

*Одамнинг ҳар хилини кўрмоқчи бўлсанг — бозорга, бир-бирига яқинини  
кўрмоқчи бўлсанг — театрға, тақдирини билмоқчи бўлсанг — мозорга  
бор.*

\* \* \*

*Шубҳа ҳақиқатға соя солади, лекин тўсиқ бўлолмайди.*



## HAZILOMUZ HIKMATLAR

\* \* \*

Хўжайин хизматкоридан талаб қиладиган фазилатлар бир-бир чўтга ташлан-  
са, хизматкорликка ярайдиган хўжайин топилармикан?..

*Пьер Бомарше, француз драматурги*

\* \* \*

Ҳеч қайси халқ ҳаётнинг абадийлигига кельт элатичалик ишонмаган. Уларда  
олинган қарзни узишни нариги дунёга қолдириш расм экан.

\* \* \*

Битта шарт билан хотинимни ягона меросхўрим деб эълон қиламан. У мендан  
кейин албатта эрга тегсин. Ҳеч бўлмаса, бир одам ўлиб кетганимга афсусла-  
ниб кўзёш тўкишига ишонч ҳосил қилай...

*Генрих Гейне, немис шоири*

\* \* \*

Ҳамонки пулингизни санаб бўлар экан, демак, ҳали миллиардер бўлмабсиз.

*Пол Гетти, америкалик миллиардер, нефть магнати*

\* \* \*

Автомобиль халокатларининг сабаби нимада? Машинани бугуннинг одамла-  
ри кечанинг йўлларида индиннинг тезлигида ҳайдаётганида!

*Витторио де Сика, италиялик киноактёр*

\* \* \*

У зилдек юкка ҳам бажонидил кифт тутади-ю, уни яна жон деб  
бошқалар елкасига ошириб юборади.

*Жером Клапка Жером, инглиз ёзувчиси*

\* \* \*

— Ҳар қандай вазиятда ҳам оломон орасида бўлган маъқул.  
— Оломон битта эмас, иккита бўлса-чи?  
— Қайси бири катта бўлса, шунисига қўшилиб ол-да, томоқ йиртиб  
бақиравер.

*Чарлз Диккенс, инглиз ёзувчиси*

\* \* \*

Шу вақтгача бирорта йўловчи автомобилни босиб-янчиб кетганини кўрмадим,  
лекин негадир ҳар доим ҳайдовчи норози...

*Илья Ильф, рус ёзувчиси*

\* \* \*

Рухим мендан аввал ҳам мавжуд бўлган экан ва мендан кейин ҳам борлигича  
қолар эмиш. Мабодо абадий эканимга ишониш учун ўлиб кўришим лозим  
бўлса, бундай далилни қўлга киритишга-+ бир оз шошилмай тура қоламан.

*Жованни Казанова, италиялик авантюрист ва ёзувчи*

\* \* \*

Энг катта айбимиз шуки, деярли ҳар биримиз “Энг катта айбимиз шуки...”  
дея гап бошлаймиз.

*Синклер Льюис, америкалик ёзувчи*

\* \* \*

Уч-тўртта аёлни яраштириб қўйишдан кўра бутун Европани муроасага  
келтириш менга осонроқ.

*Людовик XIV, Франция қироли*

\* \* \*

Аллақандай 90 фоизгина сиёсатчини деб, қолган барча сиёсатчилар беобрў  
бўлади.

*Генри Киссинжер, америкалик дипломат*

\* \* \*

Одам абадий яшашни хоҳламайди, шунчаки ўлгиси келмайди, холос.

*Станислав Лем, поляк фантаст ёзувчиси ва файласуфи*

**Муҳиддин АБДУЛҒАФФОР тайёрлади.**



## Abduqayum YO‘LDOSH mutolaa qiladi

### МЕҲНАТУ ВАҚТНИ ЕНГГАН ОДАМ



Л и Мён Б а к. Мўъжиза содир бўлмайди.

Тошкент — Сеул, “Ўзбекистон” — “Ewhan”, 2009.

...Мўъжиза кутиб яшаш ўнғайроқ-да! Чунки одам ҳеч нарсага эришолмаган тақдирда ҳам, жиллакурса, “Омадим келмади-да, келганда-ку...” дея ўзини юпатиши, айбни ўзгаларга — мўъжизани “тақсимлаб” олганларга ағдариши мумкин.

Гўё табиатимизга хос ушбу майлни англаб тургандек, муаллиф кўп йиллик ҳаёт тажрибасига суянган ҳолда ўз маслағини қатъият билан баён этади: “Ҳаётда мўъжиза бўлмайди!”

Биз — шўро даврида таълим олган авлодга ўтган аср сўнгида юз берган ижтимоий тузум эврилишлари ҳосиласи — бозор муносабатлари қонун ва талабларини англаб олиш унчалик осон кечмади. Бу борада кўникамага эга бўлиш учун анча-мунча рисолаларни ўқишга тўғри келган бўлса-да, кўнглимда йиғилиб қолган “Бозор иқтисодиёти билан Шахс муносабатлари қандай кечар экан?” қабилдаги саволларга айнан шу китобдан жавоб топдим.

Кореяда икки йилча бўлган бир танишим катта компаниянинг бош директори оддий ишчилар билан ошхонада ёнма-ён ўтириб овқатланганини айтиб, ҳайратини яширолмайди. Табиийки, “Нима учун уларда бундай?” деган савол туғилади. Ахир, Иккинчи жаҳон урушидан абгор аҳволда чиққан, бунинг устига, иккига бўлиниб кетган мамлакатнинг Жанубий Корея аталмиш қисмида рўй берган иқтисодий юксалиш сабаблари бордир?

Ғарбона демократия ўз йўлига, аммо корейс мўъжизаси замирида, биринчи навбатда, шарқона меҳнатқашлик, сабр-тоқат, қаноат, интизом, оилада ота-она ибрати, билим олишга чанқоқлик, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш ва эртага ҳаммаси яхши бўлиб кетишига собит ишонч ётгандек.

Муаллиф урушдан кейинги ялпи қашшоқликда ўтган йилларини хотирлаб, “Бошланғич мактабнинг юқори синфларида ўқиб юрганимда ўзимни уриб кўрмаган бирорта иш қолмаган... Оч-наҳор юриш одатий ҳол эди, аммо оч ҳолда ҳам, бориб-келишга тўрт соат вақт кетса-да, мактабга яёв қатнардим”, деб ёзади.

Машъум қаҳатчилик йилларини бошдан кечирган ва оғир меҳнат, доимий интилиш туйғули рўшноликка чиқа олган халқ вакили бўлган муаллиф фахр билан “Қашшоқлик ва онам — менинг мураббийларим”, дейди.

У бир умр ҳалол яшаб ўтган ва болаларидан ҳам шуни талаб қилган ота; фарзандига, ҳатто ўлардай оч қолса ҳам, бировнинг дастурхонига шерик бўлмасликни ўргатган онанинг фарзанди эди.

Хуллас, оч-яланғоч болакай мактабда зўр бериб ўқиш билан бирга қорин тўйдириш учун бозорда ширинлик, ҳўл мева, бодроқ, гугурт сотади, ахлат йиғиштиради; аёзли қиш кунлари сомон шляпада юргани учун изза бўлади; мактабни битиргач, ўз кучи билан университетга ўқишга киради, факультет талабалар уюшмаси президенти этиб сайланади; талабаларнинг 1964 йилги норозилик намоёишида иштирок этгани боис ярим йил қамоқда ҳам ётиб чиқади. Аламзадаликка асоси бордек унинг. Аммо...

Айнан шу ерда соф шарқона хулоса пайдо бўлади: “Мен ўзимнинг шу қамоқда жон берган ватанпарварлар ва мустақиллик учун курашганларга таққослашга арзигулик ҳеч иш қилмаганимни яхши билардим... Зеро, мамлакатни танқид қиладиганларнинг барчаси ҳам ватанпарвар эмас... Буларни ўйлаб кўриб, нима қилишим лозимлигини тушундим... Мен оптимистга айландим... Қуйида туриб, ўзини юқоридагилар билан тинмай солиштираверадиган киши — тушқун. Ўз мавқеини бошқа кўпчиликка қараганда юқорироқ деб санайдиган киши эса — некбин”.

Бинобарин, кўчада ишсизлар тўлиб кетган, аҳоли турмуш даражаси жуда паст бўлган қолақ Кореяга сафсатабоз сиёсатчилар эмас, янги иш ўринлари ярата олишга қодир иқтисодчилар керак эди. Муаллиф ҳам энг шимариб ишга киришади. Қурилиш компаниясида саҳардан ярим кечага қадар давом этадиган оғир меҳнат. Ҳеч кимга, ҳатто аёлларга ҳам имтиёз йўқ. Ахир, иш топиш осон эмас. Кирдингми — энди ишла! Муаллиф ҳам тинмай меҳнат қилади, ишга ижодий ёндашади.

Қизиқ бир ҳолат: компания директорининг рафиқаси эндигина бўлим бошлиғи вазифасига ўтган Ли Мён Бақдан бир танишининг ўғлини ишга жойлаб қўйишни илтимос қилар экан, бу масалада эрига гапи ўтмаслигини очиқ тан олади. Аммо... бўлим бошлиғи кўнмайди. Директорнинг рафиқаси хижолат бўлиб чекинади.

Компанияда оддий ходим бўлиб иш бошлаган Бак ақли ва шижоати сабаб хизмат пилла-поляраридан бир-бир кўтарила бориб, 12 йилдан сўнг директор этиб тайинланади. Ишга берилиб кетиб, кўп вақтини компанияда ўтказгани учун одамлар уни “тунда ҳам ухламайдиган директор”, рафиқасини эса “иккинчи хотин” деб атай бошлайди. У кейинроқ қурилиш, пўлат қуйиш каби ўнта корхонадан иборат йирик корпорация президенти, Корея Миллий ассамблеяси депутати, Сеул шаҳри мэри лавозимларини эгаллайди.

Муаллиф ёзади: “Баъзан мени, гўё ҳаётимда ҳамма нарса худди эртақдагидек кечган деб ўйлаб, “мўъжизалар қаҳрамони” атайдилар. Аммо менинг ҳаётим асло мўъжиза эмас, изтироб ва сабр-тоқатга тўла, машаққатли узун йўлдир. Мен бу йўлдан ҳар кунни, ўзимга бўлган ишончини йўқотмай ҳамда орзу-умидларимни бой бермай, қатъият ва жасорат билан одимладим”. Китоб бежиз “Инсоннинг ҳар қандай тўсиқ ва машаққатлар устидан ғалабаси ҳақида қисса” деб аталмайди.

Муаллиф ўқувчига фойдаси тегиб қолар деган мақсадда ҳаётий тажрибаларини ўртоқлашади: “Ишга киришишда сусткашлик қилмаслик даркор”, “Ўзига ишонган — тап тортмайди”, “Директордай фикр юритиб, бўлим бошлиғидай ишла!”, “Компания соҳиби — сенинг рақобатчинг”, “Феълнингги ишинга мослаштир”, “Агар болалар ота-оналари шу пайт қаерда ва нима иш билан машғуллигини билиб турса, уларга оилада алоҳида тарбия беришнинг ҳожати йўқ”, “Иш билан вақт устидан ҳукмронлик қил”...

Мутахассислар ўтган асрнинг олтмишинчи-саксонинчи йилларида Жанубий Корея иқтисодидида мисли кўрилмаган юксалиш бўлганини эътироф этади. Йигирма-йигирма беш йил ичида аҳоли жон бошига тўғри келган даромад 80 доллардан 8000 долларгача кўпайиши ҳазил гапми?! Ушбу жараёнда инсон омили нечоғлиқ муҳим ўрин тутгани китобда ёрқин тасвирланган.


Алоҳа, китоб муаллифи ҳақида мухтасар сўз. Ли Мён Бак — 2007 йилдан буён Жанубий Корея президенти. Бу ибратли китоб эса — таржимаи ҳоли, аммо унда бир кишининггина эмас, Корея халқининг сўнгги эллик-олтмиш йиллик ҳаёти акс этган.

Мўъжиза ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ҳақиқий мўъжизани Инсон меҳнати, ижоди билан яратади...



**ЭЪТИҚОД ВА ҚОРИН ҚАЙҒУСИ ДИЛЕММАСИ**

**Ф. М. Достоевский. Братья Карамазовы (Собрание сочинений в пятнадцати томах. Т. 9-10). Ленинград, “Наука”, 1991.**



Романнинг иккинчи қисмидаги “Буюк инквизитор” бобида Иван Карамазов укаси Алёшага гўёки ўзи тўқиган достонни айтиб беради. Мутолаа жараёнида “Буюк инквизитор” боби улугъ ёзувчининг дунёқараши, изтироблари, иштибоҳлари, бир сўз билан айтганда, бутун борлигини акс эттиришига ишонч ҳосил қиламиз. Айни пайтда “Буюк инквизитор” — ҳали ечими тўлиғича топилмаган, неча-неча йиллардан бери аҳли қаламнинг бошини қотириб келаётган ва, эҳтимолки, абадий жумбоқ ҳам.

“Достон” воқеаси ўн тўртинчи асрда, Испанияда, инквизициянинг даҳшатли ўчоғи бўлган Севильяда бўлиб ўтади. Буюк инквизитор (кардинал) минглаб одамларни оч олов бағрида жизғанақ этаётган шаҳарда Исо алайҳиссалом ўзининг аввалги қиёфасида пайдо бўлади. Оломон уни таниб қолади! Оломон унинг оёқларига йиқилади! Оломон унинг оёқларини ўпади! У ҳам худди ўн тўрт аср бурунгидек сўқир қариянинг кўзларини очади, тобутда ётган етти яшар қизчани тирилтиради. Шу маҳал майдонга соқчилари қуршовида тўқсонларга яқинлашиб қолган чол — буюк инквизитор келади ва манзарани жимгина кузатиб туради. Сўнгра қўриқчилар унинг ишораси билан мўъжиза соҳибини ушлаб, зиндонга олиб кетади. Худди шу зиндонда эзгулик ва ёвузлик, яратувчи ва вайрон қилувчи, оқ ва қора куч ўртасида баҳс кетади. Назаримда, романнинг энг юксак чўққиси ана шу мулоқотда акс этган.

Камина бир неча бор ушбу мулоқотни ўзбекчага ағдарилганга уриниб кўрганман. Ўзим учун, албатта. Аммо ҳар гал нимадир етишмаётгандек, кардиналнинг сўзларидаги қатъий мантик, совуқ ишонч, худбинона манманлик етарли ифодасини топмаётгандай туюлаверади ва беихтиёр бу машғулоти тўхтатаман.

Дастлаб жоҳил, ваҳший кимсадек туюлган кардинал кутилмаганда оломон руҳияти билимдони эканини намоён этади: “Мен сени эртагаёқ энг ёвуз бидъатчи сифатида ёқдириб юборсам, бугун оёқларингни ўпган оломон бир ишорам билан сен ёнаётган гулханга ўтин ташлайди”.

Инквизиторнинг ўз фалсафаси бор. Кардинал бандиси бир ярим минг йил бурун ваъда этилган озодлик нихоят оломонга насиб қилганини, лекин ўша озодлиқни унинг “оёқлари тағига” мутелик ила олиб келиб ташлаганини айтади. “Одам табиатан исёнга мойил; лекин исёнчи бахтли бўла оладими?” Кардиналнинг талаби битта: бизга халақит берма! Унинг фикрича, майли, одамлар озод бўлди ҳам дейлик, аммо ҳеч қандай эътиқод уларнинг қорнини тўйдиролмайди-ку! Охир-оқибат улар барибир кардинал тимсолидаги ҳукмдорларга ўз эркини бағишлайди ва, майли, бизни қул қилинг, лекин қорнимизни тўйдиринг, деб тавалло қилади. Зеро, одамзод бир вақтнинг ўзида ҳам нон, ҳам озодликка эга бўлолмайди. Одам фақат нон тутгангагина таъзим қилади. Ҳукмдор эса одамларни ўз озодлигини хўжайинига тақдим этганидагина қорни тўйишига ишонттиради. Албатта, ҳукмдорлар нонни ўзлари етиштирмайди, балки раияти етиштириб берган нонни тақсимлайди, холос. Оломон шундан ҳам мамнун. Ҳукмдорлар одамларни ишлашга мажбур этади, баъзан эса гуноҳ қилиб туришига рухсат ҳам беради. Кимки бу жараёнга халақит берса, сўзсиз жазога мустаҳиқ. Демак, қайдандир пайдо бўлиб қолган Исо алайҳиссалом ҳам гулханга ташланишга лойиқ. Бошқа йўл йўқ...

Бу гапларни айтиб бўлган инквизитор ўз асирдан эътироз кутади. Аммо маҳбус индамасдан келиб, кардинални қучиб, ўпиб қўяди. Қария қалтираб кетади. У эшикни очади ва асирга қараб: “Кет... бошқа қайтиб келма...” дейди. Асир кетади.

“Буюк инквизитор”ни ўқиб, унинг таъсирида юрган чоғларим беихтиёр инсоният тарихидаги энг ёвуз, энг қонхўр диктаторлар, монархлар, подшолар, императорлар, қироллар худди тўқсон ёшли мутаассиб кардинал каби фикр юритадигандек туюлаверди. Зеро, уларнинг ҳеч бири “ўзим учун қон тўқялман” ёхуд “эрмак учун одам ўлдирялман” демайди. Ёвузлигини “халқнинг бахти-саодати учун” ва ҳаттоки “инсониятни порлоқ келажакка олиб чиқиш” қабилидаги сохта шиорлар ортига яширади. Энг ёмони, аксар ҳолларда шу шиорларга ўзлари ҳам ишонади. Ишонч аралашган жоҳиллик эса ваҳшийлик тугдиради.

Тақдир ўйинларини қаранг: инсоният бошига ёғиладиган ҳар қандай бало, уруш, ваҳшийлик айнан инсоният номидан амалга оширилади; инсоният учун хизмат қиладиган ҳар қандай эзгулик, ёруғлик ҳам айнан инсоният номидан йўққа чиқарилади, бадном этилади.

Достоевский даҳоси бу ҳодисотни қанчалар теран англаган ва шунчалар шафқатсизлик билан китоб саҳифаларига кўчирганига қойил қолмасдан илож йўқ.

Наҳотки қорин ғами, бир бурда нон қайғуси бани башар минглаб йиллар давомида амал қилиб келган инсоний муносабатларни ҳазондек супуриб ташлай олса?!

Жамиятда “буюк инквизитор”ликка қарши куч қандай шаклланади? Оломон онги, тафаккури қай йўсинда ўзгаради? Бу жараён тадрижий равишда рўй берадими ёки инқилобий тарздами? Балки Достоевский “Буюк инквизитор”ни қаламга олиб, одам билиши шарт бўлмаган аллақандай шафқатсиз ёвузликларни очиб ташлагандир?..

## ИНСОННИ АНГЛАШ

**Саид Шермухамедов. Инсон фалсафаси.**  
Тошкент, “Фан”, 2007.

...Яхши китобни ютоқиб, гоҳо ўзингдан ҳам қизганиб ўқийсан...

Академик олимимиз Саид Шермухамедовнинг мўъжазгина рисоласини ўқиш асносида кўнгилдан шу ўй кечди.

Давримизнинг улғу адиблари Чингиз Айтматов ҳамда Мухтор Шохоновнинг “Чўққида қолган овчининг оҳ-зори” деб номланган суҳбат-китобини ҳаяжон билан ўқиб чиққанмиз, ундаги залворли мулоҳазаларнинг мағзини чақишга ҳаракат қилганмиз, айрим ўринлари ҳақида ўзаро баҳслашганмиз ҳам. Мана энди, орадан маълум фурсат ўтиб, файласуф олимнинг ушбу китоб ҳақидаги рисоласи сиз кашф этиб улгурмаган янги қирраларини англашга, ҳис этишга ундайди.

Шубҳасиз, туркий улуснинг икки атоқли адиби даражасида фикр юритиш, улар билдираётган мулоҳазалар моҳият-маъносини илғаган ҳолда фалсафий тадқиқот яратишга журъат этиш учун кишида адабий жасорат билан бирга чуқур қомусий билим ва савия бўлмоғи лозим.

“Бу китоб... Инсон ҳақида, — деб ёзади муаллиф. — Муаллифлар Инсон ҳақида, унинг ҳаёти ва ўлими, ибратли ва салбий сифатлари, ўтмиши, бугунги куни ва келажаги, жамият, давлат, оила, маданият ва цивилизация, Ер курраси ва Коинот, ўсимлик ва ҳайвонот олами... тўғрисида чуқур мулоҳаза юритадилар. Худди мана шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бу китобда дунёдаги жамики нарсалар ҳақида ёзилган, деган тасаввур туғилиши табиий”. Ҳа, олим ҳеч иккиланмасдан ўз хулосасини “табиий” деб атайди. Ва бу билан мутахассис сифатида асарга жуда юксак баҳо беради.

Муаллиф бу хулоса билан чекланмайди. Энди ўзини ана шу мулоҳазага етаклаган омишларни бир-бир санайди: “Уларнинг (Чингиз Айтматов ва Мухтор Шохоновнинг — **А.Й.**) Инсон табиати, мамлакат, халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар қаърига кириб бориши ажойиб тарзда, яъни савол-жавоб мулоқоти қатнашчилари ўртасида туғилган ноёб ижодий яқдиллик натижасида... амалга ошади. Назаримизда, ушбу ҳолатда шахслараро ва миллатлараро инсоний мулоқотнинг буюк кучини кўрмасликнинг асло иложи йўқ... Китоб миллатлараро маданиятнинг ўзаро таъсир кўрсатиш ва бойишининг ёрқин, етук тимсолидир”.

Ёки: “Инсон... бошқа халқлар тарихи, оғзаки ижоди, турмуш тарзи, урф-одатлари, руҳияти, тили ва маданиятини англаб, чуқур билгандагина... нималар ҳақида мушоҳада юритиш, сўзлаш зарурлигини ҳис этади ва у ўз мулоҳаза ҳамда ғояларини дадил айтади...”

Яхши асар фақат эзгуликка хизмат қилади. “Чўққида қолган овчининг оҳ-зори” китоби талқини асносида муаллиф кўнглида, онг-шуурида ҳикматли мулоҳазалар туғилади: “Жамоатчилик фикрининг кучи шундаки, у хайрли ишларни қўллаб-қувватлаб, салбийларини рад этган ҳолда, Инсонда... виждон, шаън, кадр-қиммат... ватанпарварлик, фахр, бағрикенглик, ҳамдардлик, сергаклик, раҳм-шафқат, олижаноблик каби фазилатларни камол топтиради”.

Хуллас, бугун саксон ёшни қаршилаётган оқсоқол файласуфимиз мазкур китоб баҳона Инсон ва жамият, маданият, тамаддуннинг уйғунликда камол топиши борасидаги ўй-кечинмаларини ҳам ўртоқлашади.





## СЎЗНИНГ КУЧИ

Теодор Драйзер. Стоик. Тошкент, “Шарқ”, 1992.

Бу асарда ҳам Драйзер қаламига хос хусусият — бозор иқтисодиёти даврида ишбилармон қатламнинг қандай қилиб муваффақиятга эришиши ҳижжалаб кўрсатилган. Шу жиҳатдан, романи бинийига ўқув қўлланмаси деса ҳам бўлади.

Воқеалар йигирманчи аср бошида Америкада юз беради. Чикагода иши унчалик юришмаган Фрэнк Каупервуд бир иложини қилиб Лондондаги метро қурилишини ўз кўлига олади. Бунинг учун не-не хийлалар ишлатмайди дейсиз! Ҳатто Беренис исмли ёшгина маъшуқа топганида қонуний хотини Эйлиндан қутулиш учун унга Толлифер исмли йигитни жазманликка ёллашгача бориб етади. Ниҳоят, паймонаси тўлаётганини англаганидагина рафиқаси ета бошлайди. Аммо чархи кажрафтор маккор Каупервуд устидан кулади: у неча йиллар мобайнида алдам-қалдам йўллар билан йиққан катта маблағни ўзига ўхшаган айёр кимсалар ўзлаштириб юборади. Эйлинга эса ҳеч вақо қолмайди: ўтники — ўтга, сувники — сувга...

Ҳар гал асарни ўқиётганимда бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратаман. Бу — роман қахрамонларининг матбуотга муносабати.

Каупервуд Чикагода темир йўл қуриш бўйича шартномага эга бўлолмай қолади. Чунки журналистлар унинг шубҳали ўтмишини кавлаштириб, ғалати маълумотлар топади, жумладан, таниқли бизнесмен бир пайтлар панжара ортига тушганини ҳам...

Каупервуд жазмани билан ишқий муносабатлари газета саҳифаларида пайдо бўлиб қолишидан ҳам қўрқади. Шу сабабли Беренис билан жамоатчилик орасида кўринишдан ўзини тийиб юради.

Доғули Фрэнк Каупервуд кўп йиллик синовдан ўтган иш юритувчиси Сиппенсони Лондонга, шаҳар ерости йўлига доир маълумотлар тўплаб келишга юбораркан, ундан бир нарсани илтимос қилади: “Яхшиси, Англияга шунчаки қишни ўтказиб келиш учун боряпман, денг. Энг муҳими, сафарингиз ҳақида бирон-бир хабар газеталарда чиқмасин, ҳеч иложи бўлмай қолса, бирон соҳа билан қизиқаётганингизни айтинг, фақат транспорт соҳасини тилга олманг”.

Каупервуд полициядан қўрқмайди: сотиб олиш мумкин; солиқчилардан ҳам қўрқмайди: одамлари бор. Аммо газеталардан ҳайиқиб туради. Чунки Чикаго газеталарининг ер тагида илон қимирласа биладиган журналистлари ҳатто Каупервуднинг навбатдаги жазмани — Керолайн уйда уюштирилган базмлар ҳақида ҳам мақолалар чоп этиб улгурган.

Қизиги шундаки, наинки миллионер Фрэнк Каупервуд, ҳатто у ёллаган камбағал Толлифер ҳам газета “таъмини тотиб кўрган”, яъни навқирон Толлифер Нью-Йоркда бой оиланинг ёшгина қизини гўё севиб қолиб, уни ўғирламоқчи бўлиб турганида қўлга тушган. Газеталар дарҳол “сеп овчиси” дея унинг шармандасини чиқарган...

Эҳтиёткор Каупервуд янги ишига сармоя тўплаш ниятида йўлга отланганида ҳам газетачилар назарига тушиб қолмаслик, репортёрларнинг қитмир саволларига жавоб бермаслик учун рафиқасини ҳамроҳ қилиб олади.

Боёқиш асл ниятини яшириб, кўҳна қитъага хотини билан шунчаки дам олишга кетаётганини айтиб чалғитмоқчи бўлади. Аммо муҳбирлар бу гапларга ишонмайди.

Каупервуд Англия соҳилига қадам қўйган заҳоти уни энди маҳаллий журналистлар ўраб олиб, сафар мақсади ҳақидаги саволларга кўмиб ташлайди.

Ниҳоят, Лондондаги келишув битай деб турганда Каупервуд сафарининг асл мақсадидан хабар толган Чикаго журналистлари ўз газеталарида шов-шувли мақолалар эълон қила бошлайди. Американинг “Дейли мейл”, “Кроникл”, “Таймс”, “Экспресс” каби нуфузли газеталарида ҳам бу мавзу ёритилади.

Инглиз ишбилармонлари бу газеталарнинг ҳар бир сонини диққат билан кузатиб боради. Чунки улар бу мақолалар орқали ҳамкорларини янада яхшироқ билиб олиши мумкин.

Қисқаси, Лондондаги метро қурилиши барча майда-чуйда тафсилотларигача матбуотда муҳокама қилинади, биронта масала, катта-кичиклигидан қатъи назар, жамоатчилик эътиборидан четда қолмайди: ким, қачон, қанча? . .



Хатто бечора Эйлин ҳам охир-оқибат ёлғиз қолаётганини англагач, эрига пўписали мактуб йўлларкан, уни “Мен сизни Лондон ва Нью-Йоркнинг барча газеталарида шарманда қиламан”, деб яқунлашдан ўзга чора тополмайди...

Мана, гап қаерда экан, деган хулосага келдим ўзимча. Нима учун Фрэнк Каупервуд ўзини изма-из таъқиб этаётган мухбирларни ҳайдаб солмайди? Ёхуд қўриқчилар ёллаб, уларни яқинига йўлатмаслиги ҳам мумкин эди-ку! Йўқ, америкалик миллионер бундай қилолмайди, аксинча, сабр-тоқат, эҳтиёткорлик ва айёрлик билан мухбирлар саволига жавоб беришга мажбур. Чунки у жамоатчиликка матбуотни менсимайдиган жоҳил бўлиб кўринишни ҳам, шарманда бўлишни ҳам хоҳламайди. Жамоатчиликнинг бу борадаги — дейлик, “Каупервуднинг кўрқадиган жойи йўқ, шу сабабли журналистлар билан бемалол суҳбатлашиб турибди” қабилидаги — ижобий фикри эса катта куч. Маълум маънода, капитал ҳам.

Балки айнан шу сабаб ҳам сал хасталаниб, ётиб қолган Фрэнк Каупервуд дилида иккита исмга қўшиб яна бир сўзни ҳам беихтиёр такрорлайди: “Беренис! Эйлин! Газеталар!”

Каупервуд янглишмаган эди: айнан газетачилар унинг касаллигини халқаро миқёсдаги моливий муаммога айлантириб юборади...

Роман воқеалари, асарнинг ўта таъсирчан ечими ўз йўлига. Ўйлаб қоламан: Каупервуддек пихини ёрган қаллобни салгина жиловлаб турадиган, жамоатчилик билан ҳисоблашишга мажбур этадиган, қолаверса, устувор қадриятлар, чунончи, ахлоқий поклик, бизнесдаги ҳалоллик, соғлом рақобат тантанаси учун имкон даражасида бўлса-да, хизмат қиладиган матбуот ҳар қандай жамиятда ҳам эътибор топаркан.

### ҲОКИМИЯТ АНАТОМИЯСИ

**Габриэл Гарсиа Маркес. Бузрукнинг кузи.**  
Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2008.

...Ўрта асрларда яшаб ўтган француз қиролларидан бири эътироф этган экан: “Саройни мен бошқармайман. Саройни ўрнатилган маълум одатлар, анъаналар бошқаради”.

Романни ўқиётиб, шу эсимга тушди.

“Бузрукнинг кузи” — инсон ҳокимиятни шакллантирадими ёки ҳокимият инсонними, деган саволни кўндаланг қўядиган фусункор роман. Дарҳақиқат, ким — кимни? Кимнинг кучи, нуфузи, эътибори баландроқ? Инсоннингми, ҳокимиятнингми? Ким кимнинг ноғорасига ўйнайди?

Навбатдаги ҳарбий тўнтаришдан сўнг саройга келиб қолган — президентлик курсисига ўтирган саводсиз генерал бу ерда кўпи билан ярим ой бўлсам керак, кейин дов-дастагимни кўтариб жўнаб қоламан, деб ўйлайди. Аммо қисматнинг кутилмаган эҳсони туфайли (бахтмиди бу ёки бахтсизлик — бу саволнинг жавоби ҳам очиқ қолган) генерал шу юртга икки юз йил ҳукмронлик қилади. Бу давр мобайнида у нималарни бошидан кечирмади: хоинликлар, суиқасдлар, мунофиқона лаганбардорликлар, жудоликлар... Ҳокимият мазасини тота борган сайин (балки ҳокимият уни эгаллагандир, эски афсоналардаги каби виждони билан олди-сотди қилгандир) генерал бадқовоқ, индамас ва шафқатсиз одамга айланади. Гўёки халқининг бахт-саодати учун (аслида ўз жонини ўйлаб) расман нусхадошини топади, бир туки қилт этмасдан уни ажалга рўбарў этади: энг яқин дўстларидан бири — генерал Родриго де Агиларни тириклай оловда пишириб, меҳмонларга таом қилиб тортади: “Иштаҳангиз карнай бўлсин, сеньорлар!” Айнан ўз жонини сақлаб қолиш учун мамлакат фуқароларини пашшадай қириб ташлайдиган махфий хизмат тизими ишга тушишига изн беради. Аммо бора-бора генерал ўзи бунёд этган маҳабатли давлат машинасининг ожиз мурватига, “анъаналар ва одатлар”нинг кулига айланади. Энди ундан фойдаланадилар, номини сотиб пул ишлайдилар. Ёлғиз унинг учун бир номда газета чиқарилади, унинг учун алоҳида телесериаллар намойиш қилинади — уни оғзига ширинлик солиб қўйилган ёш боладай алдашади. Чунки у шунга муносиб. Мамлакат қарзга ботгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Охири чора қолган — денгизни сотиш...



# Yoshlar va siyosiy madaniyat

Ёшларнинг сиёсий маданияти — мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса. Бу тушунча уларнинг аксар ҳолларда жамият тарихи ва башарий маданиятни қандай қабул қилиши, сиёсий онг ва сиёсий фаолият йўналишлари мажмуи, қолаверса, ўзига хос сиёсий тизим сифатида талқин этилади. Ёшларнинг миллий ва умуминсоний тамойилларни қабул қилиши, аввало, кенг билим, сиёсий фаоллик ҳамда ҳокимият тизимига хайрихоҳлик каби омилларга асосланади. Бинобарин, мазкур жараён уларда дастлаб сиёсатга қизиқиш юзага келиши орқали намоён бўлади. Ёшлар сиёсий жараёнларга қизиқиш билдирса ва давлат бошқарувида иштирок этишдан манфаат кўрса, ўзининг фуқаро сифатидаги ҳуқуқ ва бурчларини адо этишда ҳам фаол бўлади. Шу тариқа уларда сиёсий жараён ва сиёсий ҳокимиятга таъсир кўрсатишга лаёқатлиман, деган ишонч қарор топади.

Ёшларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги иштироки юзасидан ҳуқуқий механизм яратилиши уларда сиёсий слоҳотлар жараёнига ишончни орттиради, айни чоқда жамият сиёсий тизимидаги демократик институтлар фаолиятини мустақил кузатиб, ақлий салоҳияти даражасида таҳлил этиш ва тегишли хулоса-қарорларга келиш кўникмасини ҳосил қилади, демократик қадриятлар инсон ва жамият учун нафли эканини ҳис этади. Шу аснода уларда сиёсий ҳокимият ва сиёсий жараёнга таъсир кўрсатиш лаёқати пайдо бўлади. Сиёсий тизимда умуминсоний принциплар асосида вужудга келган бундай шарт-шароит ёшларга ҳокимият фаолиятига таъсир кўрсатиш имконини беради.

Ушбу жараёнда, табиийки, йигит-қизларнинг жисмоний, руҳий ва ақлий хусусиятлари эътиборга олинishi зарур. Сабаби, ёшлар ҳам мустақил, ҳам катталар иштирокида ўсиб-улғаяди. Бу босқичда йигит-қизлар шахс сифатида ўзлигини англаб, фикрлаш доираси кенгайиб, интеллектуал лаёқати ортиб боради (*Қаранг: Большая психологическая энциклопедия. М., "Эксмо", 2007, стр. 383*). Мазкур нуқтаи назар ёшларнинг сиёсий маданият орқали умуминсоний принципларни эгаллай боришига ҳам бевосита тааллуқли. Сиёсий онг ва маданиятни шакллантиришда ёшлар умуминсоний негизларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб олиши, биринчидан, уларнинг сиёсий маданияти шакл-

ланишига ижобий таъсир кўрсатса, иккинчидан, демократия тўғрисидаги умумий назарий тасаввурларини бойитади, учинчидан, демократия асл воқеликка айланишига жиддий таъсир этувчи миллий ва умумбашарий қадриятларнинг фарқли ва муштарак жиҳатларини англашга имкон беради. Асосийси, йигит-қизлар орасида сиёсий маданиятнинг умуминсоний принципларини ўзлаштириш муҳити юзага келиши, уларнинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг фаол, онгли иштирокчилари бўлиб этилишига шарт-шароит яратишдир.

Умуминсоний принциплар, ўз моҳиятига кўра, сиёсат субъектлари манфаатларининг интеграциялашуви жараёнига БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар орқали таъсир кўрсатиб туриши билан тавсифланади. Шунингдек, у сиёсий муносабатларнинг барча соҳасига дунё миқёсида таъсир кўрсата олиши билан ҳам аҳамиятлидир. Умуминсоний принципларга хос асосий хусусият унинг башариятга тааллуқли барча муаммоларни ҳал этиш имкониятида ҳам кўринади. Бу уруш ва тинчлик, умумий хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, саводсизлик ва қашшоқлик каби муаммоларни ҳал этиш билан алоқадордир.

Демократик давлатлар ёшларнинг сиёсий маданияти хусусий мулкка эгаллик ҳисси ва шахснинг давлатдан мустақиллигини таъминлаш асосида узоқ йиллар давомида шаклланган.

Дарҳақиқат, ёшлар қалби ва онгида сиёсий маданиятнинг демократик моделига хос хусусиятлар шакллангандагина уларнинг умуминсоний принципларни қабул қилиши фаоллашади.

Хулоса сифатида, ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришда миллий ва умуминсоний негизлар: янги авлодда давлатнинг ички ва ташқи сиёсатга қизиқиш мавжудлиги; демократия фаолиятдан қониқиш ҳисси юзага келгани; сиёсатга таъсир кўрсатишга лаёқатлилик туйғуси шакллангани; жамият сиёсий ҳаётида иштирок этиш истаги мавжудлиги; демократик институт ва қадриятларга нисбатан хайрихоҳлик кучайганида намоён бўлишини айтиш мумкин.

**Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,**  
тадқиқотчи

# Jurnalistika va hokimiyat

“Тўртинчи ҳокимият” — оммавий ахборот воситаларига хос кенг тарқалган таъриф. Хўш, ушбу истилоҳ қандай келиб чиққан? Жамият ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган мазкур ижтимоий институтни чинакам сиёсий ҳокимият сифатида талқин қилиш мумкинми?

Ҳокимиятнинг уч тармоққа ажралиши демократик давлатнинг муҳим талабларидан бири саналади. Ушбу сиёсий-ҳуқуқий назария илдизи антик даврга бориб тақалади. Қадимги юнон мутафаккири Аристотель “Сиёсат” рисоласида бу борадаги дастлабки қарашларни илгари сурган бўлса, XVIII асрда француз маърифатпарвари ва файласуфи Шарль Луи Монтескье уни яхлит назария сифатида ишлаб чиқди. Бунга кўра, давлат бошқаруви ваколатлари қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти ўртасида тақсимланади, ҳокимиятнинг мазкур уч бўғини мустақил иш юритади, қонун доирасида бир-бирининг фаолиятини назорат қилади. Мазкур тизим ҳокимият бўғинлари ўртасида кучлар мувозанатини таъминловчи самарали механизм сифатида баҳоланади.

Публицист ва файласуф Томас Карлейль “Қаҳрамонлар ва қаҳрамонлик култи ҳақида” асарида келтиришича, биринчи бўлиб инглиз давлат арбоби Эдмунд Берк (1729-97) матбуотнинг жамият ҳаётида аҳамияти тобора ортиб бораётганига ишора қилиб, уни “тўртинчи ҳокимият” деб атаган. XIX асрдан бошлаб эса демократик тараққиёт йўлини танлаган жамиятларда журналистикани шундай аташ анъана тусини олган.

Яна шу асрдан эътиборан Европада матбуот “тўртинчи ҳокимият”га муқобил равишда “олтинчи буюк салтанат” деб номланган. Бу вақтда кўхна қитъа сиёсий саҳнасида Буюк Британия, Германия, Франция, Австрия-Венгрия ва Россия каби беш империя катта таъсир кучига эга эди. Матбуотга олтинчи империя дея нисбат берилишида ҳам унинг қудратини таъкидлаш истаги ётганини сезиш қийин эмас. Бироқ империячилик тузуми қулаши билан ушбу “унвон” ҳам тарих мулкига айланди.

Журналистиканинг “тўртинчи ҳокимият” сифатидаги функцияси ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари қонунчиликка нечоғли рию эгаётгани, халқ томонидан берилган ваколат ва мажбуриятларга қанчалик содиқ қолаётганини

назорат қилишга асосланади, яъни оммавий ахборот воситалари қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқлари устидан ижтимоий назорат юритади. Мазкур функцияни матбуотнинг демократияни кўриқлаш вазифаси билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Журналистиканинг либертариан назариясига кўра, ОАВ жамиятни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборот билан таъминлайди, содир бўлаётган қонунбузарликлар, бошқарув идоралари вакиллари йўл қўйган камчиликларни фош этади, тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратади. Шу тариқа ОАВ бошқарув идораларининг халқ олдида ҳисобдорлигини ёдга солиб туради. Бу ўринда бутун дунёда шов-шув бўлган “Уотергейт иши”ни эслаш мумкин. 1972 йил июнида АҚШ Демократик партиясининг “Уотергейт” меҳмонхонасидаги қароргоҳи тунаб кетилади. “Вашингтон пост” газетасининг икки муҳбири — Карл Бернстайн ва Боб Вудворд жиноятни ўрганишга киришади. Бир неча ой давом этган текширувдан кейин “Уотергейт”даги ўғрилик ортида мамлакат президенти, республикачилар етакчиси Ричард Никсон тургани аниқланади. Р.Никсон ўз ихтиёрига кўра лавозимини тарк этади. (*Kovach B. Rosenstie Tom. The Elements of Journalism, New York, 2007, p.65*).

Ижтимоий муаммоларни кўтараётган ОАВ фуқаролик жамияти институти сифатида давлат органларига ижтимоий-сиёсий масалаларни конструктив ечиш борасида таклифлар беради, фикрлар хилма-хиллигини таъминлайди.

Маълумки, оммавий ахборот воситаларида ижроия, қонунчилик ва суд ҳокимиятининг бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжатлари (қонун, фармон, қарор, фармойишлар) эълон қилинади. Баъзи мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида давлат ҳокимиятининг айрим идоралари қабул қилган ҳужжатлар ОАВда эълон қилингандан кейингина кучга кириши қонидаси ҳам мавжуд. Айрим тадқиқотчилар наздида эса бу журналистикани ҳақиқий сиёсий ҳокимият сифатида талқин қилишга асос бўлади.

Аммо “тўртинчи ҳокимият”ни матбуотнинг рамзий номи деб қабул қилиш мақсадга

мувофиқдир. Конституциявий ҳуқуққа оид луғатда бу истилоҳга шундай таъриф берилган: “Тўртинчи ҳокимият” — оммавий ахборот воситаларига нисбатан қўлланиладиган шартли ва образли атама. Оммавий ахборот воситалари жамият ва давлатда ишларнинг боришига жиддий таъсир кўрсатишига урғу беради” (*Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2006*). Демак, журналистикани “тўртинчи ҳокимият” деб аташда унинг конститу-

циявий-ҳуқуқий мақоми эмас, жамиятга (социум) кучли таъсири назарда тутилади.

“Тўртинчи ҳокимият” — метафора, мажозий ифода, образли таъриф. Мазкур хулоса журналистиканинг қудрати, таъсир кучини асло камайтирмайди. Аслида, ҳокимият мақоми журналистиканинг асл табиатига, мақсад-вазифаларига ҳам тўғри келмайди.

**Собиржон ЁҚУБОВ,**  
ЎЗМУ аспиранти

## Xavfsizlikning huquqiy negizi

Миллий хавфсизлик тизимининг самарали фаолият юритиши бевосита ва узвий ҳолда мустаҳкам ҳуқуқий негиз шаклланишига боғлиқ. Амалдаги қонун ҳужжатлари, хусусан, Конституция, “Ташқи сиёсатнинг асосий принциплари тўғрисида”ги қонун, Миллий хавфсизлик концепцияси, Мудофаа доктринаси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий қоидалари белгилаб берилган.

Мазкур тизимда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси алоҳида ўрин тутди. Унинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи айрим жиҳатларга тўхталиб ўтсак. Авваламбор шуни таъкидламоқ жоизки, концепция давлат хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш борасидаги расмий қарашлар йиғиндиси. Мазкур ҳужжат фақат тегишли мансабдор шахслар ва ваколатли давлат идораларининг бевосита саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ яратилади. Одатда, миллий хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқувчи иштирокчилар доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Иккинчидан, концепциянинг бош вазифаси миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишдир. Миллий хавфсизлик концепцияси давлатнинг хавфсизлик борасидаги сиёсатини амалга ошириш механизми (тизими) ва ҳуқуқий принципларини белгилаб беради. Учинчидан, айнан мазкур сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатда миллий хавфсизликнинг асосий соҳа ва йўналишлари, хавфсизлик объектлари кўрсатиб берилди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Миллий хавфсизлик концепциясида хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналиши сифати-

да саккизта соҳа ажратилган. Унга мувофиқ, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари миллий хавфсизлик объектлари саналади. Тўртинчидан, концепция муддатли ҳужжат, яъни у давлат ва жамият ривожланишининг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб, муайян бир муддат учун мақсад ва вазифалар белгилайди, манфаат ва таҳдидларни аниқлаб беради. Манфаат ва таҳдид тушунчалари концепциянинг “муддатлилиги”ни кўрсатади. Турли омиллар (мисол учун, жўрофий-сиёсий, минтақавий ва халқаро вазиятнинг ўзгариши) таъсирида бу икки категориянинг “аҳамияти” ва “хавфлилиқ даражаси” ортиши ёки камайиши мумкин. Бу эса миллий хавфсизлик концепциясига тегишли ўзгаришлар киритиш лозимлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси мисолида мазкур фаолиятни амалга оширишнинг қуйидаги асосий йўналишларини санаб ўтиш мумкин: Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини таъминлаш бўйича мавжуд имкониятларни баҳолаш; хавфсизликка асосий таҳдидлар кўлами, уларга қарши курашнинг куч ва воситалари тизимини баҳолаш; миллий хавфсизликнинг асосий соҳалари тизимини танқидий қайта таҳлил этиб кенгайтириш; асосий категориялар мазмунига янада ойдинлик киритиш.

Бизнингча, Миллий хавфсизлик концепцияси мазмунини бойитиш ва такомиллаштириш унинг доирасида кечадиган жараён билангина чекланиб қолмайди. Юқорида айтилганидек, концепция расмий қарашлар тизими бўлиб, ушбу ҳужжат сиёсий-ҳуқуқий аҳамият касб этади. Маълум

маънода концепция меъёрий жиҳатдан ундан-да юқори турувчи ҳуқуқий актлар қоидаларига асосланиб ишлаб чиқиладиган ҳужжатдир. Бу ўринда сўз миллий хавфсизликка оид бошқа қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисида бормоқда. Мазкур ҳужжатлар хавфсизлик концепцияси билан бирга хавфсизликнинг алоҳида соҳалари бўйича миллий қонунчиликни ривожлантиради. Ушбу ҳужжатларда хавфсизликка оид асосий тушунчалар (миллий хавфсизлик, миллий манфаат, хавфсизлик тизими ва

бошқалар), хавфсизлик соҳалари, улар доирасида ҳимоя қилиниши лозим бўлган манфаатлар ва асосий принциплар ўз ифодасини топган бўлади, миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ давлат сиёсатини амалга оширувчи тегишли давлат органлари, жамоат ташкилотлари тизими, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари доираси белгилаб берилади.

**Иномжон БОБОҚУЛОВ,**  
юридик фанлар номзоди

## “Оммавий маданият” нима?

Баъзи маълумотларга кўра, “оммавий маданият” XIX асрнинг 50-йилларида бева аёлларнинг фарзанд кўриши табиий деб қаралган Европада бошланган. Кейинчалик бу каби ҳолатлар АҚШда ҳам кузатилган. XX аср ўрталарига келиб Европа ва АҚШда “оммавий маданият” тушунчасига “эркин муҳаббат” ғояси кўшилади. Унга кўра, ёшлар расмий никоҳга қадар бир-бирини синаш учун муайян муддат эр-хотиндек яшаб кўриши одат тусини олади. Улар бир-бирига маъқул келса, никоҳ тузилади, маъқул бўлмаса, ҳеч нима кўрмагандек ажрашиб кетаверади. Шу маънода “оммавий маданият” аслида зинокорликни оқлашдан бошланиб, 1989 йилга қадар турли ахлоқсизликларни келтириб чиқарди. Никоҳсиз яшаш, никоҳсиз фарзанд кўриш, жамоат жойларида ҳам эркак ва аёл очикдан-очик ишқий муносабатини намойиш қилиши, келиб чиқиши номаълум мусиқа ва кўшиқлар тинглаш, беҳаё фильмларни табиий равишда тамоша қилиш одатий ҳолга айланди. Сўнг бир жинсли кишиларнинг никоҳга кириши, уларнинг жамият анъана ва қоидаларига зид равишда кийиниши каби иллатлар пайдо бўлди.

1989 йиллардан Европа ва АҚШда классик маданиятга содиқ соғлом фикрли кишилар “оммавий маданият”га қарши кескин кураш бошлади. Вақт бой берилганига қарамай бу иллатга қарши кураш ҳамон давом этмоқда.

Президент Ислон Каримов “оммавий маданият” иллатининг мамлакатимизга кириб келишидан огоҳ қилар экан, унинг қуйидаги кўринишларини ажратиб кўрсатади: ахлоқий бузуқлик; зўравонлик; индивидуализм; эгоцентризм. “Оммавий

маданият”дан мақсад: “шунинг ҳисобидан бойлик орттириш (1), бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик (2), уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар туғдириш (3) одамни ташвишга солмай қўймайди” (Ислон Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 117-бет).

Агар “оммавий маданият”нинг бу каби белгиларини чуқурроқ таҳлил этсак, қуйидаги хулосаларга келамиз:

Ахлоқий бузуқлик — энг тубан иллат бўлиб, аста-секин “эркин муҳаббат”дан “бир жинсли одамлар ўртасида никоҳ тузиш”гача бўлган босқичларга кўтарилади. Ёшларни маънавий жиҳатдан айлантириб, минг йиллардан буён ардоқланиб келаётган муқаддас муҳаббат анъанаси ўрнига зинокорликни тақдим қилади. Ахлоқий бузуқлик даставвал оилага дахл қилади, кейин эса насл поклигига путур етказилади. Контрабанда йўли билан юртимизга кириб келаётган ҳаёсиз фильмлар воситасида ахлоқий бузуқлик тарғиб қилинмоқда. Бундай “маҳсулотлар”ни тарқатишга интилаётган кимсаларни фақат бойлик орттириш қизиқтиради, холос.

Зўравонлик — инсоннинг инсон устидан ҳукм ўтказишидир. Зўравонлик шахс ҳуқуқини паймол этиб, унинг онгида ҳайвонийлик ҳиссини пайдо қилади. У бугунги кунда кинолар, компьютер ўйинлари ва интернетдаги турли қўлланмалар воситасида тарғиб қилинмоқда. Булар орасида айниқса, ваҳшат (ужас) фильмлар нафақат интернет сайтларини, балки катта экранларни ҳам

эгаллаб бораётгани ғоят ташвишлидир. Масалан, кенг оммага тақдим этилган “Гладиатор” фильми ҳам зўравонликни тарғиб қилувчи ижод маҳсули ҳисобланади.

Олимлар фикрича, зўравонлик ғояларини тарқатишдан мақсад — баъзи гегемон давлатларнинг кучсизроқ давлатларга нисбатан ўтказадиган сиёсати учун муҳит ва асос яратишдан иборат (*Бьюкенен П. Смерть Запада. М., “Гарда-рики”. 2004. стр. 103*). Унга кўра, муайян бир давлатга зўравонликни тарғиб этувчи маҳсулотлар изчиллик билан киритиб борилади ва табиийки, бу маҳсулотларни ишлаб чиқарган давлат номи рекламалар кўринишида тарғиб қилинади. Натижада, бу маҳсулотларни “истеъмол” қилувчилар онгида бу давлатнинг куч-қудрати ҳақида тасаввур шаклланади.

Индивидуализм ғоясига кўра, шахс ўз манфатини ўзгаларникидан устун кўяди. Шахс индивидуал бўлиши керак, лекин бунинг ҳам меъёри бор. Индивидуализм жамоавийликнинг зид кўриниши, у шахсни жамиятдан айро яшашга, кўникўшчилик, маҳалла-кўйчилик ва жамоавийликка қарши ружда вояга етказди. Индивидуализм

ғояси Европа маданий анъаналарини кўз-кўз қилиб тарғиб этишга асосланади. Бу ғояга биноан инсон фақат ўзи учун яшашни афзал билиши лозим.

Эгоцентрист — худбин одам ҳар бир нарсага ўзининг “мен”лик нуқтаи назаридан қарайди. Бунинг энг ташвишли жиҳати шундаки, бундай одам ўзини доимо ҳақ деб билади. Ўзгаларга беписанд қараш, ўз хатти-ҳаракатларини мутлақо тўғри деб билиш эгоцентризмнинг асосий белгиларидандир. Ҳозирги даврда эгоцентризм иллати ақидапарастлик, манманлик ва худқушлик кўринишларида ҳам намоён бўлмоқда.

“Оммавий маданият”нинг мазкур кўринишлари маънавий-ахлоқий қадриятларимизга бутунлай зид бўлиб, миллий маънавиятимизни йўқотишга қаратилгандир. Шундай экан, ҳозирги даврда мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон “оммавий маданият” таҳдидининг маъно-мазмунини чуқур англаб олмоғи ва унга қарши турмоғи ғоят муҳимдир.

**Шаҳноза ОДИЛХОНОВА,**  
*тадқиқотчи*

## *Katta sinov davri*

Қарзга яшашни одатга айлантирган, уни қайтариш ҳақида қайғурмаган одам бир кун танг аҳволда қолиши муқаррар. Бунга мисол сифатида бугунги дунё молиявий инқирозига оид икки муҳим далилни айтиш мумкин. Биринчиси, инқироз табиий ҳодиса, у маълум даврлар оралиғида доимо содир бўлиб келган. Иккинчиси эса, АҚШнинг ипотекали кредитлаш тизимидаги қарзлар инқирознинг кичик бир кўриниши, холос. Давлат бу қарзларини қоплаган тақдирда ҳам жаҳондаги иқтисодий аҳвол яхшиланиб қолмайди. Инқирознинг туб сабабларидан бири жаҳонда кундан-кунга ортиб бораётган истеъмол талабидир. Ҳозирги давр ишлаб чиқариш қуввати инсониятнинг маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондира олмаяпти. Масалан, жаҳон қишлоқ хўжалиги мажмуаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар аҳолининг фақат бир қисми эҳтиёжларини қоплайди, холос.

Бугунги инқироз палласи тадбиркор учун ўзига хос бир синовдир. Ҳақиқий ишбилармон бундай синовлардан кўрқмайди. Хўш, бундай

шароитда у қандай йўл тутиши керак? У ақл билан иш юритиб, таслим бўлмай ва бизнесидан кечмай, келажак режалари ортга сурилса-да, иш кучини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоғи керак. Бу — биринчидан, ишсизликнинг олдини олишни, иккинчидан, шунинг эвазига ишлаб чиқариш ҳажми камаймаслиги ва бозор талаби тушиб кетмаслигини таъминлаб беради. Бундай ютуққа мамлакат миқёсида эришиш учун барча корхоналарни аниқ бир мақсад йўлида бирлаштирмоқ лозим. Албатта, бу хомхаёлдек туюлиши мумкин. Негаки, корхоналарнинг молиявий аҳволи ҳар хил; лекин давлат молиявий жиҳатдан оқсаётган корхоналарга ёрдам бериб, эвазига улардан ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаслик ва иш ўринларини қисқартирмасликни талаб қилса, бу хаёлий фикрни рўёбга чиқариш мумкин. Муҳими, ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаслик ва ишсизликнинг олдини олиш. Чунки асосий муаммо ишсизлик оқибатида юзага келмоқда. Бунинг таъсирида аҳолининг даромад манбаи ҳам камаймоқда. Демак, корхоналардаги инқирозга

қарши маркетинг олдида “Харидор пули камайганда нима қилиш керак?” деган муҳим савол кўндаланг бўлади. “Ҳеч нима бўлмагандек, ишлаб чиқаришни давом эттиравериш керак”. Аммо бу ғоя корхоналар олдига модернизациялаш, тез мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотни диверсификация қилиш каби муҳим мақсад ва вазифаларни қўяди.

Одатда иқтисодий қийинчиликлар даврида инсоннинг емоқ-ичмоққа эҳтиёжи биринчи ўринга чиқади. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортиши билан бошқа турдаги товарларга сарфланадиган харажатлар қисқара боради. Янги бозор шакллана бошлайди, харидор энди қимматбаҳо, сифатли брендлар эмас, сифатсиз бўлса-да, арзон товарларни харид қилади. Корхоналар ҳам шунга қараб стратегиясини ўзгартиради, яъни сифатини тушириб бўлса ҳам харидор чўнтаги кўтарилган маҳсулотларни таклиф қила бошлайди.

Бозорда катта-кичик инқироз содир бўлиб туради. Масалан, бозорда кучли рақобатчи пайдо бўлиши ёки давлат томонидан янги солиқ жорий қилиниши ёхуд товар рангими, шаклими харидорга ёқмай қолиши мумкин. Шу боис корхоналарнинг инқирознинг олдини олишга қаратилган режаси доим тайёр туриши керак. Инқироз кўп, аммо бугун юзага келгани улар ичида энг кўзга кўринарлидир.

Хўш, инқироздан чиқиш учун нима қилиш керак? Оддий бир истеъмолчи сифатида бу саволга жўнгина жавоб бериб қўрайлик. Дейлик, қўшимча қулайлик учун керак бўлган буюмларни (уй жиҳозлари, электроника) унута туриб,

бор маблағни деҳқончиликни ривожлантириш ва энг зарур истеъмол молларни сотиб олишга сарфлаш мумкин. Биринчидан, бу билан юқори рентабелликка эришилади. Картошка экиб, уни сотиб, ўртача ҳисобда бир йилда 400 фоиз рентабелликка эришиш мумкин. Иккинчидан эса, инқирознинг олдини олишга оз бўлса-да, ҳисса қўшилади. Корхона ҳам худди шу усулни қўлласа бўлади. Бу масаланинг бир томони, албатта. Агар ҳолатга жиддийроқ ёндашилса, вазиятдан чиқиш кетиш учун бу кифоя қилмайди. Шунинг учун ҳам корхоналарда инқироз таъсирини енгиллатишга қаратилган қўшимча режалар бўлиши даркор. Бундан асосий мақсад эса бозорнинг ҳар қандай ўзгаришларига олдиндан тайёр туришдир. Ҳозирги шароитда бозордаги кичик бир ўзгаришни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Инқироз шароитида маҳсулот турини камайтирмасликнинг энг самарали йўли маҳсулот тайёрлашдаги харажатларни (сифати ва хизмат кўрсатишни) пасайтиришдир. Шу тарзда бозорга арзон товар олиб чиқиш мумкин. Бу албатта, вақтинчалик чора. Чунки инқироздан сўнг корхоналар яна сифатли товарлар билан истеъмолчилар ҳурмат-эътиборини қозонишга ҳаракат қилади. Бугун эса асосий мақсад ўша даврларга “эсон-омон” етиб боришдир. Зеро, имтиҳон давридаги айни синовлар бизга тадбиркорларни саралаб беради.

**Хуршидбек ЙЎЛБАРСОВ,**  
Фарғона Политехника институти  
талабаси

## Publitsistik asar ta'sirchanligi

Ўзбекистондаги демократик ривожланиш жараёнида ёшларнинг роли ва ўрни ортиб бормоқда. Ёшларнинг сиёсий онгини шакллантириш, уларни ёт ғоя ва таъсирлардан ҳимоя қилиш, юксак сиёсий идеаллар ва фаоллик сари йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, тадқиқот ва тарғибот ишлари прагматик ёндашувга асосланмоқда.

Ёшлар сиёсий онги ва қарашлари шаклланишида воқелик ва ҳодисалар танқидий ҳамда ғоявий таҳлил қилинадиган публицистик асарларнинг аҳамияти ҳам катта.

Публицистика адабий жанр турларидан бўлиб, маъноси “оммавий тушунтириш”, “изоҳлаш”, “тасвирлаш” демакдир. Публицистик асарлар мақола, эссе, очерк, эсдалик ва баъзан эпик асар кўринишида ёзилади. Уларда муайян ижтимоий ва сиёсий муаммо, ғоя ва қарашлар таҳлил қилинади, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли хулосалар чиқарилади.

Публицистик асарларда инсоний ғоялар устувор даражада ифодаланади. Масалан, Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум устоз Озод Шарафиддинов-

нинг “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” эссесини олайлик. Бир қарашда эътиқод ҳам ўзгарадими, деган савол туғилади. Асарни ўқиш давомида сохта ва ёлғон ғоялар, тушунчалар ва принципларга таяниб шакллланган эътиқоднинг ўзгаришига ишонч ҳосил қила борасиз. Эсседа, шунингдек, фикр ва ғояни тушунтириш учун ўхшатишлар, образлар ва қиёслардан унумли фойдаланилган.

Таниқли публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Давлатнинг салобати” асарида шахс, жамият ва давлат ҳаётида масъулият туйғусининг нақадар аҳамиятга эга экани таҳлил қилиб берилган. Унга кўра, шахс, жамият ва давлат ўзаро масъулдир, уларнинг фаолияти олий мақсад йўлида бирлашади. Масъулиятсизлик ҳар учала субъект учун ҳам хавфлидир. Адиб бу ғояни замонавий ва тарихий фактларни уйғунлаштириб, эмоционал ва мотивацион тарзда баён қилади. Натижада ўқувчи онги ва қалбида пўртана рўй беради, у беихтиёр ўзлигига назар ташлашга интилади.

Маълум бўладики, публицистик асарлар муайян ғоя, фикр, тушунча ва қарашларни таҳлил қилиш билан шахс онгида йўналтирувчи, тушунтирувчи ва тарбияловчи вазифани бажаради. Булар

бадийлик ва илмийликнинг уйғунлашуви тарзида амалга оширилади.

Публицистик асарларнинг бир қанотини бадий тасвир, иккинчи қанотини эса илмий таҳлил ташкил қилади. Натижада ўқувчи онгида ўзига хос кўзғалиш, таҳлил қилиш ва ниманидир англаш юзага келади. Публицистик асарлардаги бу хусусият ёшлардаги сиёсий онг ва қарашларнинг тўғри шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки улар киши онгига психологик воситалар, ишоралар ва таҳлиллар билан таъсир кўрсатади. Шу сабабли Эрих Фромм (1900-1980) бу тоифадаги асарларни “шахс онги учун мислсиз маънавий озик” деб атаган эди.

Шундай қилиб, ёшлар сиёсий қарашларининг шаклланишида публицистик асарларнинг аҳамияти катта. Бунда ижтимоий-сиёсий ғоялар, тушунчалар, қарашлар ва принципларни бадийлик ёрдамида илмий-ижтимоий таҳлил қилиб берилади.

**Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА,**

*Давлат ва жамият қурилиши академияси  
тадқиқотчиси*

## Katta ekran tarixiga bir nazar

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий тарихимизни тиклаш ва уни халқимизга ҳолис етказиб бериш долзарб масалага айланди. Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур” (*Ислоҳ Каримов, Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд, Т., Ўзбекистон, 1999, 149-бет*).

Совет даври тарихи ҳақида кўп ёзилган. Аммо мафкура қолипига солинган тарихнинг ёлғон-яшиғидан ҳақиқатни ажратиш олиш унчалик осон иш эмас. Бу кино санъати ҳам тааллуқли. Унга булган мафкуравий муносабатни тарихий нуқтаи назардан илмий асосда ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди.

Маълумки, шўро ҳокимиятининг кино санъати муносабати ХХ асрнинг 20-30-йилларида жуда зиддиятли ва мураккаб бўлган. У вақтлар мустахлак жумҳуриятларида эндигина шакл-

ланаётган кино санъати олдида воқеликни марксизм-ленинизм методологияси ва партия қарорлари асосида тасвирлаш шарт қилиб қўйилган эди. Бундай мафкуравий “ҳиммат”дан ўзбек кинеси ҳам “бебаҳра” қолмаган. 20-йилларда суратга олинган “Ўлим минораси” (1925), “Мусулмон қиз” (1925), “Пахтаорол” (1925), “Бахт куёши” (1926), “Иккинчи хотин” (1927) сингари овозсиз, титрли бадий фильмларда совет турмуш тарзи тарғиб қилинса, “Работ қашқирлари” (1927), “Сўнгги бек” (1930), “Йигит” фильмларида халқимизнинг миллий-озодлик ҳаракати қораланган. “Рамазон” (1932), “Авлиё қизи” (1930) каби фильмларда эса миллатимизнинг диний ҳиссиётлари атеистик нуқтаи назардан таҳқирланади. Аксар фильмларда одамларнинг колхозга кириши тарғиб-ташвиқ қилинади.

Хўш, нега коммунистлар совет турмуш тарзини тарғиб қилишда айнан кино санъатиға ёпишиб олди, деган ҳақли савол туғилади. Бундан кўз-



ланган мақсад аҳолининг авом, хат-саводни зўра танийдиган ёки умуман танимайдиган қатламлари онгига ўз ғояларини энг оммавий томоша тури орқали тезлик билан синдириш эди.

Зикр этилгандек, дастлабки фильмлар овозсиз бўлиб, уларни кинотеатр ходимларидан бири шарҳлаб турган. XX асрнинг 30-йилларига келиб эса илгарилари “буюк соқов” деб аталган кинонинг “овози чиқиб қолди” — овозли фильмлар пайдо бўла бошлади.

Кино санъатини ривожлантириш учун аввало кадрлар тайёрлаш муаммосини ҳал этиш керак эди. Айни мақсадда 1925 йили Ўзбекистонда биринчи актёрлар студияси очилди. Яна шу йили Тошкентда “Шарқ юлдузи” киноширкати ташкил этилди. Ширкат дастлаб фильмларни ижарага бериш, кинотеатрлар репертуари ва, умуман, фаолиятини ташкил этиш билан шуғуллана бошлади. Лекин “Шарқ юлдузи” киноширкати асосий вазифаси давр талабига мос киноасарлар яратиш эди. Компартия ва шўро ҳукумати шундай асарлар кўплаб яратилиши ва тарғиб қилиниши учун барча шароитни яратиб берган эди.

Ўзбекистонда кадрлар масаласи, хусусан, аёл актрисаларни тайёрлаш муаммосини ҳал этиш кўп қийинчиликлар туғдирди. Бу ҳақда Наби Ғаниев хотираларида шундай деб ёзади: “Илк асарим “Юксалиш” яратилаётганда эпизодик ролни ўйнаётган бир ўзбек аёли дафъатан суратга тушишни хохламай қолди. Суриштириб кўрсам, диндор чоллар унга сен суратга тушсанг, руҳингнинг, жонингнинг бир қисми экранга ўтиб, танангда қолган руҳинг нимжон, заиф бўлиб қолади. Кейин дўзахга тушсанг, ўт алангасида ёнасан-кетасан”, деб “насихат” қилган экан” (Ҳ.Ақбаров. *Сеҳрли ёғду. Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1977, 27-бет*).

20-йилларда суратга олинган фильмларда маҳаллий миллат вакиллари деярли учрамайди. Масалан, “Иккинчи хотин” фильмида Тожибой ролини Г.Чечелашвили, Саодатни Ж.Войнова, Адо-

латни Р.Мессерер, Содиқбойни М.Доронин каби бошқа миллат вакиллари ижро этган. Кадрлар муаммоси 30-йилларга келибгина ечимини топа бошлади.

Коммунистлар кинофильмлар томошасига аёлларни кўпроқ жалб этиш мақсадида уларнинг кинотеатрларга киришини бепул қилиб қўйган эди. Бу ҳол томашабиннинг муттасил кўпайишига олиб келди.

У вақтлар актёрлар тақчиллиги сабабли бошқа республикалардан келган актёрлар қатори Наби Ғаниев, Сулаймон Хўжаев, Комил Ёрматов, Йўлдош Аъзамов сингари режиссёр, сценарийнавис, операторлар ҳам роль ўйнаган эди.

Шу тариқа Ўзбекистонда кино санъати шакллана бошлади, лекин мафкуравий чеклов баробарида молиявий чекловлар ҳам мавжуд эди. Марказ фақат 6 та тўла метражли ва 6 та телевизион бадиий фильмни суратга олиш учун маблағ ажратар эди.

Бугунги кунда давлат бюджетидан ҳар йили 15 та тўла метражли, 60 қисмли видеофильмни суратга олиш учун маблағ ажратилаётир, хусусий студияларнинг ўзида 30-40 та бадиий фильм ишланмоқда. Албатта, бу фильмларнинг савияси даражаси турлича, бироқ бу борадаги миқдор ўзгаришлари бир кун келиб сифат ўзгаришларига айланишига умид бор.

Ҳар қандай фильм инсон руҳиятига, маънавиятига таъсир кўрсата олиш кучига эга. Бугунги кунда томошабин, хусусан, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган, уларни фидойиликка чорлайдиган, ибрат бўла оладиган юксак савиядаги кинофильмларга эҳтиёж катта.

Фильмларни томоша қилиш билан бирга кўп вақт номақбул мафкура исканжасида бўлган кино санъати тарихидан ҳам хабардор бўлиб қўйиш бугунги эркинликка осонлик билан эришилмаганини тушуниб олишда кўмак бериши шубҳасиз.

**Барно ЎНГБОЕВА,**  
ЎзМУ аспиранти

## Mash'um yillar uqubati

Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилгач, ўлканинг иқтисодий аҳоли янада оғирлашди. Қишлоқ хўжалигидаги таназул, кам ҳосиллик етмагандек, ўлкага четдан келтириладиган ғалла миқдори ҳам кескин камайди. Октябрь тўнтари-

шидан аввал Туркистонга ҳар йили 14 миллиондан 20 миллион пудгача ғалла келтирилган бўлса, 1918-19 йилларда қанча-қанча машаққатлар билан олиб келинган ғалла миқдори 1,5 миллион пудга ҳам етмасди (*Шамсутдинов Р, Каримов*

*Ш. Ўзбекистон тарихидан лавҳалар. Андижон, 2004, 104-бет*). 1917 йили Туркистон бўйича 52 миллион пуддан ортиқ ғалла олинган, аммо ўлканинг донга бўлган эҳтиёжи 110 миллион пуддан кўпроқ эди.

1918 йил баҳоридан ғалла танқислигига гўшт, ёғ, чой, қанд-шакар етишмовчилиги ҳам қўшилди. Совет ҳукумати аҳолини синфий гуруҳ ва тоифаларга ажратиб озиқ-овқат билан таъминлай бошлади. Озиқ-овқат аввал қизил аскарлар, сўнг ишчилар, энг охири қишлоқ аҳолисига тарқатиларди. Шу тариқа Туркистонда очарчилик бошланди ва у шиддат билан авж олди. Бутун-бутун қишлоқлар аҳолиси очликдан қирилиб кетди, шаҳарлар хувиллаб қолди. Одамлар тирик қолиш илинжида ўт-ўлану ўсимликлар илдизларини, шунингдек, ноҳалол жонзотлар гўштини ейишга мажбур бўлган. Оқибатда аҳоли орасида турли юқумли касалликлар авж олган. Масалан, манбаларда Қўқон шаҳрида сил билан оғриган беморлар орасида ўлим даражаси 40 фоизга етгани қайд этилган (*Баҳриддин Қ. Тоқатли эл тўзимас. “Муҳофаза”, 2005, № 4, 37-бет*). 1917-18 йилларнинг қиш ва баҳорида Фарғона водийсини домига олган даҳшатли очарчилик натижасида аҳолининг 30 фоизи қирилиб кетган.

Вилоятда ҳатто қамоқхоналарни қўриқлашга ҳам ходим етишмай қолган. Натижада 1918 йил февралда вилоят ҳарбий кўмондони Скобелев округ суди прокурорига мурожаат қилиб, ҳарбий асирларни озод қилиш ҳамда уларга Россиянинг нони бутун губернияларидан иш топиш зарурлигини айтади.

1918 йил 20 ноябрда Туркистон Марказий Ижроия кўмитаси очликка қарши кураш Марказий комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган. Кейинчалик бундай комиссиялар маҳаллий Советлар қошида ҳам тузилган ва уларга “мусулмонлар орасида алоҳида ишонч қозонган маҳаллий аҳоли” вакиллари ҳам кирган. Шундай вакиллардан бири — Турор Рисқуловнинг сая-ҳаракати билан ўлкада минглаб маҳаллий аҳоли очликдан кутқариб қолинган.

1918 йил февралда Фарғона шаҳрида 4 та очлар учун бепул овқатланиш шохобчаси ташкил қилинган. Бундай овқатланиш шохобчаларида камдан-кам ҳолларда тарқатилган иссиқ овқат ҳам сувда қайнатилган мошдан иборат эди.

1922 йил бошларида Марғилон шаҳрида болалар учун 4 та, катталар учун 2 та бепул овқатланиш маркази ва 1 та “болалар уйи” ташкил

этилган. Шунингдек, Марғилонда 5 та дорихона очилиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилган. Аммо тиббий хизмат ўта чеклангани сабабли 1922-23 йиллари шаҳарда тарқалган хилма-хил касаллик оқибатида минглаб одам қирилиб кетди.

Андижон Советининг раиси Д.Урюпининг 1918 йил 26 мартда Тошкентга йўллаган телеграммасида: “Андижон шаҳрида очарчилик оқибатида ҳар куни юзлаб киши ҳалок бўлмоқда, терлама ва бошқа касалликлар авж олмақда. Ишсизлар кўп, иш йўқ, аҳолини юз берган аҳвол билан кенгроқ таништирмақ керак. Газеталарда, мажлисларда бу ҳақда хабар беришингизни илтимос қиламиз”, дейилган эди.

Андижон шаҳрида очларни озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида озми-кўпми чоратадбирлар кўрилган. Махсус кўмита тузилиб, унинг вакиллари ғалла тайёрлаш учун ўлка ва уезд туманларига юборилган. 1918 йили Андижон шаҳрида 12 та, уездда эса 40 та аҳоли учун бепул овқатланиш маркази очилган. 1919 йили улар сони 55 тага етган. Шу билан бирга, Андижонга Туркистоннинг турли шаҳарларидан ёрдам тариқасида озиқ-овқат маҳсулотлари, ғалла ва ун юборилган.

1922 йил Наманган уездида очликдан азият чекканлар сони 1 минг 485 нафар бўлиб, уларнинг 270 нафари болалар эди (*Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 435-фонд, 1-рўйхат, 166-иш, 27-варақ*). 1921 йил август ойида бу ерда ҳам очларга ёрдам комиссияси фаолият бошлади. 1921 йил октябрида ўтказилган ҳафталик тадбирлари натижасида очларга ёрдам тариқасида Наманган шаҳри аҳолисидан 18 миллион рубль миқдоридан пул ва бошқа моддий ашёлар тўпланди.

Бироқ Фарғона водийсида очарчилик кун сайин авж олаверди. Маълумотларга кўра, 1922-23 йиллари бу ҳудудда очарчиликка дучор бўлганлар сони 277 минг кишига етган.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона вилоятида очарчиликнинг олдини олиш ва озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга марказий ҳукумат жиддий эътибор бермаган бўлса-да, Туркистоннинг маҳаллий раҳбарлари имконият даражасида уни бартараф этишга ҳаракат қилган. Бироқ улар амалга оширган чора-тадбирлар шундай улкан муаммони ҳал қилиш йўлида дарёдан томчидек гап эди, холос.

**Улуғбек МАНСУРОВ,**  
*НамДУ аспиранти*

# Sózní sevíb saylagan adíb

Сўзни дунёнинг ибтидосию интиҳоси деб би-лиш барча замонларда эътироф этилган. Унинг миллат маънавиятидаги ролини теран англаган адиб Асқад Мухтор “Ёш дўстларимга” китоби-дан ўрин олган бир мақоласида сўз ҳақидаги қарашларини баён қилар экан: “Мен ўзим сўз устаси эмасман. Зотан, ҳар кимдан сўз устаси бўлишни талаб қилиш ҳам қийин. Чунки сўз устаси бўлиш учун катта, нодир, табиий талант эгаси бўлиш демак”, деб ёзган эди (Асқад Мухтор. *Ёш дўстларимга*. Т., “Ёш гвардия”, 1980, 120-121 бетлар).

Асқад Мухтор ҳазрат Навоий лутфига ҳамоҳанг сўзга, тилга эътибор — ҳар бир кимса-нинг одамийлик даражаси, хулқ-атвори, маданий савияси, ички дунёсини кўрсатувчи муҳим омил деб ҳисоблайди. “Сўзига боқу ўзига боқ; сўз кўн-гилнинг кўзгуси, деб бежиз айтмаганлар. Халқда ҳам, донишмандлар бисотида ҳам тил ҳақида, сўз ҳақида ажойиб ҳикматлар, афоризмлар бор. Айниқса, Алишер Навоийда”, дейди у.

Адиб халқ тилининг барча бойликлари, қолаверса, бадиий тилнинг сифатлаш, муболаға, ўхшатиш, истиора, киноя, тазод ва бошқа воситаларидан ўринли фойдаланишни гоят қадрлайди. “Йўлда ётган тошга биров қоқилиб ўтади. Биров бепарво ҳатлаб ўтади. Биров тепиб, ғазабланиб ўтади. Биров босиб, аста кўтариб олиб четга ташлайди”, деб ёзади Асқад Мухтор. Шу йўлда ётган тошга муносабатнинг ўзида неча хил феъл-атвор очилади. Адиб ижодкор сўзнинг ана шу хусусиятидан усталик билан фойдаланиб, қаҳрамонларини таъриф-тавсиф этиш баробарида уларнинг қандай одамлигини айтган сўзлари орқали ҳам ифодалаб беришини маҳорат деб белгилайди.

“Тил зўрликни ёқтирмайди. Тил тараққиёти айрим шахсларнинг истаги ё ихтиёри билан эмас, объектив талаблар, тилнинг ички қонуниятига тақозоси билан, узок тарихий даврда юз беради. Тилнинг гўзаллик қоидаси — мантик ва табиийлик, бойлик манбаи эса — халқчиллик” деганда адиб сўзсиз ҳақ эди (*Йўша манба*, 123-бет).

Асқад Мухтор тилни ҳар бир халқнинг энг катта миллий бойлиги, инсониятнинг энг ажойиб мўъжизаси деб билади ва ўз фикрларини сўнгги

асари “Уйқу қочганда” (“Тундалиқлар”) асарида те-ран ифодалайди. Адибнинг сўзга бўлган муноса-бати “Тундалиқлар”га танланган эпиграфда ҳам ўз ифодасини топган: “Ортиқча сўздан тилини тиёл-маган одамнинг жиливи шайтон қўлида” (*Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар*. Т., “Камалак”, 1992, 52-бет).

“...Ҳамма замонларда шоир ва шеъринг сўз-нинг нечукдир ғайритабиий бир илоҳий куч би-лан боғлиқлигини тан олганлар”... Адиб тарих варақларини бир-бир варақлаб, сўз салоҳиятини илоҳий кучга боғлаш тарих қаърига кирганимиз сари баландроқ янграшини теран ҳис этади. Бу масала энг муқаддас китоблардаги “Аввал калом, у — Илоҳдандур!” деган ҳикматга бо-риб тақалишини, Аллоҳ Одам алайҳиссаломга “Ҳамма нарсани ўз номи билан айтгил” деб буюр-гани, қадим туркларда оқил одамлар (жумладан, шоир ва олимлар) “чалаби”, яъни “тангрисимон” деб аталганлигини яна бир бор эътироф этади (Асқад Мухтор. *Уйқу қочганда*. Т., “Маънавият”, 1995 йил, 17-18 бетлар). Шу боис ҳар бир сўзни унинг маъносини чуқур англаган ҳолда истифода этмоқ лозим.

“Устувор” — мустаҳкам, пойдор, давомли деган сўз. Биз уни устунлик, яъни “приоритет” маъноси-да ишлатамиз: “устувор йўналишлар”, “қонун усту-ворлиги”... “устун йўналишлар”, “қонун устунлиги” деб, оддийгина ўзбекча ва тўғри гапиришга нима етсин”. Дарҳақиқат, қонун ҳақида гапирганимизда мантикий урғуни унинг мустаҳкам, пойдор ёки да-вомли эканига эмас, устун эканига қаратамиз, “йў-налиш” ҳам шундай, демак биз “устувор” сўзини ноўрин қўллаймиз.

Адиб кенг қўлланадиган “гавжум” сўзига эъ-тиборни тортиб, “Кўча одамлар билан гавжум”, дейдилар. Ваҳоланки, “одамлар билан гавжум”... деб бўлмайди. Чунки “гавжум”нинг ўзи “одам кўп” дегани, каби фикрлар билан тилимиздаги ғализликларни танқид қилади. Бундан ташқари, матбуотимизда қўлланадиган “фаолият кўрса-тишни амалга оширдилар”, “шарофати натижа-сида”, “рақобат кураши” каби муҳбирларнинг санайверса адоғи йўқ “нодир” кашфиётларидан, тилдаги пала-партишликлардан ранжишини ай-тиб, ёшларни, айниқса, ижод аҳлини огоҳликка

чақиради. Бу фикрлар бундан ўнлаб йиллар илгари айтилган бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Шогирдлари хотирлаганидек, устоз ҳамиша теша тегмаган, қулоққа ёқадиған янги гап топиб айтар эди. Унинг шеър ё достонлари, қисса ё романларини эмас, кундалик мавзудаги оддий мақоласини ўқиганда ҳам одам беихтиёр хаёлга толар, ҳайратга чўмарди.

Атоқли адиб, Халқ жонли тилини ғоят но-зик ҳис этган, адабий тилнинг поклиги учун жон куйдирган Асқад Мухтор ўзининг бедор қалби, уйғоқ тафаккури, тугёнли кечинмаларини Сўзга жойлади ва шу Сўз уни элига манзур қилди. Чунки адиб “Сўзни қайлиқ сайлагандек севиб сайла...”ган эди.

**Муаттар ЖўРАЕВА,**  
ЎзМУ тадқиқотчиси

## Nitsshe va hukmronlik g'oyasi

Немис файласуфи Фридрих Ницше талқин этган ҳукмронликка интилиш ва шу йўлдаги ирода масаласи фалсафа оламида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келади. Кимдир уни ижобий баҳоласа, бошқа биров салбий ёндашув сифатида талқин этади. Ф.Ницшенинг фикрича, ҳукмронликка интилиш узлуксиз равишда шаклланиб борадиган онгсиз ва стихияли жараёндир. Ҳукмрон бўлиш ҳисси тирикликка хос, яъни тирик протоплазманинг оддий шаклларидадан тортиб то онгли мавжудот — инсонга қадар кучли бўлишни, “ўзини сақлаб қолиш эмас, балки эгалик қилиш хоҳиши, ҳукмрон, қудратли бўлиш”ни ҳаётнинг маъноси деб билади (*Ницше Ф. Воля к власти. Минск, 1999, 354-бет*).

Файласуф ҳукмронликка интилишни узлуксиз ҳаётий жараён сифатида таҳлил қилиб, уни борлиққа қарши қўяди. Олим фикрича, бу олам ҳам, нариги олам ҳам йўқ (бинобарин, икки оламнинг эгаси бўлган мутлақ куч ҳам йўқ, ҳамма нарса ҳукмронликка интилиш ва шу мақсадга қаратилган ироданинг узлуксиз шаклланишидан иборат), ҳаётнинг ўзи ҳам шу йўлдаги узлуксиз ва доимий курашдир.

Тасаввур қилинг, деб фикрини давом эттиради Ф.Ницше, ўрмондаги дарахтлар ён-атрофдаги бошқа ўсимликлар устидан ҳукмронлик ўрнатишга ҳаракат қилади. Ҳукмронликка интилиш ҳисси пайдо бўлмайди ва йўқолмайди, у ҳамиша мавжуд, ўз-ўзидан кучланиб борадиган жараёндир, бутун борлиқнинг яширин мазмунидир. Файласуф талқинича, дунёда лаззат ва изтироб, бахт ва ғамгинлик, эзгулик ва ёвузлик йўқ, бар-

часи тафаккур маҳсулидир, улар узлуксиз камолот ёки ҳукмронликка интилиш ҳиссининг турли жиҳатларини намоён этади, холос.

Албатта, Ғарб файласуфининг бундай ўта кескин қарашларини бутунлай ёқлаб ҳам, рад этиб ҳам бўлмайди. Уларни, аввало, Ницше яшаган муҳит, у вояга етган ижтимоий муносабатлар асосида тушуниш ва талқин этиш лозим. Шунда бу қарашлар инсониятнинг муайян бир даврдаги кайфияти ифодаси сифатида ўзига хос маъно-мазмун касб этади. Ф.Ницше христианлик таълимотидаги, изтироб инсон қалбини поклайди, деган нуқтаи назарни танқид қилади. У изтиробга қувонч ва завқни қарши қўяди. Изтироб ва азобга ҳаётда ўрин йўқ, аслида бу ҳислар дунёнинг нотўғри акс этиш маҳсули, деб ҳисоблайди. Уқубат танамизга хавф-хатар солиш учун содир бўлмайди, балки у шууримизда мавжудлиги учун бизда шундай ҳис уйғонади. Бинобарин, онгу шууримиз уйқуга кетиши билан азоб ҳам йўқолади. Ф.Ницше Ғарбий Европа фалсафасини таҳлил этар экан, Суқрот ва Афлотун сингари файласуфларни эзгуликни, ахлоқни мантиқий асослашга йўл очиб бергани, ахлоқни ақлга мувофиқлаштириб қўйгани учун айблайди. Ф.Ницшенинг талқинида ҳаёт инсон руҳий эркинлигининг абадийлигидан иборат.

Фалак гардиши қайта-қайта айланиб, моддий борлиқнинг бир руҳий шаклидан, иккинчи — янада юксак шаклига ўтади ва бу жараён чексиз давом этаверади. Оламнинг шаклланиш жараёнини ҳеч қандай мантиқий категориялар орқали тушунтириб бўлмайди, унда ҳеч қандай

мазмун, ҳеч қандай мақсад йўқ, ҳаттоки эзгулик ва ёвузлик тушунчалари ҳам бир-бирига ўтиб, нисбий маъно касб этади, дейди файласуф. Ҳаётда борлиқнинг ҳар бир шакли ҳукмронликка интилади. Бир-бирига руҳан яқин бўлганлар бирлашади, уларнинг атрофида ирода марказлари вужудга келади.

Ф.Ницше ижоди бир қарашда ғоят зиддиятли туюладиган ана шундай қарашлардан иборат.

Жумладан, унинг ҳукмронликка интилиш ҳақидаги фикрлари ҳам. Жаҳон фалсафасининг қанчалик ранг-баранг талқин ва таълимотлардан иборат экани, инсониятнинг ҳаёт ҳақидаги энг мақбул қарашларни шакллантириш йўлидаги изланишларини идрок этиш, тасаввур қилишда, ҳеч шубҳасиз, бу фикрларнинг аҳамияти катта.

Гулчеҳра ҚОБУЛНИЁЗОВА,  
ЎзМУ доценти

## Ikki olam talqini

Жаҳон фалсафасидаги икки йирик оқимдан бири — идеализмнинг отаси Платон (милоддан аввалги 427-347 йиллар) Шарқда Афлотун номи билан машҳур. Унинг асл исми Аристотел эди. Платон унинг тахаллуси бўлиб, юнонча “гавдали”, “суяги йирик” деган маънони англатади.

Афлотун деярли барча асарлари бизгача етиб келган биринчи қадимги файласуфдир. У Сукрот таъсирида ўзининг кўпгина асарларини бир неча файласуф суҳбати тарзида ёзган.

Афлотуннинг марказий фалсафий ғояси оламнинг иккита — моддий олам ва ғоялар олами бўлинишидан иборат. Унинг талқинидаги моддий олам нимаси биландир Пармениднинг “фикрга мос борлиғи”га ўхшаб кетади. Ғоялар олами эса — ҳақиқий мукамал — “ҳақиқатга мос борлиқдир”.

Афлотун моддий олам ва ғоялар олами ўртасидаги муносабатни гўзаллик ғояси мисолида тушунтирган. Оламда биз гўзал деб биладиган нарсалар мавжуд. Лекин ҳеч қандай нарса абдий, боқий эмас. Демак, биз уни фақат маълум бир чегарада гўзал дея оламиз, холос. Одам ҳам, ошхона идиши ҳам гўзал бўлиши мумкин. Лекин инсон гўзаллиги билан идиш гўзаллигини бир-бирига қиёслаш бемаънилик бўлади. Унда соф гўзаллик моҳияти нимада?

У ҳис қилинадиган оламдаги ўткинчи, ўзгарувчан нарсалардан фарқли ўлароқ, гўзаллик ғояси абдий, боқийдир, дейди. “Умуман, гўзаллик ғояси ҳис қилинадиган оламдаги нарсалар каби пайдо ҳам бўлмайди, йўқ ҳам бўлмайди, на улғаяди ва на кичраяди. У замон ва макондан ташқарида мавжуд. Унга ҳар қандай ҳаракат ва

ўзгариш бегона, ҳақиқий билимга эришган файласуф, — деб ёзади Афлотун, — дастлаб гўзалликнинг боқийлигини кўради”.

Афлотун бошқа ғояларни ҳам юқорида зикр этилган гўзаллик ғояси каби мутлақ боқий руҳий моҳият сифатида кўради. Ғоя — нарсанинг абдий сақланиб қоладиган моҳияти. Бу моҳият нарсадан мустақил равишда мавжуд. Ҳар қандай нарса пайдо бўлиши ва йўқолиши мумкин. Уларни яратиш ҳамда йўқ қилиш мумкин. Лекин моддий оламда бу нарсалар билан рўй берадиган воқеалар ҳеч қачон уларнинг ғоясига таъсир қила олмайди. Инсон айрим нарсаларга эгалик қилиши мумкин, лекин уларнинг моҳиятига, уларнинг тушунчалар билан ифодаланган ғояларига асло таъсир қила олмайди.

Мутафаккирнинг айтишича, умумийлик маълум конкрет нарсалардан алоҳида мавжудлик сифатида кўрилади. Унинг мавжудлиги мустақамроқ, мукамалроқ, абдийдир. Демак, ғоялар бизнинг оламимиздан узоқда, олий самовий маконларда яшайди, бу маконларни рангсиз, шаклсиз, ҳис қилиб бўлмайдиган моҳият банд қилиб туради. Бу моҳият ўз мазмунига кўра ягона жон озиғи — ақлга аён бўлади, холос, деб хулоса қилади.

“Мавжуд оламдаги нарсалар, — деб ёзади файласуф, — ғояларга алоқадордир: ҳис қилинадиган нарсалар олами ғояларнинг моддалар билан борикишидан ҳосил бўлади. Ҳақиқий борлиқ материя эса — йўқликка монанд: бу қусурли, ўткинчи олам, гўзал ва мукамал ғоялар оламининг ғирашира тасвиридир”.

Афлотун фалсафасида энг афзал, энг юксак ғоя деб бошқа ғояларга етакчилик қилувчи эзгулик

ғояси тан олинган. Бу шуни англатадики, оламда мақсадга мувофиқ бир низом бор — ҳамма нарса эзгу мақсадга йўналтирилади. Эзгулик ғояси худо билан бирлашиб кетади. Худо эзгуликдир.

Унинг билиш назарияси тўлиқ ишлаб чиқилган; асосий мазмуни хотиралар назариясидир. Мутафаккир нуқтаи назарича, инсон руҳи абадийдир. У инсон туғилмасдан туриб, ғоялар оламида бўлади. Инсон ўлимидан сўнг у яна ғоялар оламига қайтади. Руҳ нариги оламда эканида ғоялар билан мулоқотда бўлади ва билим эгаллайди. У инсоннинг фоний жисмига ўтганда нариги дунёда кўрган ва эшитганларини ёддан чиқаради. Лекин у яна эслаши ҳам мумкин.

Оламни билиш, натурфайласуфлар айтгандек, сезги аъзолари орқали эмас, балки руҳ ғоялар дунёсида кўрганларини эслаши йўли билан амалга оширилади. Ҳақиқатни билиш учун, — дейди Афлотун, — сезги аъзоларига, ҳиссиётларга мурожаат қилиш бесамардир. Аксинча, улардан бутунлай халос бўлиб, ўз руҳиятининг қаърига тушиб, унинг ғоялар оламида кўрганларини эшлашга ҳаракат қилиш керак. Билимлар манбаи руҳнинг қаърида — туғма ғоялардадир. Шунинг учун, софистлар таъкидлаганидан фарқли ўлароқ, билимни бир одамдан иккинчи одамга ўтказишнинг имкони йўқ.

Афлотуннинг “Менон” диалогида руҳнинг ғоялар оламида кўрганларини хотирлашга мисол келтирилади. Сўқрот хандаса (геометрия) илмидан беҳабар бола билан, етакловчи саволлар бериш услубидан фойдаланиб, суҳбат қуради.

Натижада болада худди ўзи Пифагор теоремасини эслагандек таассурот пайдо бўлади. Демак, бирор нарсани билмайдиган одамда унинг ўзи билмайдиган шу нарса хусусида тўғри фикр яшар экан-да, деб хулоса қилади Афлотун. Унинг фикрича, болада хандаса илми тўғрисида туғма билим бўлган.

Афлотун таълимотидан бошлаб ҳозиргача фалсафа ва руҳиятшуносликда туғма ғоялар борасида баҳс-мунозаралар давом этиб келади.

Инсоннинг билиши чегараланганини тushунтириш учун Афлотун машхур ғор тимсолидан фойдаланган. Тасаввур қилинг, ғорда маҳбус шундай кишанланганки, у фақат киришга қарама-қарши томондаги деворни кўра олади. Ғор ёнидан ўтаётганлар кўланкаси ғордаги ўша деворда акс этади, шу тариқа маҳбус нарсаларнинг ўзини кўрмаса ҳам кўланкасини кўриб туради. Бу нарсалар ҳақида маҳбус ҳеч нима билмайди дейиш, лекин унинг билими девордаги кўланкалардан олинган тасаввурчалик саёздир. Инсоннинг ғоялар олами тўғрисидаги билими ўша ғордаги маҳбуснинг билимича, холос, деб таъкидлайди Афлотун. Мавжуд оламдаги ҳис қилинадиган нарсалар — мукамал ғоялар оламининг хирагина шуъласи. У ғояларни билишга ёлғиз худо қодир, дейди файласуф. Афлотун “Давлат”, “Сиёсат”, “Қонунлар” асарларида баён этилган давлат назарияси билан ҳам машхур. Мутафаккир, тузилиши давлат ғоясига мос бўлганда, жамият энг мукамал бўлар эди, деган хулосани баён этади.

**Мамажон МАМАТОВ,**  
*тарих фанлари номзоди*



## RESUMÉ

**I**n a discussion entitled “The time of generosity and courage”, rector of the National University of Uzbekistan, prof. Gafurjon Muhamedov narrates about the influence of today’s globalization process on the education system, ways and measures of protecting the young minds from destructive ideas and from the impact of the so called “mass culture”. He also shares his views on problems of the national education system, ways of encouraging the youth to study, and on the effective reforms that are under way in this system.

**T**wo contradicting views on information society can be observed today. According to the first one, humanity has already stepped into information society, elements of which can be seen in the ongoing technical and technological development. The other vision doubts this and states that information society is a phenomenon that can be achieved in a distant future and thus it is too early to speak about it. In his article entitled “Information Society: Opportunity and Reality”, famous Russian mathematician Nikita Moiseev expressed his views on the present stage of social and technological evolution of society.

**I**n the current period of democratic civilization, information emerges not only as the basis of

communication, but also as that of social interaction and politics. If so, information is an important functional element of a people's government, and the national information system plays the role of a bridge between the government and society by means of information. "Democracy and the National Information System", an article by researcher Fakhridin Karimov, is about this.

**A**lthough cinematography is becoming more and more popular in Uzbekistan, there is a tendency developing that more shallow films are increasingly grabbing the audience's attention. However, this is a normal process. The world cinema industry has also faced such a phase. An interview with famous film producer Jahongir Qosimov headlined "If Cinema Turns a national symbol!.." is about the national film industry and its problems.

**O**ntology, a teaching that deals with the nature of existence, has played an enormous role as the basis for myths, religion and philosophy. In the XX century, in order to understand existence, to live with it and deal with its problems, it became a necessity to possess the right view about it. Philosopher Shahnoza Qahhorova's "The Basis for Philosophic Culture" is an article on the current state of this teaching.

**"T**wo Approaches Towards the Interpretation of Liberty" by philosopher Bahodir Zokir, is an analytical article in which the teachings and worldly visions of French enlighteners Voltaire, Montesquieu, Rousseau and representatives of German classical philosophy Kant, Schelling, and Hegel are carefully scrutinized.